

**Росулуллоҳ -саллоллоҳу алайҳи  
ва салламнинг- ҳаждаги  
аҳволлари**

[ Ўзбекча ]

**أحوال النبي صلى الله عليه وسلم في الحج**

[باللغة الأوزبكية]

**Файсал ибн Али Ал-Баъданий**

فيصل بن علي البعداني

**Таржимон: Шамсуддин Ҳакимзода**

ترجمة: شمس الدين حكيم زادة

**Мухарир: Абдулҳалим Абдуллоҳ**

مراجعة: عبد الحليم عبد الله

Риёз шахри Рабва маҳалласи диний тарғибот идораси

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

1429 – 2008

**islamhouse.com**

## Бисмиллахир Роҳманир Роҳийм

### Бош сўз

Оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамду – санолар, Пайғамбаримиз Мухаммадга, ахлу байтига ҳамда барча сахобаларига Аллоҳнинг раҳмати ва саломи бўлсин!

Ундан сўнг:

Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло бандаларини Пайғамбари Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга гина эргашишликга буориб:

(وَمَا آتَكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتُهُوا)

**“Пайғамбар сизларга нимани берса – дарҳол олинглар ва нимадан қайтарса – дарҳол қайтинглар”** (Хашр: 7) деди ва улар учун Ўз Пайғамбарини гўзал намуна қилди:

(لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لَمَنْ كَانَ يَرْجُو  
اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا)

**“Дарҳақиқат, сизлар – Аллоҳни ва охират кунини умид қилганлар ҳамда Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун**

**Аллоҳнинг Пайғамбарида гўзал намуналар бордир” (Аҳзоб: 21)**

Шунингдек, Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло Пайғамбарга эргашишлик – бу Аллоҳни севишлиқнинг белгиси эканлигини ҳамда Пайғамбарга итоат қилишлиқ – бу Аллоҳнинг Ўзига итоат қилишлиқ эканлигини аниқ билдирид:

قُلْ إِنَّكُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَأَتَيْبُونِي يُحِبِّكُمُ اللَّهُ وَيَعْفُرُ لَكُمْ دُنْوَبَكُمْ

“(Айтинг эй, Мұхаммад): агар сизлар Аллоҳни севсангиз менга эргашинглар. (Үшанды гина) Аллоҳ сизларни севар ва гуноҳларингизни мағфират қилас”

(Оли Имрон: 31)

مَنْ يُطِعِ الرَّسُولَ فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ وَمَنْ تَوَلَّ فَمَا أَرْسَلْنَاكَ عَلَيْهِمْ حَفِظًا

“Ким Пайғамбарга итоат қиласа, демак у Аллоҳга итоат қилибди. Ва ким юз ўғирса, (билинг – ки, эй Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам) Биз сизни уларга қўриқчи қилиб юбормадик”

(Нисо: 80)

Яна Аллох субханаңу ва таъоло Ўз Пайғамбариға әргашган ва унинг фармонларини бажарган одамлар учун улуғ савоблар бўлишини таъйин қилди:

وَمَنْ يُطِعَ اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَأُولَئِكَ مَعَ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِّنَ الْيَيِّنَ وَالصَّدِيقِينَ وَالشَّهَدَاءِ وَالصَّالِحِينَ وَحَسْنُ أُولَئِكَ رَفِيقًا

**“Кимда – ким Аллоҳга ва Пайғамбарга итоат қилса, бас ўшалар гина (охиратда) Пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳ бандалардан иборат Аллоҳ неъматлантирган зотлар билан бирга бўлар. Улар энг яхши ҳамроҳдирлар!**

(Нисо: 69)

Ҳаж ибодати Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишлик ва ўрнак олишлиқ қўзга яққол ташланиб турадиган Ислом ибодатларидан биридир. Бугунги кунда бир тоифа уламолар ва талаби илмлар ҳаж аҳкомлари ҳақидаги ҳадисларга, ҳаждаги ҳожиларнинг умумий хатоларига ҳамда ибодатларнинг сахиҳ ёки ботил бўлиш сабабларини баён қилишга аҳамият бердилар. Бу ҳаракатлар муҳим нуқсонларни бартараф қилишда маълум

ютуқларга эришди ва одамлар орасида бу улуғ ибодат ҳақида илм ҳосил бўлишига олиб келди. Лекин, бу ерда аҳамият беришга муҳтоҷ бўлган яна бир муҳим тараф бордир. У ҳам бўлса, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаждаги аҳволлари ва шахсий намуналариdir.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаждаги аҳволлари ва шахсий намуналарини билишликнинг аҳамияти тубандаги сабаблар орқали маълум бўлса ажаб эмас:

❖ Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаждаги аҳволлари ва шахсий намуналарини дарс қилишлик, тушунишлик ва ҳаётда татбиқ қилишликнинг зимнида ҳаж ибодатининг ҳукми ҳамда мақсадларини риоя қилиш ва ҳаждаги бандалик мақомотларини ижро қилиш бордир.

❖ Кўпчилик мусулмонлар ҳаж ибодати аҳкомларини билишлик билан гина кифояланиб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаждаги аҳволлари ва шахсий намуналарини билмаганликлари.

- ❖ Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам нинг ҳаждаги ахволлари ва шахсий намуналари зимнидаги маънолар ва мақсадларнинг ҳатто, ҳадис илми билан шуғулланган муайян талаби илмлар тарафидан ҳам татбиқ қилинmasлиги.
- ❖ Ҳаж ибодатининг ўзига хос табиатга эга эканлиги. Чунки, у мавсумда Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам турли тоифадаги одамлар билан муомала қилганлар, ўзларига бу сувратда йўлиқишига тайёр бўлмаган қавмлар билан учрашардилар. Гоҳо улардан баъзилари билан бўлган учрашувлари ўзгаларидан тамомила бошқача тарзда кечарди. Шунинг учун ҳар бир учрашувларида ҳар қайси қавмларга ўзига хос муомала намуналарини кўрсатардилар.
- ❖ Ҳаж сафарида барча аёллари ва оиласи - даги бошқа заифалар жамъ бўлишарди ки, бу ҳолда у зотдан илгари содир бўлмаган муомала намуналарининг содир бўлиш имкони туғиларди.

Шунинг учун бу дарслик Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаждаги аҳволлари ва шахсий намуналари ҳақида ёрқин сувратларни ва тўлақонли тавсифларни беришга ҳаракат қиласроқ майдонга келди. Шояд, бу китобда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нахжига эргашувни ҳоҳловчиларга зиёда ёрдамлар бўлса!

Аммо, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаж ибодатларини сифатлаган ҳадислар жуда кўп келганлиги сабабли, ибодатнинг сифатига муфассал тўхталганимиз йўқ. Аксинча, бошқа жониблардаги умумий ишоратлар ва намуналарни изҳор қилиш билан гина кифояландик. Чунки, бу жуда улкан мавзу бўлиб, уни қисқача бир дарслик ичига сиғдиришнинг имкони йўқдир.

Мавзуларни ўзаро яқинлаштириш ва ифодадаги парокандалиқдан қочиш умидида китобни тубандагича уч фаслга бўлдик:

Биринчи фасл:

Ҳаж ибодати вақтида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Роббиси билан бўлган аҳволлари.

□ Иккинчи фасл:

Ҳаж ибодати вақтида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматлари билан бўлган аҳволлари.

□ Учинчи фасл:

Ҳаж ибодати вақтида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оилалари билан бўлган аҳволлари.

Мен Аллоҳ субҳанаҳу ва таъолодан – Ўзининг гўзал исмлари ва олий сифатларини ўртага қўйиб – мана шу китобни ҳаж ва умра ибодатига келувчиларга фойдали, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишни ҳоҳловчиларга ёрдамчи қилишлигини ҳамда Ўз раҳмати ила қабул айлашини сўраб қоламан! Зеро, У – Эшитгувчи ва дуоларни ижобат қилгувчидир!

Фурсатдан фойдаланиб, китобимизни мана шу сувратда чиқишлигига ҳисса

қўшган инсонларга ташаккурларимни изҳор этаман! Уларга мендан холис дуолар ва чексиз миннатдорчиликлар бўлгай!

Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло Ўзининг бандаси ва элчиси Муҳаммадни, унинг оила аъзоларини ҳамда сахобаларини Ўз раҳматига олгай!

## Биринчи фасл:

Ҳаж ибодати вактида  
Расулуллоҳ саллаллоҳу  
алайҳи ва салламнинг  
Роббиси билан бўлган  
аҳволлари.

**Ҳаж ибодати вақтида Расулуллоҳ  
саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг  
Роббиси билан бўлган аҳволлари.**

Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло билан мустаҳкам алоқа – бу тақвадор зотларнинг бойлиги, обидларнинг жамғармасидир. Ҳаж ибодати эса, Аллоҳ билан банданинг ўртасидаги алоқани мустаҳкамлайдиган убудийят (қулчилик) мадрасаси ҳамда тақво хазинасидаир. Ҳаж ибодати сабабли инсон нафси Аллоҳ субҳанаҳу ва таъолога нисбатан убудийят, тавозеъ ва инкисор (синиқлик) мақомларию манзилларида жилваланишга ўрганади. Бу ибодат пайтида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам турли ҳолатларни бошидан кечирдилар. Зеро, энг кўп ибодат қилгани ва Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло билан мудом боғланишда бўлиб тургани ҳолда, гоҳ ҳожиларга таълим бериб, бошқаардилар, гоҳо аёлларига аҳамият берардилар ва оиласига хушмуомалада бўлиб, сабр

қилардилар. Лекин, буларнинг ҳеч бири у билан Роббиси ўртасидаги алоқанинг давомийлигига монеълик қилмас эди ва Ҳожасининг ҳузурида тўла инкисор мақомида туришликдан чалғитмас эди.

Агар биз ҳаж маҳалидаги Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Роббисига бўйинсуниш мақомларини санай берсак сўз жуда ҳам узун бўлиб кетади. Шунинг учун баъзи бир муҳим мақомларга гина тўхталиб ўтмоқчимиз:

### **1. Тавҳидга аҳамият бериш ва уни ижро қилиш**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж амалида тавҳидга бош масала қатори аҳамият бериб, ижро қилган. Зеро, Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло:

وَأَتِمُوا الْحَجَّ وَالْعُمْرَةَ لِلَّهِ

**“Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун холис адo қилинглар”** дея ҳаж ибодатларини пухта ва ихлос билан бажаришга буюрган эди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаждаги амаллари устида фикр

юритган одам у амалларда ба айни тавхид жилоланганлигини билиб олади.

**Жумладан:**

**a) Талбия.**

Талбия Аллоҳ субҳанаҳу ва таълонинг шериксиз ва ёлғизлигини (тавхидни) амалда ифодалаган ҳаж шиорларидан биридир.

*Танбеҳ: “Шиор”, “шаоъир”, “машоъир” деб ҳажс мобайнида адo қилинажсак тавоф, саъи, қурбонлик, соч олдириши каби ибодатларга айтилади. Бундан буён бу атамаларни ўз ҳолича(таржимасиз) ёзилади. Тарж.*

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда у айтади – ки: “(Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ) овозини баланд кўтариб қуидагича тавхидни изҳор қилдилар:

*Лаббайка, Аллаҳумма, лаббайк!  
Лаббайка лаа шарийка лака лаббайк! Иннал  
ҳамда, ван неъмати, Лака вал мулк! Лаа  
шарийка лак! Яъни:*

“Лаббай, эй, Аллоҳим! Сен шериксиз ягонасан, лаббай! Ҳамду сано Сенгадир, неъмат ва мулк Сенингдир! Сенинг шеригинг йўқдир!” (Муслим: 1217)

Ибн Умар розияллоху анху: “Бу калималарга ҳеч нарсаны зиёда қилмадилар” дейди. (Бухорий: 5914)

Аммо, Абу Хурайрадан ривоят қилинган ҳадисда эса у: “(Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам) ўзининг талбиясида “Лаббайка илаҳул ҳаққи лаббайк!” (яъни: эй, ҳақиқий илоҳ, лаббай!) жумласини қўшгандир” деган. (Ибн Можжа: 2920)

**b)** Холис амалга аҳамиятлари ва риё—сумъадан (хўжакўрсинга қилинган амалдан) сақлашлигини Роббисидан сўраганликлари.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам айтдиларки: **“Эй, Аллоҳим! Менга риё ва сумъасиз ҳажни насиб айлагайсан!”**

(Ибн Можжа: 2890)

**c)** Тавофдан кейинги икки ракъатлик намозда икки ихлос сурасини ўқиганликлари.

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда у айтади: “ўша икки

ракъатлиқда икки ихлос сурасини: “**қул ҳуваллоху аҳад**” билан “**қул йа айұхал кафирунни**” ўқидилар” (Термизий: 869)

**d) Сафо ва Марвада тавхид маъносида дуо қилғанлари.**

Яна Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда у дейдики: “(Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам саъй амалини) Сафодан бошлаб, унинг тепасига күтарилдилар. Токи, Байтуллохга кўзлари тушгач, қиблага юзланиб, такбир айтдилар ва Аллоҳнинг ягоналигини изҳор қилиб: “*лаа илаҳа иллаллоху вахдаху, ла шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала қулли шайъин Қодийр. Ла илаҳа иллаллоху вахдаху...*” деб уч марта тақрорладилар... Қачон Марвага етиб борганда, у ерда ҳам Сафода қилғанлари каби (дуо) қилдилар...” (Муслим: 1218)

**e) Арафотда ҳам тавхид билан дуо қилғанлари.**

Ҳадисда ривоят қилинадики:

“*Дуонинг энг яхиси Арафот кунининг дуосидир. Мен ва мендан илгариги Пайғамбарлар айтған(дуо)ларнинг энг яхиси “лаа илаҳа иллаллоху вахдаху, ла*

*шарийка лаҳу, лаҳул мулқу ва лаҳул ҳамду  
ва ҳува ъала қулли шайъин Қодийр”  
дуюсидир” (Термизий: 3585)*

Амр ибн Шуайб отасидан, отаси эса бобосидан эшигтган ҳадисда у дейдики: “Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Арафот кунидаги энг кўп (такрорлаган) дуоси *“лаа илаҳа иллаллоҳу  
ваҳдаҳу, ла шарийка лаҳу, лаҳул мулқу ва  
лаҳул ҳамду, би ядиҳил хайру ва ҳува ъала  
қулли шайъин Қодийр”* дуюсидир.”

(Аҳмад: 6961)

Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги замонимиздаги ҳожиларнинг аҳволига назар солган одам уларнинг амалларида алвон – алвон бидъатлар ва хурофотларнинг, ҳатттоки, ёмонлиги инсонлар аро ёйилиб бораётган ширк амалларининг гувоҳи бўлади. Шунинг учун даъватчилар ва илм аҳллари елкасида инсонларга дин асосларини ўргатишлик, Пайғамбарлар олиб келган тавҳид ҳақиқатини баён қилишилик ва уларни ширкнинг ҳар иккала туридан ва бошқа залолатлардан огоҳлантириш каби жуда катта масъулиятлар бордир. Даъват

масаласида Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва салламнинг кўрсатган йўллари аввало тавҳидни бошқа арконлардан муқаддам қўйиб тушинтиришдан иборатдир. Шунинг учун Муъоз ибн Жабални Яманга юбораётганда унга: “*уларни (аввало) “Ягона Аллоҳдан бошқа маъбуд йўқ, Мухаммад унинг элчиси” деб гувоҳлик бершига даъват қил. Агар шунга итоат этсалар унда уларга Аллоҳ бир кеча кундузда беши вақт намозни фарз қилганлигини ўргат. Бунга ҳам итоат қилсалар, у ҳолда уларга Аллоҳ таъоло мол – мулкларида муъайян садакани фарз қилганлигини, бу садака бойларидан олиниб камбагалларига берилажагини билдири.*” (Бухорий: 1395)

Эй, ҳожи биродарим! Агар сиз тавҳидни аввало ўзингизда рўёбга чиқариб, бир вақтнинг ўзида ҳам тавҳидни ижро қилувчи ҳам тавҳидга даъват қилувчи бўлсангиз на қадар соз бўларди!

## 2. Аллоҳнинг шиорларини улуғлаш

Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло бандаларини (ҳаж ибодати вақтидаги) Ўзининг

шиорларини улуғлаб, ҳурмат қилишга буюрди ва бу нарсани тақвонинг рукни, убудийятнинг шарти ҳамда савобга етишнинг йўли деб эълон қилди:

(ذلِكَ وَمَنْ يُعَظِّمْ شَعَائِرَ اللَّهِ فَإِنَّهَا مِنْ تَقْوَى الْفُلُوبِ)

**“...Кимда ким Аллоҳ (таоло) нинг шиорларини улуғласа–бу қалбларнинг тақвосидандир”** (Ҳаж: 32)

(ذلِكَ وَمَنْ يُعَظِّمْ حُرْمَاتَ اللَّهِ فَهُوَ خَيْرٌ لَّهُ عِنْدَ رَبِّهِ)

**“...Ким Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни риоя қилса – бу Роббисининг олдida ўзи учун яхшидир.”** (Ҳаж: 30)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг фармонларини етказувчи бўлган ҳолда дедилар: “*Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан четлан! Ўшанда сен инсонлар орасидаги энг ибодатгўйи бўласан*” (Термизий: 2305)

Агар Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло Ўзининг шиорларини ҳурмат қилишликни вожиб қилган бўлса, бунинг муқобилида у шиорларни енгил санашлиқдан, ҳаромларни

риоя қиласликдан, ҳадларга яқинлашишлиқдан ва тажовуз қилишилиқдан огохлантриб, Байтул Ҳарам хусусида бундай деди:

(وَمَن يُرْدِ فِيهِ بِإِلْحَادٍ بِظُلْمٍ نُذْفَةٌ مِّنْ عَذَابٍ أَلِيمٍ)

**“Кимда – ким у ерда зулм ила бузғунчиликни ихтиёр этса, Биз унга аламли азобни тоттиражакмиз!”**

(Хаж: 25)

Ҳадларни риоя қилиш ҳақида яна Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло деди:

(تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ فَلَا تَعْنَدُوهَا وَمَن يَتَعَدَّ حُدُودَ اللَّهِ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ)

**“Булар Аллоҳнинг чегараларири. Бас улардан тажовуз қилманг! Кимда – ким Аллоҳнинг чегараларидан тажовуз қилса, ана ўшалар гина золимлардир!”**

(Бақара: 229)

(وَمَن يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَتَعَدَّ حُدُودَهُ يُذْخَلُهُ ئَارَأَ خَالِدًا فِيهَا وَلَهُ عَذَابٌ مُّهِينٌ)

**“Кимда – ким Аллоҳга ва расулига осий бўлиб, Унинг ҳадларидан тажовуз қилса, абадий қоладиган дўзахга солажак ва унга хорлик азоби бўлажак!”**

(Нисо: 14)

Мустафо Пайғамбарлар ва Аллоҳни яхши таниган одамлар бу оятларни яхши тушунишган. Буларнинг бошида Аллоҳ шиорларини ва ҳаромларини энг кўп риоя қилган ва ҳадларга тажовуз қилишдан энг кўп сақланган, Пайғамбарларнинг имоми ҳамда барча халқларнинг саййиди Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам тургандир.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаж шиорларини улуғлашшлиги ва ҳаромларни риоя қилишлиги турли суратларда кўзга ташланган бўлиб, уларнинг орасидан кўзга энг яққол ташланганлари тубандагилар:

❖ Эҳром учун ғусл қилганлари ва соchlарини талbid қилганлари ва ғуслдан сўнг энг ширин атиrlар билан хушбўйланганларни.

*Талбид – бу сочга, ёйилиб, тўзиб кетмаслиги учун ётишиқоқ нарса суртиб, қотириб қўймоқ. Тарж.*

Зайд ибн Собитдан ривоят қилинган ҳадисда у Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эхром учун кийимларини ечганларини ва ғусл қилганликларини айтади. (Термизий: 830)

Яна бир ҳадисда Умар розияллоҳу анху:  
“Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг соchlарини талбид қилган ҳолда талбия айтганларини кўрдим” дейди.  
(Бухорий: 1540)

Оиша онамиз эса: “мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни эхромга киришларидан илгари энг ширин атиrlар билан хушбўйлантириб қўярдим” деб ҳадис ривоят қилганлар. (Муслим: 1189)

❖ Зул Ҳулайфадан ҳадӣ учун **будун** (курбонликга сўйиладиган туялар ва моллар) ҳайдап кетишлари.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло айтди:

(وَالْبُدْنَ جَعَلْنَاهَا لَكُمْ مِّنْ شَعَائِرِ اللَّهِ)

### **“Будунларни сизлар учун Аллоҳнинг шиорларидан қилдик” (Ҳаж: 36)**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи қурбонликларга ўзларининг муборак қўллари билан белги қўярдилар ёки мунчоқ осардилар. Ибн Аббос розияллоҳу анху ривоят қиласи: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам пешинни Зул Хулайфада ўқидилар. Кейин (қурбонликга атаган) тусини келтиришни буюрдилар ва түяning ўнг ўркачининг устидан бир оз қон оқизиб (белги) қўйдилар. Кейин икки ковушни мунчоқ қилиб тақиб қўйдилар” (Муслим: 1243) Ибнул Касир айтади: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мана шу белгини ва мунчоқни ўзларининг муборак қўллари билан қилдилар. Бошқа қурбонликларга белги қўйиш ва мунчоқ тақишини бошқаларга топширдилар”

(Ибнул Касир. “Пайғамбарнинг сийратлари” китобидан)

Шунингдек, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қурбонлик туси бор кишини қурбонлик туга минишдан

қайтариб: “*Агар жуда мұхтож бўлсанг гина, то минишга улов топгунга қадар яхшилаб (қийнамай) мингин*” дедилар.

(Жобир розияллоҳу анҳу ривояти.  
Муслим: 1324)

❖ Талбияни эхромга кирганидан бошлаб,  
то наҳр (қурбонлик сўядиган) куни Ақоба  
жамаротига тош отгунга қадар айтишлари.

Иbn Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда у айтади: “Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам то жамаротул Ақобага тош отгунга қадар талбия айтдилар” (Иbn Можжа: 3040) Иbn Масъуд розияллоҳу анҳу айтдилар: “Мұхаммадни ҳақ билан юборган Зот номига қасам ичиб айтаманки, мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Минодан Арафотга чиқдим.

Орасига (бошқа) таҳлил ва такбирларни аралаштирганини ҳисобга олмаганды, то жамаротул Ақобага тош отгунларича талбияни тўхтатмадилар”

(Ҳоким. “Мустадрак”)

Шунингдек Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам талбияни саҳобалари

эшитарлик даражада баланд овоз билан айтардилар. Бунга далил Ибн Умар розияллоху анху дан ривоят қилинган мана бу ҳадисдир: “мен Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам нинг талбид қилган (сочини маҳсус суюқлик билан қотирган) ҳолда **“Лаббайка, Аллахумма, лаббайк!  
Лаббайка лаа шарийка лака лаббайк!  
Иннал ҳамда, ван неъмата, Лака вал мулк! Лаа шарийка лак!”** деганларини эшигдим” (Бухорий: 5915)

Ибн Аббосдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва саллам мана бундай деганлар: **“менга Жибрийл келиб, талбияни эълон қилиб  
(баланд овозда) айтишимни буюрди”**  
(Аҳмад: 2950)

❖ Маккага киришдан илгари ўзларидан сафар ғуборлари ва тартибсизликларини кетказиш учун ғусл қилишлари ва масжидга кирган заҳоти тавоғни бошлаганликлари.

Ибн Умар розияллоху анху айтади: “Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам Маккага қадам қўйишдан илгари Зу Таво

(деган жой) да тўхтаб, тонг оттирадилар ва ғусл қиласардилар. Кейин эрта билан Маккага кириб борардилар” (Муслим: 1259)

❖ Ўзларига лозим кўргандада Ҳажарул асвадни қучоқлаганликлари, ўпганлари, унга пешонасини теккизганлари, унинг олдида йифлаганлари ва Рукнул Ямонийни силаганлари.

Сувайд ибн Ғафала айтади: “мен Умар ибн Ҳаттобнинг ҳажарул асвадни лозим тутиб, ўпганини ва Расулуллоҳнинг махфий йифлаганини кўрганман” (Муслим: 1271)

Иbn Аббос розияллоҳу анҳу айтади: “Умар ибн Ҳаттоб розияллоҳу анҳу (ҳажарул асвад қўйилган) рукнга энгасиб “мен биламанки, сен бир тошсан. Агар менинг ҳабибим (Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам) сени ўпганини ва силаганини кўрмаганимда зинҳор ўпмас ва силамас эдим” деди.”

(Аҳмад. “Муснад”: 131)

Жобир розияллоҳу анҳу айтди: “(Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳажарул Асваддан бошладилар. Уни силадилар. Кўзларидан ёш оқар эди”

(Байҳақий. “Сунанул Кубро”)

❖ Мақому Иброҳимнинг орқасида намоз ўқиганликлари, саъй амалини Сафодан бошлаганликлари ва Сафо–Марвада зикр –у дуолар қилиб турганликлари.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган узун ҳадисда мана бундай дейилади: “кейин мақому Иброҳимга ўтдилар ва “**ваттахизув мин мақооми Иброҳийма мусоллан**” оятини ўқидилар. Мақому Иброҳим ўзлари билан Байтнинг орасида қолди. Яна бир ривоятда Мақому Иброҳим орқасида икки ракаат намоз ўқиганликлари ривоят қилинади. (“Жомиъу Термизий: 856) Кейин эшикдан Сафога кўтарилдилар. Унга яқинлашгач, “**иннас Сафо вал Марвата мин шаъаириллоҳ**”ни ўқиб, “**Аллоҳ бошлиған жойдан бошлиғман**” дедилар (Чунки, Аллоҳнинг ояти “Иннас Сафо...” деб Сафодан бошлиған эди. Таржимон изоҳи) ва Сафодан бошлаб, унга кўтарилдилар. Токи, Байтуллоҳни кўрганларида қиблага юзланиб тавҳид, такбир калималарини айтдилар. Ундан кейин “**лаа илаҳа иллаллоҳу вахдаху, ла шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва хува ъала**

*кулли шайъин Қодийр. Ла илаҳа иллаллоху вахдаху анжаза вадаху ва насоро абдаху ва ҳазамал аҳзааба вахдаху*”ни уч марта ўқидилар. Бунинг орасида дуо ҳам қилдилар. Ундан кейин Марвага тушиб кетдилар. Марвада ҳам Сафодаги каби (дуоларни) қилдилар.

(Муслим: 1218)

❖ Машъарил ҳаромда Роббисини зикр қилиб, Унга ёлбориб узок вақт турганликлари.

Зеро, Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло айтган Эди:

(لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَبْتَغُوا فَضْلًا مِّنْ رَبِّكُمْ فَإِذَا أَفْضَلْتُمْ مِّنْ عَرَفَاتٍ فَادْكُرُوْا أَللّٰهَ عِنْدَ الْمَشْعَرِ الْحَرَامِ وَأَذْكُرُوهُ كَمَا هَدَأْتُمْ وَإِنْ كُنْتُمْ مِّنْ قَبْلِهِ لَمِنَ الظَّالَّمِينَ)

“(Хаж мавсумида касб қилиш билан) Роббингизнинг фазлини умид қилишингизда сизлар учун ҳеч зиён йўқдир. Бас, қачон Арафотдан тушсангиз, Машъарул Ҳаром олдида (Муздалифада) Аллоҳни зикр қилинглар. У (Аллоҳ) сизларни адашганларингиздан кейин ҳидоят қилгани каби, сизлар ҳам Уни зикр қилинглар” (Бақара: 197)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Роббисига илтижосини сифатлаб Жобир розияллоҳу анху мана бундай ҳадис ривоят қилган: “уларга субҳи содиқ билингач, аzon ва иқомат билан бомдод намозини ўқидилар. Кейин Қасвога (туяларига) миниб Машъарул Ҳаромга жўнадилар. (У ерда) қиблага юзланиб, Аллоҳга дуо қилиб, таҳлил, такбир, тавҳид калималарини айтган ҳолда тонг жуда ҳам оқариб қолгунга қадар тура бердилар. Ундан кейин кун чиқишидан илгари (Минога) жўнадилар” (Муслим: 1218)

❖ Нахр (қурбонлик сўйиладиган) кунида, аввалги таҳаллудан кейин Байтуллоҳни зиёрат қилишлик учун хушбўйланишлари.

Оиша онамиздан ривоят қилинган ҳадисда айтадиларки: “мен *Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни Байтуллоҳни зиёрат қилишаридан илгари Минода хушбўйлантиридим*”

(Саҳиҳи Ибн Хузайма: 2934. Саҳиҳи Ибн Ҳиббон: 3881)

❖ Ибодат замонларини ва ўринларини

улуғлашликлари.

Зеро, айтган эдиларки:

- ✓ “*Бир – бирларингизга қонларингиз ва молларингиз мана шу кунларингиз, ойларингиз ва мана шу шаҳрингизнинг (Макканинг) ҳаромлиги каби ҳаромдир*”  
(Муслим: 1218)

- ✓ “*Аллоҳ субҳанаху ва таълонинг наздида энг улуг кун – бу нахр кунидир. Ундан кейин одамлар Минога қарорлашадиган кундир*” (Яни, қурбонлик сўйиладиган – қурбон ҳайит куни ва унинг эртаси. Таржимон изоҳи)  
(Абу Довуд: 1765)
- ✓ “*Арафот, нахр ва ташриқ кунлари бизнинг – аҳли исломнинг байрамидир. Бу кунлар емоқ ва ичмоқ кунларидир*”  
(Термизий: 773)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж ибодати замонларининг ва ўринларининг ҳурматини сақлаган ҳолда ҳаж қилишга ҳожиларни тарғиб қилиб мана бундай дедилар:

- ✓ “*Мабур (мақбул) ҳаж учун жаннатдан ўзга мукофот йўқдирип*”  
(Бухорий: 1773. Муслим: 1349)
- ✓ “*Кимда ким аёлига шаҳвоний муносабатда бўлмаган, фосиқлик қилмаган ҳолда мана бу уйни ҳаж қилган бўлса, (уйига) онасидан тугилгандек (бегуноҳ) қайтибди.*”  
(Бухорий: 1819)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу иршодлари Аллоҳ субҳанаҳу ва таълонинг тубандаги фармонларига ҳамоҳангдир:

(الْحَجُّ أَشْهُرٌ مَعْلُومَاتٌ فَمَنْ قَرَضَ فِيهِنَّ الْحَجَّ فَلَا رَفَثَ وَلَا فُسُوقٌ وَلَا جَدَالٌ فِي الْحَجَّ وَمَا تَقْعَلُوا مِنْ خَيْرٍ يَعْلَمُهُ اللَّهُ وَتَزَوَّدُوا فَإِنَّ خَيْرَ الْزَادِ الْتَّقْوَىٰ وَأَنَّفُونَ يَأْوِلِي الْأَلْبَابِ)

**“Ҳаж – бу маълум ойлардир. Ким у(ой)ларда эхром боғласа, ҳажда шаҳвоний қилиқлар қилмасин, гуноҳлардан ва жанжаллардан олис бўлсин! Нимаики яхшилик қилсангиз Аллоҳ билиб турар. (Ҳажга) сафар озигини тайёрланглар. Энг яхши**

**тайёргарлик – бу тақводир! Ва Мендан  
тақво қилинглар, эй ақл соҳиблари!”**

(Бақара: 197)

Бугун эса... Бугунги ҳожиларнинг кўпчилиги Аллоҳнинг ҳадларига ва ҳаромларига мутлақо риоя қилмайдилар! Ҳаж амалларига ва ўринларига парво қилмайдилар!

Бу Аллоҳни менсимаслиkdir! Чунончи, Ибнул Қайим раҳимаҳуллоҳ айтган эдилар: “улар Аллоҳни менсимайдилар! Аллоҳнинг буйруғига парво қилмаганлар Унга гуноҳкор бўладилар. Аллоҳ ман қилган нарсаларни назарига илмаганлар ҳаромларга риоя қилмайдилар. Аллоҳнинг ҳаққига енгил қараганлар уни зоеъ қиладилар. Аллоҳнинг зикрини муҳим деб билмаганлар унга аҳамият бермайди ва қалблари ундан (зикрдан) ғофил бўлади. Ундей одамлар учун Аллоҳ ризосидан ўзининг нафс-ҳавоси афзалдир, Аллоҳга итоат қилишдан кўра маҳлуққа итоат қилиш муҳимдир. Унинг қалбида, илмида, амалида ва молида Аллоҳ учун муқаддамлик йўқ. Муқаддамликни бошқа нарсага право кўради. Чунки, у нарса унга Аллоҳдан кўра муҳимдир!” (“Ал жавобул кофий” китоби)

Шунинг учун, эй ҳожи биродарим, Аллоҳнинг шиорларини, ҳадларини улуғлашликда, ибодатларингиз билан Аллоҳнинг ҳузурида туришликда фақат Расулуллоҳга эргашинг ва халқ – халойиққа ҳақни ва сабрни васият қилинг.

### **3. Мушриклардан тамомий узилганликни ва уларга хилофликни изхор қилишлари**

Ислом ва ширк ҳеч қачон бир жойда жамланмайдиган нарсалардир. Бири бор жойда иккинчиси йўқ бўлиши муқаррар.

Гўё бири кеча–ю бири кундуз, бири ўт– у бир сув. Шунинг учун Макка фатҳидан кейин мусулмонларнинг биринчи иши бутпарамстлик осорларини ва ширк кўринишларини батамом йўқотишилик бўлди. Бу масалада Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тезкорлик табиатини намоён қилдилар. Қачон–ки, Масжидул Ҳарам(саҳни)га кирганларида, қўлидаги таёқ билан Каъба теварагидаги бутларни бирма–бир нуқиб, тубандаги оятларни ўқидилар:

(وَقُلْ جَاءَ الْحَقُّ وَرَهَقَ الْبَاطِلُ إِنَّ الْبَاطِلَ كَانَ زَهُوقًا)

**“Айтинг: Ҳақ келди ва ботил йүқолди”** (Исрө: 81)

(فَلْ جَاءَ الْحَقُّ وَمَا يُبْدِي إِلَيْهِ الْبَاطِلُ وَمَا يُعِيدُ)

**“Айтинг: Ҳақ келди, ботил эса йүқолгай ва асари ҳам қолмагай!”** (Сабаъ: 49)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам то ичидан барча бутларни чиқарип ташланмагунча Каъбага киришдан бош тортдилар. Ибн Аббос айтади: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Маккага) келгандарыда ичиди олиҳалар бўлган Каъбага киришга унамадилар. Кейин фармон бердилар ва барча олиҳалар (бутлар) чиқарип ташланди”

(Бухорий: 1601)

Шундан кейин Аллоҳ субханаҳу ва таъоло:

(يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا الْمُسْتَرُ كُونَ نَجَسٌ فَلَا يَقْرَبُوا الْمَسْجِدَ  
الْحَرَامَ بَعْدَ عَامِهِمْ هَذَا)

“Эй, иймон келтирганлар!  
**Дархақиқат, мушриклар нажасдур!** Бас, мана шу йилдан кейин **Масжидул Ҳаромга яқинлашмасынлар!**” (Тавба: 28) деган оятни нозил қилди. Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам дархол роббисининг фармонини ижро қилишга киришдилар ва дўсти Абу Бакр розияллоху анхуга мана шу(тўққизинчи ҳижрий) йилда одамларга эълон қилишликни буюриб: “**Шу йилдан кейин мушриклар ҳажс қилмасин!**” дедилар. (Бухорий: 329. Муслим: 1347. Насойй: 2958)

Шунингдек, Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам ўзининг ҳаж ибодатида мушрикларнинг ибодатига муҳолафат қилишга ва бобомиз Иброҳимнинг суннатидан юришга ҳарис бўлдилар.

Иш шу даражага бориб етдики, одамларга “**бизнинг йўлимиз уларнинг йўлига тамомила хилофдир**” деб ошкора билдирилар. Арафотдаги хутбасида ҳам мушрикларнинг амалларидан воз кечганлигини билдириб: “**оғоҳ бўлинглар ки, менинг қадамим босган ерда жоҳилият ишилари бекордир! Жоҳилиятнинг қони ҳам бекордир!**

*Бизнинг қонимиздан мен бекор қилган аввалги қон Ибн Робийъа ибн Ҳориснинг қонидир. Унинг сут онаси Бану Саъд (қабиласи) дан эди. Кейин уни Ҳузайл ўлдирган. Жоҳилиятнинг судхўрлиги ҳам бекордир! Биздаги судхўрликдан мен энг аввал бекор қилганим Аббос ибн Абдул Мутталибинг судхўрлигидир. Бас, у ҳам бекордир, барчаси!” (Муслим: 1218)*

Бу нарса (мушриклардан тамомий узилганликни ва уларга хилофликни изҳор қилишлари) миллий дин (*миллати Иброҳимга ишора. Тарж.*) бирлигини изҳор қилишида ҳам ўз ифодасини топгандир.

Одамлар Арафотда турганларида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам уларга Ибн Мирбаъни ўзидан элчи юбордилар. Ибн Мирбаъ эса уларга мана бундай деди: “*ўзингизнинг (исломий) ибодатингиз узра бўлинглар. Сизлар Иброҳимнинг (тавҳид) мероси устидаги одамлардирсиз!*” (Ибн Можжа: 3011)

Бу нарса яна, ибодатни адо қилишда уларнинг шонли тарихи ва муваҳҳидлардан иборат муаззам салафлари борлигини одамларга баён қилганлигига зоҳир бўлади.

Чунки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўп ўринларда уларга Пайғамбарларнинг қандай хаж қилганлигини эслатардилар. Масалан, бир куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Азрақ водийсидан ўтиб қолганларида “*бу қайси водий?*” деб сўрадилар. “бу Азрақ водийси” деди сахобалар. “*мен гўёки* – дедилар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам – *мана бу тепаликдан Мусо алайхиссаломнинг овозини баралла қўйган ҳолда талбия айтиб тушаётганлигини кўраяпман*” Кейин Ҳаршо тепалигига етиб келдилар ва “*бу қайси тепалик?*” деб сўрадилар. “Ҳаршо тепалиги” дейишди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*мен гўёки Юнус ибн Матто алайхиссаломни кўраяпман. У қизил, саркаши туюнинг устида, эгнида жундан тўқилган жуббаси бор. Туюсининг нўхтаси ингичка ва мустаҳкам. У ҳам талбия айтмоқда*” дедилар. (Муслим: 166)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам яна айтдиларки: “*жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасам ичиб айтаманки, (Исо) ибн Марям албатта ё ҳажсга ё*

*умрага ёки ҳар иккаласи учун Фажжыу  
Равҳодан талбия айтган ҳолда келади”*

(Муслим: 1252)

*(Фажжыу Равҳо Макка ва Мадина  
орасидаги бир жойнинг номи)*

**Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва  
саллам жуда кўп ибодат ва амалларда  
мушрикларга қасддан хилоф қилганлар.  
Улардан баъзилари тубандагилар:**

□ Талбия.

Чунки, мушриклар талбияга ширк  
калиматини аралаштириб: “илла  
шарийкан ҳува лак, тамликуху ва мо малак”  
деб талбия айтардилар. (*Маъноси: “Сенинг  
бир гина шеригинг бордир, Сен унга ва у  
молик бўлган нарсага моликсан”*)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам  
эса талбия мазмунидаги бу ширк  
калимасини чиқариб юбордилар ва  
ибодатда Аллоҳни ёлғизладилар.

(Муслим: 1185)

□ Мушрикларга хилоф равишда Арафотда  
одамлар билан бирга туришлари.

Чунки, Қурайш мушриклари одамлардан  
имтиёзланиб, Муздалифада турардилар ва

“биз тавофу ифозага фақат ҳарам ичкарисидан кирамиз” дейишар эди.

(Муслим: 1185)

*(Изоҳ: Арафот ҳарамнинг ташқарисида, Муздалифа ичкарисида жойлашган)*

□ Мушрикларга хилоф равища Арафотдан Муздалифага кун ботгандан кейин тушишлари ва Муздалифадан Минога кун чиқишидан олдин жўнашлари.

Чунки, мушриклар Арафотдан кун ботмасдан тушишар, Муздалифадан эса кун чиққандан кейин чиқишар эди.

Мисвар ибн Махрама розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда у айтади: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга Арафотда хутба қилдилар. Аллоҳга ҳамду сано айтганларидан кейин мана бундай дедилар: *“Аммо баъд. Ширк ва санам аҳллари бу ердан кун ботаётган лаҳзада – кун тогнинг бошида одамларнинг бошидаги салласи каби бўлиб қолганда чиқиб кетишарди.*

*Бизнинг йўлимиз уларницидан тамоман бошқача бўлажсак! Улар Машъарул Ҳаромдан (Муздалифадан) кун*

*тогнинг бошига одамларнинг бошидаги салласи каби чиқиб қолганда жўнаб кетишар эди. Бизнинг йўлимиз уларникига хилоф равишда бўлајсак!”*

(Байҳақий. “Сунанул Кубро”)

Яна шу каби ҳадис Амр ибн Маймундан қуидагича ривоят қилингандир: “биз Умар ибн Хаттоб билан бирга ҳаж қилиб қолдик. Вақтики, Муздалифадан кетишни ҳоҳлаган эдик, айтдилар: “мушриклар то кун чиқмагунча кетмас эдилар ва:

Ёриша қол, эй Сабийр тоги,  
Шунда бўлар тарқ этмоқ чоғи  
дер эдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи  
ва саллам эса уларга хилоф қилдилар ва кун  
чиқмасдан олдин Муздалифани тарқ  
этдилар” (Бухорий)

□ Ҳаж тугаши билан Оиша онамизни умра қилдирганликлари

Бу амаллари ҳам мушрикларга хилоф эди. Чунки, мушриклар наздида ҳаж тугагандан кейин то Сафар ойи кирмагунча умра қилиш ҳаром саналарди. Ибн Аббос айтади: “Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ширк ахлининг ишини тўхтатиб қўйиш учун

гина Зулхижжа ойида Оиша онамизни умра қилдирғанлар. Чунки, Қурайш ва уларнинг динидагилар (умра вақти келганлигини изҳор қилиб):

“Тұялар тулаб бўлганда,  
(Илиги кучга тўлганда...)  
Бел яраси тузалиб,  
Иzlари ҳам ўнгданда...  
Сафар ойи қўриниб,  
Кўк тоқига қўнгдана..,  
Умра ҳалол бўлади

Ким ҳоҳласа ўшанда” дейишар эди  
ва то Зулхижжа ҳамда Мұхаррам ойлари  
тугамасдан туриб умра қилишни ҳаром деб  
ҳисоблашарди”

(“Сунану Абу Довуд”: 1987)

□ Мушриклар ширкни ва исломга  
душманчиликни изҳор қилган ўринларда  
ислом шиорларини изҳор қилишлик билан  
мушрикларни хор қиласар әдилар.

Бу нарса Минодаги мана бу хутбаларида  
яққол зоҳир бўлгандир:

*“Биз эртага (Маккага) Бану Кинона  
ёнбагирлигидан тушамиз. Зоро, мана шу  
жойда улар куфр узра аҳдолашган әдилар”*

Яъни, Қурайш ва Кинона қабилалари ўзаро аҳдлашиб, Бану Ҳошим ва Бану Абдул Мутталиб қабилаларини шу ерга сургун қилиб, то ўз кўлларига Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламни солиб бермагунларича улар билан қудалашишни ва олди—сотти қилишни тақиқлаган эдилар.

(Бухорий: 1590)

Ибнул Қайим айтади: “бу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одатлари эди. Доимо куфр шиорларининг ўрнига тавҳид шиорларини қўярдилар. Шунинг учун Лот ва Уззо (деган бутлар) турган мавзеъга Тоиф масжидини бино қилдилар”

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларининг шахсий феълларида гина мушрикларга мухолафат қилиш билан чекланмадилар, балки, саҳобаларини ҳам шу нарсага буюрдилар. Жумладан:

- Мушрикларга хилофан Қурайш қабиласидан бўлмаган одамларга ҳам эхром боғлашни амр этдилар. Чунки, Қурайш қабиласи Байтуллоҳга улардан олдин етиб борган одамлар фақат қурайшлик одамнинг эхроми билан тавоғ қила олади, агар бунинг иложи бўлмаса, Каъбани ялангоч

ҳолда тавоф қиласы деган бидъатни чиқарған әдилар.

(Ибнүл Ҳажар. “Фатхул Борий”)

Үшанды – хижранинг тұққизинчі йилида одамларга (омматан) ҳаж қилишни эълон қилишга буюрганларида **“Байтұллоҳни яланғоч одам тавоф қилмасын!”** дея фармон бердилар. Мушрикларга хилоф фармонлардан яна бири қарбонлик олиб келмаган саҳобаларини таматтуъга (ҳаж ойларида ҳаж билан бирга умра қилишга) буюришлигидир. Мушриклар эса, ҳаж ойларида умра қилишни энг бузук амал деб ҳисоблар әдилар. (Бухорий: 7230)

- Аңсорийларни Сафо – Марва орасыда саъй қилишга буюриб: **“саъй қилинглар! Аллоҳ сезларга саъйни фарз қилғандыр”** дедилар. (Ибн Ҳузайма: 2864)

Бу эса жоҳилият даврида санамларига ибодат қилған вақтда Сафо – Марва орасыда саъй қилишни ҳаром деб ҳисоблаган мушрикларга хилофдир. Оиша онамиз ҳам буни Урва ибн Зубайрға баён қилғандилар. Чунки, Урва Оиша онамизга “мен Сафо – Марва орасыда саъй қилмасам бўлаверади деб ўйлайман” деган эди, Оиша разияллоҳу

анҳо “нега?!” дедилар. Урва эса, “чунки, Аллоҳ субҳонаху ва таъоло “**албатта, Сафо ва Марва Аллоҳнинг шиорларидандир**” деди холос (*бу оятда саъй қилинглар деган буйруқ йўқ*) Шунда Оиша разияллоҳу анҳо айтдилар: “агар (оят маъноси) сен айтгандек бўлса Сафо – Марвада саъй қилмаса ҳам ҳечқиси йўқ бўларди. Аммо, бу оят жоҳилият даврларида Манот (бути) га талбия айтган ансорийлар ҳақида нозил бўлгандир. Улар Сафо – Марвада саъй қилишни ўзларига ҳалол деб билмасдилар. Вақтики, Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ҳажга келгандарида у зотга буни айтиб берган эдилар, ўшанда Аллоҳ Субҳонаху ва таъоло мана шу оятни нозил қилди. Умримга қасамки, Аллоҳ таъоло Сафо – Марвада саъй қилмаган ҳеч бир одамнинг ҳажини тўлиқ қилмайди!”

(Бухорий: 1643)

Шунинг учун Ибнул Қайим айтадиларки: “шариат – хусусан ибодатларда – муширикларга хилофлик қасдида қарор топгандир”

Демак, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрсатган мана шу йўлларга

эргашиб, мушриклар динидан бўлган бирор нарсага тушиб қолишидан ўзини авайлаб, ҳаётида уларга хилоф қилиб яшаган одамга жаннатдан хушхабарлар бўлсин! Зоро, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайхи ва саллам айтганлар:

*“Ким бир қавмга ўзини ўхшатса, бас у ўшалардандир!”* (Абу Довуд: 4031)

*“Ким бир қавмни севса, қиёматда ўшалар билан бирга тирилтирилажак!”*  
(Ҳоким. “Мустадрак” китобидан)

#### 4. Тавба – тазарруъ, муножот ва дуоларининг қўплиги

Исломда дуонинг ўрни ва даражаси жуда ҳам баланддир. “Чунки, дуо Аллоҳ субҳанаҳу ва таъолога ғоят муҳтоҗликни, хокисорликни ва Унинг олдида фақирликни ифодалайди” (Ибн Ҳажар. “Фатҳул Борий”)

Шунинг учун Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дуони ҳақиқий ибодат дея ҳисоблаб: *“дуо – бу ибодатдир!”* деганлар.

Бунинг маъноси дуо ибодатнинг рукни, асоси демакдир. Чунки, дуо Аллоҳга иқбол

қилишга ва Ундан бошқасидан юз ўгиришга далолат қиласи. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Аллоҳ субҳанаҳу ва таъолога дуодан улугроқ нарса йўқдир*” деганлар. (Ибн Ҳиббон: 870)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж вақтида Роббисига жуда кўп дуо қиласи: тавофда, Сафо – Марвада, Арафотда... Айниқса Арафотда туясига миниб олиб, қўлларини худди таом сўраган мискиннинг қўлидек кўкрак баробарига кўтариб узун – узун дуо қиласи.

Хуллас, қарорлашган ўринларида заволдан кейин то кун ботгунга қадар дуода бўлардилар.

Муздалифада ҳам тавба – тазаррӯъ, муножот ва дуони кўп қиласи. Бомдод намозини аввалги вақтида ўқиб бўлгач, тонг жуда ҳам оқариб, кун чиқишига оз гина вақт қолгунга қадар дуо қиласи.

(Муслим: 1218)

Ташриқ қунларида эса, аввалги икки жамаротга тош отиб бўлганларидан кейин, икки қўлларини кўтарган ҳолда қиблага юзланиб узун – узун дуолар қиласи.

Ибнүл Қайим раҳимаҳуллоҳ бу дуонинг миқдори ҳақида: “Бақара сураси миқдорича” деганлар. (“Зодул – маъод”)

Бу айтилганлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эҳтиёж сўраган дуолари ҳақидадир. Аммо, зикр ва ҳамду – сано дуолари эса, Мадинадан чиқиб, то қайтиб келгунларига қадар оғизларидан тушмаган: пиёда юрсалар ҳам, отлик бўлсалар ҳам ҳамд, тасбех, таҳлил, такбир ва талбияларни айтиб юрганлар.

Шу нарсага аҳамият бериш керакки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаж ибодати вақтида қилган дуо, муножот ва тазарруъларининг нақл қилингандаридан нақл қилинмаганлари кўпdir. Чунки, дуо аслида банда билан Робби ўртасидаги сирдан иборат бўлади. Ҳар бир одам Роббисидан ўзи муҳтож бўлган нарсани сўрайди. Агар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи дуоларни жаҳран қилган бўлсалар умматим ўргансин, таълим олсин деб қилганлар.

Бунга далил Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган мана бу ҳадисдир:

“...ундан кейин (Расулуллоҳ саллаллоҳу алаиҳи ва саллам):

(وَاتَّخُذُوا مِنْ مَقَامٍ إِبْرَاهِيمَ مُصَلَّى)

**“Мақому Иброҳимни намоз ўқийдиган жой қилиб олинглар”** деган оятни баланд овоз билан ўқидилар. Агар шу нарсани (умматга таълим бериш учун баъзи зикрларни жаҳран айтганликларини) истисно қилинса, ҳажнинг мақсади ва ғояси тамомий зикрдан иборатдир. Бунга Аллоҳ субҳанаҳу ва таълонинг тубандаги оятлари ишора қиласи:

(فَإِذَا قَضَيْتُمْ مَنَاسِكُكُمْ فَادْكُرُوا اللَّهَ كَذِكْرُكُمْ أَبَاءَكُمْ أَوْ أَشَدَّ ذِكْرًا فَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَقُولُ رَبَّنَا آتَنَا فِي الدُّنْيَا وَمَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ خَلَاقٍ 200 وَمِنْهُمْ مَنْ يَقُولُ رَبَّنَا آتَنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةٌ وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةٌ وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ 201 أُولَئِكَ لَهُمْ نَصِيبٌ مِمَّا كَسَبُوا وَاللَّهُ سَرِيعُ الْحِسَابِ 202 وَانذُرُوا اللَّهَ فِي أَيَّامٍ مَعْدُودَاتٍ...)

**“Қачонки, ибодатларингизни адо қилиб бўлганингизда Аллоҳни оталарингизни эслагандек ёки ундан ҳам кўпроқ эслангиз (зикр қилингиз). Одамлардан баъзилари “Эй, Роббимиз!**

**Бизга дунёда** (ги неъматлардан) **бер!”**  
**дейдилар. Унга охиратдан насиб йўқдир.**  
**Улардан** (яна) **баъзилари** эса “**эй,**  
**Роббимиз!** Бизга дунёда ҳам охиратда  
 ҳам яхшилик ато қил ва бизни дўзах  
 азобидан қутқар!” дейдилар. Ана  
 шуларга қилган амалларидан савоб  
 бордир. Аллоҳ тез ҳисоб қилгувчидир. Ва  
**Аллоҳни саноқли кунларда** (уч ташриқ  
 кунларида кўп – кўп) **зикр қилинглар...”**

(Бақара: 199 – 203)

(لَيَشْهُدُوا مَنَافِعَ لُهُمْ وَيَذْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ فِي أَيَّامٍ مَّعْلُومَاتٍ)

**“Ўзларига** (диний ва дунёвий) **манфа -**  
**ъатлар етиши учун ва маълум кунларда**  
**Аллоҳнинг исмини** зикр қилишлари  
 учун...” (Хаж: 28)

Ҳа. Ҳозиргина айтиб ўтилганидек, хаж  
 амаллари ва шиорлари Аллоҳни зикр  
 қилишлик учун тузилгандир. Оиша онамиз  
 айтадилар: “байтни тавоф қилишлик, Сафо  
 – Марва орасида саъй қилишлик ва тош  
 отишлик Аллоҳ зикрини қоим қилиш учун  
 шариат қилинди” (Термизий: 902)

Шунингдек, Нубайша ал Ҳузалий  
 розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган

ҳадисда Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам айтганлар: “*ташириқ кунлари емок, ичмоқ ва Аллоҳни зикр қилмоқ кунлариидир*” (Муслим: 1141)

Демак, ҳаж вактида Расулуллох саллаллоху алайҳи ва салламдан нақл қилинган дуолар (кўп фойдаларни ўз ичига) жамлаган дуолардир. Масалан, икки руҳи ўртасида ўқиган “**Роббана аатина фид дуня ҳасанатан ва фил аахироти ҳасанатан ва қинаа азаабан наар**” дуоси каби. (Дуонинг маъноси: “Эй, Роббимиз! Бизга дунёда ҳам, охиратда ҳам ҳасанотларни ато қилгайсан ва бизни дўзах азобидан сақлагайсан!”)

(Абу Довуд: 1892)

Шунинг учун Расулуллох саллаллоху алайҳи ва салламга эргашибга муваффақ бўлган инсон, ҳаж ибодатида тазарруъни, муножотни ва Алллоҳга фақирлиг—у муҳтожликни кўпайтиради, Ҳожаси ҳузурида бош эгиб, синиқ қалб билан туради ва вақтини фойдасиз нарсалар билан ўтказмасдан, номатлуб амаллар билан ўзига мashaққат ошириб олмасдан доимо зикр ва жомеъ дуоларни ўзига лозим тутади.

**5. Аллоҳ учун ғазабланганликлари ва  
Унинг ҳадлари олдида  
тўхтаганликлари.**

Банданинг Аллоҳ учун ғазабланишлиги ва Аллоҳнинг чегаралари олдида тўхташлиги энг олий тақводорлик, рост иймоннинг далили ва тўлиқ бандаликнинг аломатидир.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу борада одамларнинг энг тақводори, Аллоҳ учун энг қўп ғазабланувчиси ва Аллоҳ ҳудудларини энг қўп риоя қилувчиси эдилар. Бу хислатлари ҳаж мавсуми давомида бир неча ўринларда кўринди. Ҳозир улардан бир нечасини келтирамиз:

□ Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Зул Ҳулайфа (мийқоти) да намоз ўқиши ва ўзларига қўшилишни ҳоҳлаганларни кутиш учун бир кун тўлиқ турганликлари. Зеро, бу ишлари Аллоҳ субҳонаҳу ва таълонинг фармонларига бўйин сунгандари учун эди. Ибн Аббос розияллоҳу анху дедилар: “мен саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (Зул Ҳулайфадаги) Ақиқ Водийсида мана бундай деганларини

эшитдим: “менга шу кечада роббимдан вахий келиб “мана шу муборак водийда намоз ўқинг ва “ҳаж жидағы умра учун” деб ният қилинг” дея хабар берди”

(Бухорий: 1534)

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам Мадинайи мунаавварадан Шанба куни, пешин намозини түрт ракъат қилиб (тўлик) ўқигандан кейин чиққан эдилар. Зул Ҳулайфадан эса, Якшанба куни, у ерда пешин намозини икки ракъатлик (қаср) қилиб ўқиганларидан кейин ўтиб кетдилар.

(Ибнул Касир. “Сийратун–набавийя”: 4/215, 218)

Ибнул Касир айтади: “кўриниб турибдики, Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг Ақиқ водийсида намоз ўқишига буюрганликлари – бу пешин намозини ўқишига буюришларидир. Чунки, (Ақиқ водийсида туриш ҳақидаги илоҳий) буйруқ кечаси келган ва уни Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам саҳобаларига бомдод намозидан кейин эълон қилган эдилар. Демак, пешин намозини ўқишигина қолаяпти, бас ўша ерда (пешин) намоз (ини) ўқишига буюрдилар” (Ибнул Касир. “Сийратун–набавийя”: 4/222)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана шу ерда туришлари ва келадиган ўн минглаб одамларни кутишларидаги мاشаққатда Аллоҳнинг ҳадларини нақадар риоя қилишилирга ёрқин мисол бор.

□ Саҳобаларининг раъиига зид равища (Аллоҳнинг ҳаддини риоя қилиб) эҳромдан чиқмаганликлари. Чунки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари билан бирга ҳадйлар (қурбонликга сўйиладиган туюлар) ни ҳайдаб келган эдилар. Саҳобаларда эса ҳадйлар йўқ эди. Шунинг учун Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (тарвия кунига беш кун қолганда) кимнинг ҳадйси йўқ бўлса, эҳромидан чиқиб, ҳажини умрага айлантиrsин (эҳромдан чиқиб, барча нарсаларни ҳалол қилсинлар, ҳатто аёлларни ҳам) деб буюрдилар. Қавм эса, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (аёллар ҳақидаги сўзларини) қатъий буйруқ эмас деб ўйладилар. Шунинг учун баъзилари эҳромдан чиқишни мутлақо ҳоҳламай “(агар ҳозир аёлларимизга қўшилсак,) Арафотга закарларимиздан ҳаром сув

томчилатиб борамизми!?” дея эътиroz билдирилар. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ субҳонаҳу ва таъолога ва Аллоҳнинг расулига лаббай деб жавоб бермаганлари учун улардан ғазабландилар ва шу ҳолда Оиша онамизнинг олдиларига кирдилар. Оиша онамиз “ё, Расулуллоҳ! Сизни ким ғазаблантириди, Аллоҳ уни дўзахга солсин!” деб сўраганларида:

*“Кўрмайсанми, мен одамларни бир ишга буюрсам, уни бажаришга тарафудусланаёттилар! “Агар мен кейинги қилган ишларимни қайта бошдан қиласам, ҳадийларни ҳайдаб келмас, ҳатто сотиб олмас эдим ва кейин улар эхромдан чиққанлари каби эхромдан чиқар эдим”* (Муслим: 1211) дедилар да, чиқиб, саҳобалар орасида мана бундай дедилар: *“биласизларки, мен сизларнинг орангизда энг тақвадорларингиз, энг ростгўйларингиз ва энг кўп яхшилик қилгувчиларингизман. Агарда менинг ҳадийларим бўлмаса эди, мен ҳам сизлар каби эхромдан чиқардим. Бас, эхромдан чиқаверинглар”* (Бухорий: 7327) дедилар.

Кейин одамлар бўйинсундилар ва итоат қилиб, эхромдан чиқдилар.

□ Мадинаға қайтиш куни келганда, завжалари Софийя розияллоҳу анҳо ҳайз кўриб қолдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг қурбонлик куниёқ тавофул ифозани адо қилиб бўлганини билмаган ҳолда, (ҳали ҳам тавофи ифоза қилмасдан) одамларнинг йўлдан қолишига сабаб бўляяпти, наҳотки, у сабабли шунча одамлар йўлдан ушланадилар деб ўйладилар ва ҳар қанча ноқулай бўлса ҳам, одамлар орасида ***“менимча у сизларни кечиктираяпти холос!”*** дедилар.

(Бухорий: 1772)

Бас, эй, Аллоҳнинг бандаси, инсоният афзали – Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашинг ва Аллоҳнинг ҳадлари риоя қилинмаган ҳолда Аллоҳ учун ғазабланинг! Аллоҳ субҳонаху ва таъоло чеклаган ҳеч бир ҳаромдан ҳатламанг ва ҳеч бир ҳалолни қолдирманг. Бунга хилоф иш тутишдан эҳтиёт бўлинг. Акс ҳолда ҳалок бўласиз ва фитнага йўлиқасиз. Аллоҳ таъоло айтгандир:

{فَلَيَحْذِرُ الَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبَهُمْ فَتْنَةٌ أَوْ يُصِيبَهُمْ  
عَذَابٌ أَلِيمٌ}

**“Унинг (Аллоҳнинг) амрига хилоф  
қилган одамлар, уларга фитна ва аламли  
азоб етиб қолишидан эҳтиёт бўлсинлар!”**  
(Нур: 63)

Агар сиз нажот ҳоҳласангиз, бутун ҳаёtingиз давомида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу сўзларига амал қилиб яшанг:

**“Мен сизларни нимадан қайтарсам—  
ундан эҳтиёт бўлинглар, нимага  
буюрсан—уни дарҳол, тоқатларингиз  
етганича бажаринглар! Чунки, сизлардан  
олдинги қавмларни кўп саволлари ва  
Пайғамбарларига хилоф амаллари ҳалок  
қилгандир!”** (Бухорий: 7288)

Шунингдек орифин биллоҳлардан бирининг мана бу гапи доимо ёдингизда бўлсин:

“Агар сен Аллоҳнинг “эй, иймон  
келтирганлар!” деган хитобини эшитсанг,  
дарҳол унга қулоқ сол. Чунки, у хитоб сени

энг яхши нарсага буюрган ва энг ёмон нарсадан қайтарган бўлади” (Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхунинг сўзларидан)

Мана шу наҳжадан бошқа йўналишга бурилиб кетманг, акс ҳолда баҳтсиз ва саъодатдан маҳрум бўласиз!

## **6. Тавозеъ ва хотиржамликлари**

Қалбнинг уйғоқ бўлиши ва хотиржамлиги инсоннинг барча аъзоларининг хотиржамлиги билан боғлиқдир. Чунки, “одамнинг суврати сийратининг дарақчисидир”

(Ибнул Ҳажар. “Фатҳул Борий”)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаж ибодатларида суврат хотиржамлиги ҳам, сийрат хотиржамлиги ҳам жамланганлиги сабабли доимо қалби уйғоқ, ибодатидан чалғимаган, Роббиси ҳузурида тавозеъли, ҳокисор ҳолда бўлиб, кўз ёшларини сел қилиб йиглардилар.

Тазарруъ ва дуолар билан, гоҳо қўлларини кўтарган ҳолда узоқ–узоқ туриб қолардилар. (Бухорий)

Бунга жуда кўп далиллар бор бўлиб, мисол тариқасида тубандаги ривоятларни айтсак бўлади:

□ Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тавофини сифатлаган ва Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда мана бундай дейилади: “тавофни Ҳажарул Асваддан бошладилар ва уни силадилар. Кўз ёшлари сел бўлиб оқарди. Кейин уч маротаба тез–тез айландилар. Тўртингчисидан бошлаб то охиригача хотиржам юриш билан айландилар. Айланиб бўлгач, ҳажарул асвадни ўпдилар ва устига икки қўлини қўйиб, ҳар иккаласи билан юзларини силадилар”

(Байҳакий. “Сунанул Кубро”)

□ Солим эса Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳажларини тубандагича сифатлайди: “аввалги жамрани отдиларда, олдинга ўтиб енгил тин отдилар. Кейин қиблага қараб, қўлларини кўтариб дуо қилган ҳолда кўп турдилар. Кейин ўрта жамаротга тош отдилар ва водийга чап елкаларини солиб,

қиблага қараб, қўлларини дуога кўтарган ҳолда узоқ турдилар. Кейин водийнинг ўртасидаги “Ақоба” жамаротига тош отдилар. Аммо, унинг олдида (дуога) турмадилар. Ибн Умар розияллоҳу анҳу ҳам мана шундай қилганлар ва “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай қилганлигини қўрдим” деган эдилар”

(Бухорий: 1751, 1753)

Шунингдек, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бутун вужуди билан хотиржам бўлган ҳолда, виқор билан оҳиста ва енгил юриб, ибодатларини хотиржамликда адо этардилар. Жобир розияллоҳу анҳу айтади: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Арафотдан) хотиржам ҳолатда тушдилар”

(Насойи: 3024)

Фазл ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда у киши айтадилар: “(Арафотдан) тушганларида то Муздалифага етиб келгунларича одатларига мувофик, оҳиста келдилар” (Аҳмад: 1816)

Абдуллоҳ ибн Аббоснинг айтганларига қараганда, у киши Арафот куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга

жўнаган эканлар. Баногоҳ орқа тарафларидан Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туяларини “чух – чухлаб”, нуқиб келганларини ва қамчилари билан уларга (шошилаётган одамларга) ишора қилиб: “**Эй, одамлар! Хотиржамликни сакланглар! Тез, шошилиб юриш яхии эмас!**” деганларини эшитибдилар. (Бухорий: 1671)

**Демак, эй ҳожи биродар!**

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана шу нажотли йўлини ушлангда, ҳаж ибодатида викор ва хотиржамлик ридосини кийинг.

Сўзингизда ва амалингизда маъно бўлиши учун ибодатларингизни хотиржам қалб билан адо этинг. Бу нарса сизда ҳикматни пайдо қиласди ва сиз билан ботилнинг орасига тўсиқ бўлади. Ҳаж ибодатингиз билан нафсингизни роҳатлантиринг. Ибодатни тезроқ тугатишдан бошқа ғами бўлмаган жоҳилларга ўхшаб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Улар гўё ҳол тиллари билан “Эй, Роббимиз! Бизларни ҳаж билан эмас,

ҳаждан (тезроқ фориғ қилиб) роҳатлантирилгендердек!

## 7. Савоб ишни күп ва ўз қўллари билан қилишлари

Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло бандаларини  
тақвога ва яхши ишларда мусобақа қилишга  
қизиқтириб мана бундай дегандир:

(وَتَرَوْدُوا فِإِنَّ خَيْرَ الْزَادِ الْقَوَىٰ وَأَنْفُونَ يَأْوِلِي الْأَلْبَابِ)

“(Хажга) сафар озигини  
тайёрланглар. Энг яхши озиқ – бу  
тақводир! Ва Мендан тақво қилинглар,  
эй ақл соҳиблари!” (Бақара: 197)

(وَسَارُوا إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِّنْ رَبِّكُمْ وَجَلَّ عَرْضُهَا السَّمَاوَاتُ  
وَالْأَرْضُ أُعِدَّتْ لِلْمُتَّقِينَ)

“Тақводорлар учун тайёрлаб  
қўйилган ва кенглиги осмонлар у ер  
(каби) бўлган жаннатга ҳамда  
Роббингиздан бўлажак мағфиратга  
шошилинглар!” (Оли Имрон: 133)

Расулуллох саллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳаждаги ҳидоятлари ҳам мана шу оятларга мувофиқ ҳолда бўлган. Тубанда ана шу ҳидоятлардан баъзи лавҳаларни келтирамиз:

❖ Ибодатдаги мустаҳабларни қилишга ҳарисликлари.

Жумладан: эҳром учун ғусл қилиш, эҳромга кириш олдидан ёки чиққандан кейин хушбўйланиш, қурбонликларга белги қўйиш ва мунчоқ тақиши, талбияни то жамратул Ақобага қадар кўп ва жаҳран айтиш, Байтуллоҳга кирганда дархол тавофни бошлаш, аввалги уч тавофда рамал қилиш (йўртиб, тез – тез юриш), икки рукнни (Рукнул Ямоний ва Ҳажарул асвадни) силаш, Мақоми Иброҳим ортида тавофнинг икки ракъатлик намозини ўқиши, Сафо ва Марвада дуо қилиш, Водийнинг ўртасида (ҳозирги икки яшил белгининг орасида) тез югурниш, икки рукнни силаганда ва тош отганда зикр қилиш ва бундан бошқа мустаҳаблар.

❖ Оиласида заифалар кўп бўлгани сабабли бундан эрта чиқиб кетишлиги мумкин бўлса ҳам Муздалифадан чиқиши

тонг жуда оқариб, кун чиқишига бир оз гина  
вақт қолгунга қадар кечиктиришлари.

(Бухорий: 1680)

❖ Олти кишига қўшилиб бир тую ёки  
мол ёхуд бир қўй сўйиш билан кифояланса  
бўлгани ҳолда қурбонлик учун юз нафар  
жонлиқ ҳайдаб борганликлари. (Бухорий:  
1688) ва ҳоказо.

Демак, барча ибодатларни шахсан  
ўзлари адо қилганлар ва бошқа бировни  
ўзларидан вакил қилмаганлар. Магар ўта  
зарурат туғилиб қолгандагина ишларини  
бошқа бировга топширганлар. Масалан,  
курбонликларини сўйишда олтмиш уч  
донасини ўз муборак қўллари билан сўйиб,  
қолганини сўйишни Али розияллоҳу анҳуга  
топширганлар. (Ибн Можжа: 3074)

Гоҳида Алий розияллоҳу анҳу  
Расуллороҳга шерик бўлиб қурбонлик  
сотиб олардилар. Бу ҳолда Расуллороҳдан  
вакил бўлиб эмас, ўзлари учун сўярдилар.

(Бухорий: 2506)

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва  
саллам баъзи вақтларда қурбонликларга  
белги қўйишни, Намирада ўзларига чодир

тикишни, Муздалифадан тош теришни, уловларини парвариш қилиб, эгар – жабдук уришни ва шу каби бошқа ишларни саҳобаларига буюрар эдилар.

Лекин бу нарса юқорида биз чиқарган умумий хулосани йўққа чиқармайди. Чунки бу ишлар ё асил ибодатлар жумласига кирмас ёки у зотнинг юмушларидан эмас эди.

Хулласи калом, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳажларида яхши тааммул қиласан одам у зот ибодатларини комил суратда ва фазилатли ҳолда адо қилишга тиришганлигининг гувоҳи бўлади. Аммо, бир қараган одамга фазилатли эмасдек кўринган түяning устида тавоғ, саъй қилиш ва ҳажарул асвадни ҳассалари билан силаш каби амалларига келсак, бу нарсалар ўша пайтда пиёда адо қиласан нисбатан фойдалирок бўлган. Бу ишлари билан Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар тиқилинч бўлган вақтларда уларга кўриниб туришга ва одамлар унга савол берса, жавоб қилишга рағбат қиласанлар.

Бас шундай экан, эй ҳожи биродарим, ҳаж мавсумида савобли, Аллоҳга қурбат

ҳосил қиласидиган ишларни қўпайтиришга азимат қилинг. Чунки, сиз дунё кунларининг энг афзалида турибсиз. Бу кунлар Аллоҳдан тақво қиласорқ зикр, муножот ва яхшиликлар қилинадиган кунлардир. Зеро Аллоҳ субҳанаҳу ва таъолога сизнинг тақвоингизгина етар. Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло сизнинг сувратингизга ва молингизга эмас, амалингизга ва қалбингизга қарап. Бас, енг шимариб олийхиммат бўлинг! Бепарволик ва дангасалиқдан ҳазар қилинг! Бу кунлар ўтар аммо қайтмас. Эсингизда бўлсинки, бу кунлар амал кунидир, ҳисоб куни эмас. Эртага эса ҳисоб куни келар, амал куни эмас. Кимда –ким бу кунларда амал қилса, бас у нажот топар! Кимда–ким бу кунларни зоеъ қилса, бас ҳалок бўлар! У (охиратдаги) кунларда **“амали этагидан тортган одамни насаби олга жилдирамас”**

(Муслим: 2699)

## **8. Амалларда мўътадилликни ихтиёр қилганлари**

Ишларнинг энг афзали – ўртачasi, энг ёмони бир тарафига босим ясаб

қилинганидир. Бизнинг ҳаққоний шариатимиз ўртacha амалга буюради. Зеро, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки:

**“Ўртacha йўл тутинглар! (уч маротаба) Ким динда зўракилик қилса енгилиб қолгай”** (Аҳмад: 19786)

**“Ўрта йўлни танланг – (мақсадга етгайсиз!”** (Бухорий: 6364)

Ҳаж амалларида ҳам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хулқлари ифрат–тафритни ёмон кўриш ва мўтадилликни зухур қилишдан иборат эди. (*Ифрат – бир нарсада зўракилик қилиши, чекдан чиқши. Тафрит – бунинг акси. Таржимон изоҳи.*)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаждаги мўтадилликларидан биз учун энг муҳими Роббиси билан бўлган тубандаги икки ахволлари бўлса ажаб эмас:

Биринчиси: бир тарафдан Роббисига мустаҳкам боғланишликдан келиб чиқадиган ўз нафсларига аҳамият қилишлик билан, иккинчи тарафдан умматига таълим бериш, етакчилик қилиш, аёлларига риоя

қилиш ва оиласига ғамхўрлик қилиш орасидаги мувозанатни мўътадил ҳолда сақлаганлари. (Бухорий: 305, 1556)

Иккинчиси: руҳлари ва жасадларининг ҳақлари орасидаги мувозанатни мўътадил ҳолда сақлаганликлари. Чунки, ҳаждек маҳобатли, иймоний бир муҳитда кўп одамлар руҳоний тарафга босим ясаб (ифрот қилиб), жасадга ўз ҳукуқини беришда тафрийтга йўл қўядилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эса жасадларининг ҳаққига ҳам ғоят аҳамият бериб, тарвия (Зулхижжанинг саккизинчи) куни, Арафотга яқинроқ бўлиш мақсадида Минога чиққанлар ва тунда ухлаганлар, (Абу Довуд: 1911) Арафот куни кечаси Муздалифада ухлаганлар, (Муслим: 1218) Арафот куни рўза тутмаганлар (Бухорий: 1658) ва олдиндан тикиб, ҳозирлаб қўйилган жун чодир соясида дам олганлар, (Муслим: 1218) Муздалифа туни икки (шом ва хуфтон) намоздан олдин ҳам, кейин ҳам нафл намоз ўқимаганлар ва субҳга қадар ухлаганлар. (Бухорий: 1673. Ибнул Қайим: “Зодул маъод 2\247) Ибодатгоҳлар орасида улов миниб

қатнаганлар, (Бухорий: 1666) баъзан тавоф, саъй, жамарот каби баъзи ибодатлар асносида ҳам улов мингандар (Бухорий: 1607) ва ўзларига хизматчи ҳам олганлар (Муслим: 1313) ва ҳоказо...

Хуллас, дуо–ю муножотлар ва шу каби бошқа улуғ ибодатларни фикрини бир жойга йиғиб, хотиржамликда адо этиш учун жасадини парвариш қилганлар ва қувватлантирганлар.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жасад ва рух орасидаги мўътадилликни сақлаганликларига Уммул Ҳусайн разияллоҳу анходан ривоят қилинган мана бу ҳадис ҳам яққол мисол бўла олади. У киши айтадилар: “мен ҳажжатул вадоъ ҳажини Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга адо қилдим. Ўшанда у зотнинг туялари устида жамаротларга тош отиб қайтганларини кўрдим. Билол ва Усома ҳам у киши билан бирга бўлиб, бири туяларини етаклаб, иккинчиси тўни билан Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бошларини қўёшдан тўсиб борардилар.

Кейин Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўп сўзларни айтдилар. Кейин мен

мана бундай деганларини эшиздим: “*агар сизларга бурни кесилган, қора кул амир этиб тайинланса ва у сизларни Аллоҳнинг китоби билан етакласа унга қулоқ солинглар ва итоат қилинглар*”...

(Муслим: 1298)

Уммул Ҳусайн разияллоҳу анҳонинг бу ҳадисларида яна Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тош отганлари, уловга мингандари, сояда дам олганлари, викор билан оҳиста юрганлари, саҳобаларининг ва хизматчиларининг хизматидан фойдаланганлари, одамларга таълим берганлари ва ваъз-иршод қилганлари каби турли ишлар баён қилинади.

Агар сиз, эй, азиз биродар, динда комиллик истасангиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу иршодига амал қилинг:

*“Дин енгилдир. Динда ким шиддат қилса – енгилар. Бас, тўғриланглар, яқинлаштиринглар, севинч хабарларини беринглар ва эрта-ю кеч ҳамда туннинг бир бўлагида (дуо қилиб) Аллоҳдан ёрдам сўранглар”* (Бухорий: 39)

Бу йўлдан зинҳор четланманг. Акс ҳолда ҳалок бўласиз! Зеро Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**ким менинг суннатимдан юз ўгирса мендан эмас!**” деб огоҳлантирганлар. Аллоҳнинг динида аста – секин, мулойимлик ва мўътадиллик билан илгариланд. Шиддат қиласман деб Аллоҳнинг ибодатидан нафсингизни бездириб қўйманг. Зеро:  
 ‘Карвондан ўзганинг йўли таъхир бўлар  
 Теваси ҳам қийналиб, яғир бўлар’  
 (Байҳақий: “Шуабул иймон”)

## **9. Зоҳидликлари**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қалблари доимо Аллоҳ рози бўладиган ишларга боғлиқ ва охират учун фойдасиз нарсалардан фориғ ҳолда бўларди. Ҳар қанча имкониятлари кенг бўлганига қарамасдан дунёга берилмас (зоҳидлик қилас) эдилар. Қўлларига бирор нарса тушиб қолса ўзлари ва оилалалари учун ҳеч нарса олиб қолмасдан ўша ҳолича Аллоҳнинг бандаларига эҳсон қилиб юборар эдилар. У зотнинг зоҳидликларини

сифатлаган одамлар “дунёдаги энг зоҳид одам” дейишар эди. (Аҳмад: 17773)

Хуллас, Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг зоҳидликларини санаб адодига этиш мумкин эмас. Шундай бўлса ҳам бу ерда баъзи бир лавҳаларни келтириб ўтамиз:

❖ Дуолари.

Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Роббисига дуо қилиб: “*Эй, Аллоҳим! Муҳаммад авлодини “қувт” билан ризқлантиргил!*” дедилар.

(Бухорий: 6460)

(“*Қувт*” – қорин тўйдирмайдиган, аммо ўзак уйғотадиган оз гина таом. Таржимон изоҳи)

Яна бир ривоятда: “*Эй, Аллоҳим! Муҳаммад авлодини “кафоф” билан ризқлантиргил!*” деганлар.

(Муслим: 1055)

(“*Кафоф*” эҳтиёжга яраша оз гина овқат. Тарж. из.)

❖ Очликдан букилиб қолганлари.

Умар розияллоҳу анҳу айтадилар: “мен Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва

салламнинг ейишга бир дона қаттиқ хурмо  
ҳам топа олмасдан кун бўйи очликдан  
эгилиб юрганлигини кўрганман”

(Муслим: 2978)

❖ Оиласи билан бирга уч кун қаторасига  
буғдой унига тўймай қолганлари.  
Оиша онамиздан айтадилар:  
*“Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам  
(охират) сафарига ўтиб кетгунларича уч  
кун қаторасига буғдой унини тўйиб  
емадилар”* (Муслим: 2970)

Яна бир ривоятда “*Мұхаммад  
саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг  
оилалари уч кун қаторасига буғдой унини  
тўйиб емадилар*” дейилади. (Бухорий: 5438)

Қалбларининг фақат охиратга боғлиқ  
эканлиги Арафотдаги “*лаъбай, эй  
Аллоҳим! Яхшилиқ-бу охират  
яхшилигиидир*” деган сўзларида янада  
яққолроқ намоён бўлади. Бу сўзлари яна  
бир ривоятда “*лаъбай, Сенга (Аллоҳим!)  
ҳаёт – бу охират ҳаётиидир*” шаклида  
келади.

❖ Туясининг эгар – жабдуғининг эскилиги.

Расулуллох саллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳажга минган туяларига эски эгар урилган ва баҳоси тўрт дирҳамга арзиган ё арзимаган духоба жабдуқ ёпилган эди. (Ибн Можжа: 2890)

Ибнул Қайим айтадилар: “Расулуллох саллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳажлари эгар узра бўларди. Тахтиравонда ҳам, ҳавдаж (туянинг устига ўрнатиладиган кажава) да ҳам бўлмас эди. (“Зодул маъод”)

Ибн Умар розияллоху анҳу бир неча йиллардан кейин, ёнларидан эгарлари ошланган теридан, нўхталари жундан ўрилган туяларни минган яманлик йўловчилар ўтиб қолганда, Расулуллох саллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳолатларини эслаб: “кимда – ким ҳажжатул вадоъга келган Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам ва саҳобаларига ўхшаган йўловчиларни кўргиси келса мана буларга қарасин” деган эди. (Абу Довуд: 4144)

❖ Юк ортгани маҳсус туяси бўлмай, юкларини минган туяларига ортиб юрганлари.

Сумома розияллоху анҳу айтадилар: “Анас розияллоху анҳу қўлида бор одам бўлсада

бир түяда ҳаж қилди. У айтдикى,  
Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам  
ҳам бир түя минган бўлиб, у юк юкланган  
туялари эди” (Бухорий: 1517)

❖ Туяларига саҳобаларини –Аллоҳ улардан  
рози бўлсин–мингаштирганлари.

Арафотдан Муздалифага жўнаганларида  
туяларига Усома ибн Зайдни,  
Муздалифадан Минога жўнаганларида эса  
Фазл ибн Аббосни мингаштириб олган  
эдилар. (Бухорий: 1544)

❖ Одамлардан имтиёзланмай, ҳамма  
қатори юрганлари.

“Саҳихул Бухорийда” келган бир  
ҳадисда айтиладики: “сиқоятчиларга келиб  
сув сўрадилар. Шунда Аббос: “эй, Фазл!  
югур, онангга бориб Расулуллох саллаллоху  
алайхи ва салламга сув келтириб бер!”  
дедилар. Расулуллох саллаллоху алайхи ва  
саллам эса (сиқоятчига қараб) “*сувдан қуй*”  
дедилар. (Аббос) айтди: “ё, Расулуллоҳ! Бу  
сувга одамлар қўлларини солиб  
юборишган!” Расулуллоҳ саллаллоху  
алайхи ва саллам яна “*сувдан қуй*” дедилар  
ва ўша сувдан ичдилар” (1236 – ҳадис)

❖ Юз дона түяни қурбонлик қилганлари.  
Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва  
саллам қалблари дунёга боғланмагани  
сабабли юз дона түя қурбонлик қилганлар.

❖ Кўп садақа қилганлари ва одамларни  
таомлантирганлари.

Тарвия куни ўзларининг муборак  
қўллари билан етти түяни нахр қилиб,  
гўштини, терисини ва жабдуқларини  
мискинларга тарқатиб беришни Али  
розияллоҳу анҳуга буюрдилар.

(Бухорий: 1551 ва Муслим: 1317)  
(“*Наҳр*” катта жониворларни тик турган  
ҳолида сўйиши. Таржимон)

❖ Садақаларни одамларга ўз қўллари  
билин тақсимлаганлари.

Курбонлик сўйиладиган куни бир тўда  
қўй ни тақсимлашга киришдилар. Шунда  
олдиларига икки киши келиб, ундан  
(беришлигини) сўради. Уларга назарларини  
кўтариб қараб, икки бақувват йигитни  
кўрдилар ва: “*ҳоҳласангиз бераман. Лекин,  
бунда бойларнинг ва касби – кори бор*

*бақувват одамларнинг насибаси йўқ”  
дедилар” (Абу Довуд: 1633)*

❖ Таомларининг камтароналиги.

Ҳажжатул вадъда курбонликларини сўйган вақтларида Савбон розияллоҳу анхуга қараб: “*мана бу гўштни тозалаб бер*” дедилар. Савбон айтади: “гўштни тозалаб бердим. То Мадинага етгунларича ана шу гўштдан еб кетдилар”

(Муслим: 1975)

Биродарим! Агар қалбингиз басийратли бўлса, дунё ва унинг зийнатларидан тақво қилинг! Дунёга фарзанд ва қул бўлиб қолишдан эҳтиёт бўлинг! Чунки, у ўткинчи ва хорлик уйидир. У Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек “*уйсизнинг уйи, молсизнинг молидир. уни ақлсиз одамлар гина жамлайдир*”

(Ахмад. “Муснад”: 24464)

Агар бу дунё ризо ҳовлиси бўлганида, уни Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло уни Ўз авлиёларига, халқи орасидаги соф одамларга раво кўрган бўлар эди. Дунё

фитнасидан эҳтиёт бўлинг. Албатта у ботил нарадир!

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаж мавсуми асносида Роббиси билан бўлган аҳволларининг нурафшон сахифаларидан баъзилари мана шулардан иборат. Сиз у сахифаларда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Яратувчиси ва Ҳожасига, вазифалари кўп, масъулиятлари оғир бўлишига қарамай қандай ҳокисорлик изҳор қилганлигини ва қандай бўйин сунганигини қўрдингиз.

Сиз ҳам ҳозир ҳаж мавсуми олдида, Роббингиз хузурида турибсиз.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*ҳар бир одам боласи хато қилгувчи, хато қилгувчиларнинг энг яхиси тавба қилгувчи*” деган эдилар.

(Ибн Можжа: 4251)

Ўшанинг сингари, агар сиз Аллоҳнинг фармонларига енгил қарасангиз, итоатига бепарво бўлсангиз, ҳадларига тажовуз қилсангиз сўзсиз хатога гирифтор бўласиз! Магар, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларига иқтидо қилиб, яхшилар сафида бўлсангиз, Аллоҳга

қулчилигингизни чиройли сувратда изхор қилишга тиришсангиз ва Үнга гуноҳкор бўлишдан қочиб, ризосига интилсангиз, у ҳолда Аллоҳга тақарруб (яқинлик) ҳосил қилиб, муҳаббатига сазовор бўласиз ҳамда доимий ҳифзу – ҳимояси остига кирасиз. Зеро, У Буюк Зот Ўзининг муқаддас сўзларида (ҳадиси қудсийда) мана бундай дегандир: “**Бандам Менга Мен фарз қилган ибодатлардан кўра севимлироқ нарса билан яқинлик ҳосил қила олмайди.** Агар бандам Менга нафл ибодатлар билан тақарруб (яқинлик) қила берса, Мен уни севиб қолгайман. Агар Мен уни севиб қолсам, унинг ҳушёр қулоғи, кўрар кўзи, шиддат қилар қўли ва юрар оёғи бўлгайман! Агар Мендан бир нарса сўраса – бергайман ва агар Мендан паноҳ истаса **Ўз паноҳимга олгайман!**”

(Бухорий: 6502)

## Иккинчи фасл:

Ҳажда  
Расулуллоҳ  
саллаллоҳу алайҳи ва  
салламнинг уммати  
билин бўлган  
аҳволлари.

**Хажда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва  
салламнинг уммати билан бўлган  
аҳволлари.**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаждаги ишлари: бир вақтнинг ўзида ҳам одамларга таълим беришликлари ва уларни бошқаришликлари ажойибdir. Сиз у зотнинг умматлари билан бўлган аҳволлари ва муомалаларида ҳеч бир зиддиятли нарсани кўрмайсиз. Зеро, бу аҳволлар у зотнинг нечоғлик улуғликлари ва олий мартабали эканликларига далолат қиласи. Ҳозир биз сиз билан биргаликда улардан баъзилари билан танишамиз:

**1. Умматига таълим беришликлари.**

Аллоҳ субҳонаху ва таъоло расули Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни енгил таълим берувчи муаллим қилиб жўнатмишdir. (Муслим: 1478)

Зероки, у зот таълим – тарбия соҳасида ғоят баланд кўрсаткичларга эришгандир.

Сифатловчилардан бири: “мен у кишидан олдин ҳам, кейин ҳам ундан моҳирроқ муаллимни кўрмадим” дея

таърифлайди. (Муслим: 537) У зотнинг ҳаж мавсумида уммати билан қилган муомалаларини таъаммул қилиб қараган одам айнан ўша таърифланган муаллим эканлигини тан олади. Масалан, кунлардан бирида ҳаж сафарини ирода қилганликларини эълон қилдилар ва ўзига йўлдош бўлишни хоҳловчилар (келиб қўшилиши )га енгил бўлсин учун, уларни кутиб Мадина ташқарисидаги “Зул Ҳулайфа” деган жойда тўлиқ бир кун турдилар. (Бухорий: 1551) Мадинага кўп одамлар йифилиб, Зул Ҳулайфага гўёки оқиб кела бошладилар. Улардан ҳар бири у киши билан бирга бўлишни ва бир (фойдали нарса) олишни хоҳлар эди. (Абу Довуд: 1905) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам одамларни бошқариб турдилар. Ҳеч ким у зотдан тўсилмади ва (Муслим: 1274) атрофларидан ҳеч кимни ҳайдалмади. Шунингдек, “пўш – пўш, йўл бўшат” каби сўзлар ҳам бўлмади. (Иbn Можжа: 3035)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга ҳақиқатни етказишликга ва уларга ҳужжат барпо қилишга ҳарис бўлганлари сабабли уларни таълимга

чақирап, химматларини қайрап ва турли услугдаги хитоблар билан ўзининг сўзлари – ю феълларига диққат қилишларини талаб қиласр эди. Шунингдек, “эҳтимол мана шу ҳажим охиргисидир” деган ҳаёлда одамларга **“ибодатларингизни мендан олинглар (ўрганинглар)”** дер, хутба қилаётган пайтда одамларни тинчлантириб турадиган кишиларни таъйин қиласр эди. Жарир розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда у киши ҳажжатул вадоъда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзига қараб: **“одамларни тинчлантиринг”** деганлигини ва “(эй, одамлар!) мендан кейин бир бирларини ўлдирадиган коғирларга айланиб кетманлар!” деб хутба қилганлигини баён қиласди. (Бухорий: 121)

Яна бир ҳадисда Арафот кунидаги хутбалари пайтида Билол розияллоҳу анхуни одамларни тинчлантириб туришга буюрганликлари ривоят қилинади.

(Ибн Можжа: 3024)

Шунингдек, одамлардан эшитган нарсаларига гувоҳ бўлганликларини тасдиқлашни талаб қиласрдилар. Бир неча бор уларга таълим берганларидан кейин

**“оғоҳ бўлинг, етказдимми?”** деб хитоб қилганлари ва одамлар ҳам бунга жавобан “гувоҳлик берамизки, сиз (ҳақиқатни) етказдингиз, (амонатни) адо этдингиз ва насиҳат қилдингиз” деб шоҳидлик берар эдилар. (Муслим: 1218)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам таблиғ қилаётганда ва таълим бераётганда сўзларини орқадаги одамларга баланд овозда етказиб турувчи кишини тайинлардилар. Шунинг учун Арафотда (ги хутбаларида) Рабийъа ибни Умайяни шу вазифага тайинлаганлар.

(Ибнүл Касийр: 4/342)

Минода эса, Али розияллоҳу анхуни сўз такрорловчи қилдилар. Одамлар турган, ўтирган ҳолатда эдилар. (Абу Довуд: 1956) Худди мана шу мақсадда Арафотда ва Минода турган ҳожиларга элчиларни юборганлар. (Термизий: 883)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи вақтларда таълимлари орасига ҳазил мутойибаларни ҳам аралаштирар эдилар.

Ибн Аббос розияллоҳу анху айтади: “биз – Бану Абдул Мутталибининг болачалари эшакларга минган ҳолда Муздалифадан

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдилариға келдик. У зот эса бизнинг сонларимизга шапатилаб: “*эй, ўғилчаларим, қуёш чиқмагунча тоши отманглар, хўпми?!*” дедилар.

(Ибн Можжа: 3025)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таълимлари катталарга ва соғлом одамларга гина чекланмасдан, касал ва заиф одамларга ҳам аҳамият берардилар. Масалан, Зубоъа разияллоҳу анҳо: “*эй, Аллоҳнинг элчиси! Мен ҳаж қилмоқчиман. Аммо, касалман (нима қилай?)*” деб савол берганларида “*ҳаж қилавер, бироқ, (эхромга кираётган вақтда) маҳиллий – ҳайсу ҳабастаний*” (эхромдан чиқадиган жойим – ушлаб қолган ўрнингдир) *деб* (*Аллоҳга шарт қил*) деб таълим бердилар.

(Муслим: 1207)

Завжалари Умму Салама разияллоҳу анҳо ҳам касалликларидан шикоят қилганда “*уловга минган ҳолда одамларнинг орқасидан тавоф қила бер*” деб иршод қилганлар. (Бухорий: 464)

Шунингдек, аёлларга ва заиф одамларга Муздалифадан кечасида чиқиб кетишни буюрдилар. (Бухорий: 1679)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таълимлари гўдак болаларга ҳам шомил эди. Ибн Аббос розияллоҳу анхунинг гўдак чоғида олган таълими бунга мисол бўла олади. “Ақоба” жамаротига тош отиладиган куннинг тонгида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам түяннинг устида турган ҳолда Ибн Аббосга **“кел менга тош териб бер”** дедилар. Ибн Аббос айтади: “мен майда тошлардан териб, ҳовучларига солдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эса тошларни ҳовучлаган ҳолда (менга) **“мана шулардай бўлиши керак”** дедилар. (Насойй: 3059) Бир оз юқорида кўриб ўтганимиз Бану Абдул Мутталибининг болачаларига: **“эй, ўғилчаларим, қуёши чиқмагунча тош отманглар, хўпми?!”** (Абу Довуд: 1940) деган сўзлари ҳам мана шулар жумласидандир.

Одамларга таълим беришлари шунчаки уларга билдириб қўйишлик учун эмас балки, амал қилишлари учун бўларди. Шунинг учун баъзи ибодатларнинг машруъ бўлишлик ҳикматини баён қилганлар. Жумладан, ҳажнинг баъзи амаллари ҳақида: **“Байтуллоҳни тавоғ қилиши, Сафо Марва**

*орасида саъй қилиши ва тоши отиши Аллоҳ зикрини барпо қилиши учун машруъ қилингандир*” деганлар. (Абу Довуд: 1888) Айниқса, баъзи бир амалларнинг мартабаси ҳамда фазилатларини эслатишга зўр аҳамият бериб, мана бундай деганлар:

*“Дуоларнинг энг афзали Арафот куни дуосидир. Мен ва мендан илгариги барча Пайгамбарлар айтган дуоларнинг энг афзали “ла илаҳа иллаллоҳу вахҳаҳу, ла шарийка лаҳу, лаҳул мулку, ва лаҳул ҳамду, ва ҳува ъала қулли шайъин қодийр” (деган дуо) дир”* (Термизий: 3585)

*“Ҳажарул асвадни ва Рукнүл Ямонийни силаш гуноҳларни тамоман ўчиради”*  
(Ибн Ҳузайма: 2729)

*“Кимда – ким байтни тавоғ қилиб, икки ракъат намоз ўқиса, гўёки бир қулни озод қилгандек (савобга эга) бўлар”*  
(Ибн Можжа: 2956)

...Сўралдилар: “қандай ҳаж афзалдир?”  
Дедилар: “*таббияни янгратмоқ ва қурбонлик қонин оқизмоқ*” (Термизий: 827)

...Хаж амалларининг фазилати ҳақида сўраган ансорийга жавобан айтдилар:  
**“Аммо, Байтул Ҳаромга интилиб, уйингдан чиқшилигинг** (ҳақида айтсам)  
**туянгнинг ҳар бир қадами эвазига Аллоҳ субҳонаху ва таъоло бирдан савоб ёзиб,**  
**бирдан гуноҳингни ўчирар.** Энди *Арафотда туришлигинг* (ҳақида айтсам),  
*Аллоҳ таборака ва таъоло дунё осмонига тушиб, фаришталарга улар* (ҳожилар)  
**билан гуруланади ва:** “бу бандаларим Менинг азобимдан қўрқиб, раҳматимдан умид қилиб, чанг – губорларга беланган ва соchlари тўзиган ҳолда узоқ йўллардан келдилар. Ваҳоланки, Мени қўрмаганлар, агар Мени қўрсалар қандай(бўларди!)” дейди. Агарда сенинг *Олиж* (саҳросининг) қумлари каби ёки дунё кунлари каби ёки осмон (дан тушган ёмғир) қатралари каби гуноҳинг бўлса ҳам Аллоҳ сендан уларни ювиб юборади. Энди сенинг тош отишингга келсак, бу (нинг савоби) сен учун сақлаб қўйилгандир. Аммо соч олдиришинг эса, бошингдан тўкилган ҳар тола соч учун бир савоб бордир. Кейин агар Байтуллоҳни тавоф қилгудек бўлсанг

**гұнохларинг (гирдоби) дан онанғ әндигина  
түкқандек (пок бўлиб) чиқасан”**

(Абдур Рассоқ. “Мусаннаф”: 8830)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларни ибодатларни тўлиқ қилишга тарғиб қиласар ва адo этган амалларининг самарасидан башорат беришлик билан хушнуд қиласардилар. Билол розияллоҳу анҳу айтади: “Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам Муздалифа кунининг тонг маҳалида дедилар: **“Аллоҳ сизларнинг бу (каби катта) жамоатингизга қараб фазл қиласди ва яхшиларингиз сабабли ёмонларингизга ҳам беради. Яхшиларингизга эса сўраган нарсасини ато қиласди. Қани энди Аллоҳ номи билан йўлга тушинглар”** (Ибн Можжа: 3024)

**Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айниқса тубандаги таълимларга катта аҳамият берганлар:**

□ Ибодат ҳукмларининг баёни.

Бунинг остига назарий билим билан амалий татбиқни жамладилар. Зоро, “тарвия кунидан бир кун олдин одамларга хутба

қилиб, ҳаж ибодатларидан хабар бердилар”  
(Ҳоким. “Мустадрак”: 1/232)

Кейин ҳар бир ибодат олдида унинг ҳукмини айтиб бердилар. (Муслим: 1218)

- Ислом арконларининг ва улуғ ибодат - ларнинг мартабасини баён қилиш.

Ҳаж мавсумидаги хутбаларидан бирида дедилар: “*Роббингиздан тақво қилинг, беши вақт намозингизни ўқинг, (Рамазон) ойингизнинг рӯзасини тутинг, молларингиздан закот беринг, бошлиқларингизга итоат қилинг ва (шунда) Роббингизнинг жаннатига кирапсиз!*” (Термизий: 616)

- Одамларни ширкдан ва барча шариатлар ҳаромлигига иттифоқ қилган нарсалардан огоҳлантириш.

У нарсалар: қон тўкиш, мол ўғирлаш ва обрў тўкишdir. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

“*Албатта сизларнинг ўзаро қон тўкишиларингиз, молларингизни ўғирлашларингиз ва обрўларингизни тўкишиларингиз мана шу кунингизнинг,*

*мана шу ойингизнинг ва мана шу  
(Макка) шаҳрингизнинг ҳаромлиги каби  
ҳаромдир”* (Бухорий: 67)

Яна дедилар:

*“Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилманг,  
Аллоҳ ҳаром қилган жонни, ҳаққинги  
бўлмай туриб ўлдирманг, ўғирлик  
қилманг ва зино қилманг”*

(Аҳмад: 18989)

- Баъзи бир машруъ ҳукмларни баён қилиш.

Масалан, Ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда эхромдаги одам ўлиб қолса, уни ювиш ва кафандашнинг кайфиятини баён қилганлар: “бир вақтда Арафотда турган бир одам баногоҳ эгаридан ағанаб тушиб, туюнинг тагида қолди. Шунда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“сидр аралашибтирилган сув билан ювинглар, икки эхроми билан кафандланглар, аммо хушибўйламанглар ва бошини ҳам ўрамангалар. Чунки, у қиёматда талбия айтган ҳолда тирилаажак”* дедилар. (Бухорий: 1267)

Бугун эса... Уммат қалбига жаҳолот ўрнашиб, кўп умматдошларнинг ақлини ўраб олди! Дин илмлари мисли кўрилмаган даражада унутилди!

Исломийлик белгилари ва ислом қоидалари ғойиб бўлди! Жуда кўпчилик мусулмонларнинг исломга мансублиги мусулмоннинг зурёди эканлиги, боболарининг исломий ўтмиши ва гоҳ – гоҳида жунбушга келадиган “исломий ҳиссиётидан” нарига ўтмай қолди. Улар исломга онгли равишда ва уни ўз ҳаётига татбиқ қилиш билан мансуб бўлиш лозимлигини унутдилар. Тўғрироғи, унуттирдилар! Бу ботил ахлининг, залолат арбобларининг иши эди. Улар мусулмонларнинг диний саводсизлигидан ва ҳассос туйғуларидан фойдаланиб, ўз ботилларини омма орасига жуда жозибали шаклда ёядилар. Анқов одамлар эса, зулматни нур деб, мункарни маъруф деб ўйлашади. Ботил мана шу тариқа ёйилиб, ҳақиқат мана шу тариқа ғурбатга чекинмоқда!

Бугунги кунларда муқаддас диёрга дунёning ҳар қайси тарафидан миллионлаб

мусулмонлар ўз халқининг элчилари сингари келишмоқда ва бу оқим йилдан – йилга кўпаймоқда. Демак, бу фурсатдан фойдаланиб, илм ахлари уларга дин асосларини, аҳкомларини таълим беришлари, исломга ҳақиқий мансубликни ва бу билан фахрланишиликни ўргатишликлари, қалбларига амал ва даъват муҳаббатини солишликлари лозимдир. Ҳа. Бу Байтуллоҳни ҳаж қилиш учун борган ва таблиғ, таълимга қодир бўлган ҳар бир толиби илмга вожибdir! Биз бу фурсатни умматимизни жаҳолот асоратидан, зулмат қўйнидан чиқариб олишлик учун оқилона фойдаланишимиз зарурдир!

## **2. Фатволари.**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаж мавсумидаги муҳим аҳволларидан ва амалларидан бири одамлар орасида уларга ноаниқ бўлган хукмларни баён қилиб, саволларига жавоб (фатво) бериб юришлиги эди. У зотнинг ҳаждаги фатволари жуда кўп бўлиб, энг машхурлари тубандагилардир:

- ✓ Хасъамийя қабиласидан бўлган бир аёл: “ё, Расулуллоҳ! Менинг отам қариб қолдилар, лекин бўйнидаги ҳаж фарзини адо қилмадилар. Ҳозир эса тужда юра олмайдилар (нима қилай?)” деб (фатво) сўрагандан Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**унинг номидан ҳаж (бадал) қил**” дедилар. (Муслим: 1335)
- ✓ Ҳаж амалларининг (тартибини билмасдан ё унуглиб) аввал ёки кейин бажариб олиб, бу ҳақда сўраган ҳар бир одамга “**адо қилавер, ҳечқиси йўқ**” деб жавоб берардилар. (Бухорий: 83)

Мулоҳаза қилиш лозим нарса шуки, фатво беришликда муаллимлик табиатининг турли қирраларини намоён қиласдилар. Улардан баъзилари тубандагилардир:

- Одамлар саволларига жавоб берганда уларга бутун вужуди билан яққол қўринишлари.

Жобир розияллоҳу анҳу айтади: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳажжатул вадоъда одамларга қўриниш ва саволларига жавоб бериш учун байтни туялари устида тавоғ қилдилар, ҳажарул

асвадни таёклари билан “силадилар”.  
Одамлар у зотни ўраб олган эди”  
(Муслим: 1273)

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда эса у киши: “Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам ҳажжатул вадоъ чоғида Минода одамларнинг саволларига жавоб берган ҳолда (уларга бутун бўйлари билан кўриниб) турдилар” (Бухорий: 1736)

Ибн Аббос айтади: “Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам одамлар учун ўринларидан туриб, уларга фатво бера бошладилар” (Бухорий: 6228)

- Фатволарида сўраган одамларга енгиллик бўлишига мойилликлари.

Масалан:

- Оиша онамиз айтадилар: “Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам Зубоъа бинт Зубайр бин Абдул Мутталиб (деган аёл) нинг олдига кирганларида у: “Эй, Аллоҳнинг элчиси! Мен ҳаж қилмоқчиман. Аммо, касалман (нима қиласай?)” деб савол берди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: “ҳажс қиласавер, бироқ,

(эхромга кираётган вақтда) “**маҳиллий – ҳайсу ҳабастаний**” (эхромдан чиқадиган ўрним –ушлаб қолган жойингдир ) **деб** (*Аллоҳга шарт қил*) деб таълим бердилар. (Муслим: 1207)

— Жобир розияллоху анҳу ривоят қилган узун ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар:

*“Агар мен кейинги қилған ишларимни қайта бошдан қиласар бўлсан, ҳадйларни ҳайдаб келмас эдим ва уни (ҳажни) умрага айлантирас эдим. Бас, сизлардан кимнинг ҳадйиси (қурбонликга олиб келган жонлиги) йўқ бўлса, эхромдан чиқсин ва ҳажини умрага айлантирасин.”* Шунда Суроқа ибн Молик ўрнидан турди ва “бу (хукмингиз) фақат шу йил учунми?” деб сўради.

Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам бармоқларини бир бирига чирмаштиридиларда, “*ҳажга умра кирди. Йўқ. Балки, абадул–абад шундай бўлади*” дедилар.

— Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анхунинг айтишича: “у Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламни қурбонлик сўйиладиган қуни

(одамларга) хутба қилаётганлигини күрибдилар. Шунда бир киши ўрнидан туриб: “менимча фалон амал унисидан аввал қилинади” деса, бошқаси туриб олиб: “менимча, буниси аввал қилинади, мен қурбонликдан илгари соч олдиридим, тош отишдан илгари қурбонлик қилдим” деб, шу каби сўзларни айта бошлабдилар. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*адо қиласвер, ҳечқиси йўқ*” дебдилар. Ўша куни қайси амал (нинг аввал ё кейин қилиниши) ҳақида сўралсалар, “*адо қиласвер, ҳечқиси йўқ*” деб жавоб бераверган эканлар” (Бухорий: 1736)

- Ибн Умар розияллоҳу анҳу айтадилар:  
“Аббос ибн Абдул Мутталиб сиқоят (ҳожиларни сув билан таъминлаш) иши билан машғул бўлганлари сабабли, Мино тунларида Маккада тунаб қолиш учун Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан изн сўраган эди, изн бердилар”  
(Бухорий: 1634)

- Адий розияллоҳу анҳу ривоят қилиб

айтадики: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам түя қайтарувчи чўпонлар учун (Минодан бошыа ерда) тунашга ва қурбонлик куни тош отишга, кейин эртасига икки куннинг тошини қўшиб отишга рухсат бердилар. Кейин улар икки куннинг бирида (икки кунлик) тошни отишди” (Термизий: 955)

- Фатво сўраган одамга ўта қониқарли жавоб беришлари.

Бир одам: “Эй, Аллоҳнинг элчиси! Менинг отам қариб қолган вақтларида исломга кирдилар. (Ҳаж қилайин деса) туда юра олмайдилар. Уларнинг номидан ҳаж (бадал) қилсан бўладими?” деб сўрагандা, “*нима дейсан, agar отангнинг (бировдан) қарзи бўлса ва уни сен тўласанг, қутилармиди?*” дедилар. Ҳалиги одам. “ха” деб жавоб бергач, “*унда отанг номидан ҳаж қил*” дедилар. (Ахмад: 1812)

- Савол берганларга, одамларнинг тўс–тўполонларига сабр, тоқатлари, раҳмдилликлари ва ҳалимликлари

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам таълимининг бу бобдаги лавҳалари ҳам кўп.

**Жумладан:**

– Жобир разияллоҳу анҳунинг қуидаги ҳадиси: “...Ундан кейин (чўкиб ётган) Қасво (лақабли туялари) га миндилар. Туялари у зотни сахро узра кўтариб кетди. Мен эса, кўзим етган жойгача (теваракни кузатдим:) олди тарафларида (сон–саноқсиз) пиёдалар ва улов минганлар... ўнг ва чап тарафларида ҳам, орқаларида ҳам шунча”

(Муслим: 1218)

– Ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтади:

“(Тавофда) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам(тевараги)га одамлар уймаланиб олишиб: “ана Мұхаммад, ана Мұхаммад!” дейишар эди. Ваҳоланки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳеч ким (одамлардан) тўсмас эди. Одамлар кўпайиб кетгач, (туяларига) миндилар. Ваҳоланки, юрган, енгил юргурган афзал эди.” (Муслим: 1264)

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу бошқа ривоятда айтадики: “Сафо билан Марва (ораси) га туяда бориб келдилар. Лекин, бу суннат амал эмас. Одамлар Расулуллоҳдан

тўсилмас ва хайдалмас эди. Бас, туюда саъй қилдилар. Сабаби, одамлар қўллари етмаса ҳам у зотнинг сўзларини эшитиши ва ҳолатларини ўз кўзлари билан кўриши лозим эди” (Аҳмад: 2842)

▪ Ҳаж хусусида фатво берганлари.

Бундай фатволари жуда кўп бўлиб, машҳурлари тубандагилар бўлса ажаб эмас:

– Асмо бинт Умайс разияллоҳу анҳо кўз ёрган вақтда – у аёл Зул Ҳулайфада Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга (ҳажга бориш учун чиққанлардан) эди – Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга одам юбориб, “мен нима қиласай?” деб сўраттириди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*ғусл қилиб, (нифос қонининг “йўлига”) бирон–бир латтани қўйгин да, ундан кейин эҳромга кир*” деб фатво бердилар. (Муслим: 1217)

– Саҳобаларини таҳаллулга (эҳромдан чиқиб, эҳром пайтида ҳаром бўлган нарсаларни ўзларии учун ҳалол қилишга) буюрганларида улар “нималарни ҳалол қиласайлик?” деб сўрадилар. Расулуллоҳ

саллаллоху алайҳи ва саллам “*барчасини*”  
деб фатво бердилар. (Бухорий: 3832)

— Абс Тоий розияллоху анху фатво сўраб,  
дедилар: “ё, Расулуллоҳ! Мен Той тоғлари  
оша келаяпман. Туямни ҳам чарчатдим,  
ўзимни ҳам чарчатдим. Аллоҳга қасамки,  
(ўта чарчаганим сабабли) ҳар бир қум  
барханлари устида турдим. Мен ҳажга ета  
олдимми?” Шунда Расулуллоҳ саллаллоху  
алайҳи ва саллам айтдилар: “*ким бизнинг  
мана шу (Муздалифадаги) намозимизга  
шоҳид бўлса, бу ердан чиқиб  
кетгунимизча биз билан турса ва шундан  
олдин кундузи ёки кечқурун Арафотда  
турган бўлса, бас у ҳажс ва унинг  
амалларини ўтаган бўлади*”

(Термизий: 891)

■ Ҳаж вақтида ҳаждан бошқа масалалар  
хусусида жуда оз фатво берганлар.

Жумладан: Жобир розияллоху анху  
ривоят қиласи: “Суроқа ибн Молик  
розияллоху анху айтди: “ё, Расулуллоҳ!  
Бизга динимизни биз ҳозир  
яратилганимиздек баён қилиб беринг.  
Бугунги амалимиз қалам ёзиб, сиёхи қуриб

қолган тақдиримиз ичидә бўладими ёки келажакда бошқача бўладими?...” Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “*йўқ, балки сиёҳи қуриб бўлган тақдир ичидә бўлади*” У (Жобир) “нима учун амал қиласиз?” деганда, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам “*амал қиласеринглар. Бас ҳар бир одамга (ўзи учун тақдир қилинган нарсаси) енгил қилингандир*” дедилар. (Аҳмад: 14116)

— Абу Қатода розияллоҳу анҳу ўзи овлаган ёввойи эшак гўштидан эҳромдаги саҳобалар еғанлигининг қиссасини тубандагича ривоят қиладилар:

“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳажга чиққанларида биз ҳам бирга чиқдик. Уларнинг ўзлари ҳам “биз эҳромдаги ҳолда (овланган) гўштдан еғанмиз” деганлар. Кейин гўштдан ортганини кўтариб олдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдига борғанларида “ё, Расулуллоҳ, биз эҳромда эдик. Абу Қатода эҳромда эмас эди. Баногоҳ, бир ёввойи эшак (зебра) ни кўриб қолдик. Абу Қатода ҳамла қилиб, улар орасидан бир урғочисини сўйиб олди. Биз ҳам тўхтаб, унинг гўштидан едик.

Биз эхромдаги ҳолда овланган ҳайвон гўштидан еб олдик! Ортганини кўтариб ҳам олдик! Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*сизлардан биронтангиз овлашга буюрдими ёки ўлжага ишора қилдими?*” деб сўрадилар. “йўқ” дейишди. “*ундай бўлса қолганини ҳам ея беринглар*” дедилар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам.” (Муслим: 1196)

- Савол берувчиларга мавридига қараб турли услубда жавоб берганлари.

Гоҳо савол берувчининг ўзига гина чеклаб жавоб берсалар, гоҳида омма эшигадиган ҳолда жар солдириб жавоб берардилар. Биринчи услугга мисол тариқасида Хасъамий қабиласидан бўлган қизнинг “ё, Расулуллоҳ! Аллоҳ фарз қилган ҳаж ибодати менинг отамга қариган чоғида етди. Аммо у эгарда ўтира олмайди. Мен унинг номидан ҳаж қилсан бўладими?” деган саволига “*ҳа*” деб жавоб берганларини келтиrsак бўлар.

Иккинчи услугга мисол, Абдур Раҳмон ибн Яъмарнинг мана бу ҳадисидир:

“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Арафотда турғанларида Нажд ахлидан бир жамоат одамлар келиб, савол сўрадилар. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир жарчига “*ҳаж – бу Арафотдир!*” дея жар солишлиқни буюрдилар” (Бухорий: 1513)

- Баъзи вақтларда фатволарига тарғиб ва ташвиқни аралаштирас эдилар.

Масалан, бир аёл ўғилчасини кўтариб “шунга ҳам ҳаж равоми?” деганида, “*ҳа, бу учун сенга савоб ёзилажак!*” деб жавоб бердилар. (Муслим: 1336)

- Фатво ўринларининг кўплиги.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга гоҳ, Мадинада, гоҳ Зул Ҳулайфада эхромга кириш олдидан, гоҳ Байтуллоҳда, гоҳ Арафотда, гоҳ Муздалифада, гоҳ Минода, гоҳо бошқа ибодатгоҳлар орасида кўчиб юрганда ва Мадинага қайтиб келаётганларида фатво беравердилар.

Бизнинг ҳозирги вақтимизда мана шу (ҳаж масаласи) хусусида илм аҳлларига

катта имконият берилганига қарамай, фатво сўровчилар оммаси кимдан фатво сўрашни билмай дуч келган жойда адашиб юрибдилар ва чала муллалардан сўраб, кўп хатоларга йўл қўймоқдалар. Бу мушкулотни тартибга келтириш учун одамларга етакчиликни илм аҳллари ўз қўлларига олиб, уларнинг йўлларида туриб ёки қўнган маконларига бориб, турли тилларда тушунтириш ишларини олиб боришлари, саволларига жавоб беришлари зарур. Бу нарса бир тарафдан нодонликнинг кўтарилишига сабаб бўлса, иккинчи тарафдан чала муллаларнинг зўраки фатволаридан уларни халос қиласр эди.

Шунингдек, одамларга тубандаги икки муҳим нарсани яхшилаб тушунтириш лозим:

Биринчиси, улар ўзлари фатво сўраган одамнинг илм аҳли эканлигини аниқлаб олсинлар.

Иккинчиси, илмсиз одамдан фатво сўрашнинг хуник оқибатга олиб келишлиги. Чунки, биринчидан, чала муллаллардан фатво сўраш билан зиммадаги масъулият соқит бўлмайди, иккинчидан, илмсиз фатво бериш Аллоҳ ва расулига тухмат қилиш ва

уларни ёлғончига чиқариш билан баробардир. Аллоҳ таъоло айтади:

(فُلْ إِنَّمَا حَرَمَ رَبِّيَ الْفَوَاحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَنَ وَالْإِثْمُ  
وَالْبَعْيَ بَغْيَرِ الْحَقِّ وَأَنْ شَرَكُوا بِاللَّهِ مَا لَمْ يُنْزَلْ بِهِ سُلْطَانًا وَأَنْ  
تَقُولُوا عَلَى اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ)

“(Эй, Мухаммад, уларга): “албатта, роббим бузуқликлар (кatta гуноҳлар) нинг ошкораларини ва яширин бўлганларини, маъсиятни, (одамларга) зулмла тажовуз қилишни, Ўзи (нинг шериги эканлигига) ҳеч қандай далил туширмаган нарсаларни Аллоҳга шерик қилишни ва Аллоҳга билмаган нарсаларини гапиришни ҳаром қилгандир” деб айтинг” (Аъроф: 33)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

*“Менга ёлгон тўқишилик бошқа бирорвга ёлгон тўқишилик каби эмас.*

*Кимда ким менга қасдан бир ёлгон тўқиса, ўзига жаҳаннамдан жой ҳозирлай берсин!”* (Бухорий: 1291)

### 3. Ваъзлари ва огоҳлантиришлари.

Ваъз ва огоҳлантириш диннинг устунларидан ва солиҳ инсонларнинг вазифалариданdir. Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло буни увлул ўазм (қасди мустаҳкам) бўлган Пайғамбарларига буюрмишdir. Зеро, Мусо алайҳис саломга хитобан:

(أَنْ أُخْرِجَ قَوْمَكَ مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى الْلُّورِ وَذَكَرْهُمْ بِيَمِ اللَّهِ)

“(Эй, Мусо) қавмингизни зулматдан нурга чиқаринг ва уларга Аллоҳнинг (неъмат берган) кунларини эслатинг”  
(Иброҳим: 5)

Шунингдек, Пайғамбари Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳам:

(فَذَكَرْ إِنَّمَا أَنْتَ مُذَكَّرُ)

“Бас, (уларни) огоҳлантиринг, сиз огоҳлантирувчисиз” деган эди.

(Фошия: 21)

Чунки, ваъз ва огоҳлантириш–бу банда қалбига хитоб қилиш, туйғуларини уйғотиш йўли ва ғафлат–у адашишдан чиқишига ёрдамчидир. Ваъз ва огоҳлантириш сабабли

қаблар юмшайди, нурланади ҳамда уни ўраб турган занглар, пардалар зойил бўлади. Натижада ваъз эшиитган қалб роббисини улуғлашга, буйруқларин адo қилишга ва нахийларидан қайтишга ҳозир – у нозир бўлиб қолади. Шунинг учун ҳар бир одам ваъз ва огоҳлантиришга муҳтождир. Бироқ, у Аллоҳдан қўрққан, тақво қилган одамларга гина фойда беради. Зеро, Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло айтганки:

(فَذَكِّرْ إِنْ تَقْعَدِ الْدُّكْرَى 9 سَيَّدَكُّرْ مَنْ يَحْشَىٰ<sup>10</sup>)

**“Бас, агар фойда берса, огоҳлантиринг.  
(Аллоҳдан) қўрққан одамлар гина огоҳ бўлурлар”** (Аъло: 9 –10)

(وَذَكْرٌ فِإِنَّ الْدُّكْرَى اتَّقَعُ الْمُؤْمِنِينَ)

**“Ва огоҳлантиринг! Огоҳлантириш иймонлиларга гина фойда берар!”**

(Зориёт: 55)

Шунинг учун Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ваъз ва огоҳлантиришга катта аҳамият берганлар ва умматини доим яхшилик сари йўллаб, унга рағбатлантириб, ёмонликдан қайтариб, огоҳлантириб

турганлар. У зот ваъз ва огоҳлантиришни вақти ва мавридида ҳамда муносиб ҳиқмат билан қўллаганлар. Ваъз айтганларида саҳобаларнинг юраклари эриб, кўз ёшлари сел-сел бўларди. Зеро ваъзларидан бирида айтганларки: “*менинг ва Аллоҳ мени у билан юборган нарсанинг (диннинг) мисоли, бир киши ва бир қавмга ўхшайди. Киши қавмга келади да “эй, қавм! Мен (сизларни горат қилишини ҳоҳлаган) лашкарни ўз кўзим билан кўрдим! Мен сизлар учун ялангоч<sup>1</sup> огоҳлантирувчиман! Ўзингизни қутқариб қолинг!” дейди. Шунда у қавмдан бир тоифаси итоат қиласилар ва эҳтиётини кўриб, кечаси билан бошқа жойга кўчиб кетиб, најсом топадилар. Бошқа бир тоифа одамлар эса, огоҳлантирувчига ишонмайдилар ва бамайлихотир ухлаб қоладилар. Тонг маҳалида уларнинг устига душман лашкари бостириб келади ва қириб ташлайди. Мана шу мен олиб келган*

---

<sup>1</sup> Зарбулмасал. Қабилалар аро уруш вақтларида коровултепаларда турган бир соқчи душман келаётганлигидан хабар бериш учун кийимини ечиб, хилпиратиб қавмини огоҳ килган.

**ҳақиқатга ишонган ва ишонмаган  
одамларнинг мисолидир”**

(Бухорий: 7283)

Ҳаж мавсуми давомида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам халқнинг воизи ва огоҳлантирувчиси бўлдилар. У ваъз ва огоҳлантиришга яхшилаб назар ташлаган ва тааммул қилган одамга тубандаги ҳикматлар ошкор бўлади:

✓ Кўп ва ҳар турли жойда ваъз қилишлари.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам гоҳ Арафотда, гоҳ бошқа ибодатгоҳлар орасида қатнаб юрганда, қурбонлик ва ташриқ кунлари Минода, Мадинага қайтганларида йўл мобайнида муносиб ваъзлар билан қалбларни эритган эдилар. Чунки, ҳаж ибодати вақтида, дарҳақиқат, қалблар жунбушга келган ҳамда ваъз—у насиҳатларни қабул қилишга тайёр ҳолда бўлади.

✓ Фурсатдан фойдаланишлари ҳамда ўз ўрнида ваъз айтишлари.

Зеро, қурбонлик куни одамларга мана бундай хутба қилдилар: “**Биласизларми,**

**бұғун қандай күн?”** Саҳобалар: “Аллоҳ ва расули билгувчироқ” деб жавоб беришиди. Кейин сукут қилғанча туриб қолдилар. (Саҳобалар айтди:) “биз бошқа исм билан айтармиқинлар деб ўйлаб қолдик”. Шунда **“бұғун қурбонлик куни әмасми?”** дедилар. “ха” дедик. **“Бу қайси ой?”** дедилар. “Аллоҳ ва расули билгувчироқ” дедик. Кейин яна сукут қилғанча туриб қолдилар. Биз Кейин **“Зулхижеса әмасми?”** дедилар. “Ха” дедик. Биз яна бошқа исм билан айтармиқинлар деб ўйлаб қолдик. Кейин **“бу қайси шаҳар?”** дедилар. Биз “Аллоҳ ва расули билгувчироқ” дедик. Кейин яна сукут қилғанча туриб қолдилар. Биз бошқа исм билан айтармиқинлар деб ўйлаб қолдик. Кейин **“бу (унда гуноҳ ишлар қилиниши) ҳаром шаҳар әмасми?”** дедилар. “Ха” дедик. Кейин мана бундай дедилар: **“то роббингизга йўлиқадиган қунга қадар сизларнинг қонларингиз ва молларингиз бир– бирингизга мана шу кунларингиз, мана шу ойларингиз ва мана шу шаҳарларингиз каби ҳаромдир!”**

(Бухорий: 1741)

Курбонлик кунидаги (курбонлик сўйиши, соч олдириши, тош отиш каби)

амалларниниг қайсинаси олдин, қайсинаси кейин қилишлик ҳақида савол қилинганида эса мана бундай дедилар:

**“Гуноҳи йўқ, гуноҳи йўқ, Аммо, ўзининг мусулмон биродарига зулм қиласоқ уни гийбат қилса, у одам гуноҳ қилди ва ҳалок бўлди!”** (Абу Довуд: 2015)

- ✓ Бир гина огоҳлантиришни бир неча жойда такрорлашлари.

Жумладан, юкорида ўтган, мусулмонларнинг ўзаро мол, жон ва обрўларининг ҳаромлиги ҳақидаги ҳадисни Арафотда, қурбонлик кунида, ташриқ кунларининг ўртасида такрорлаганлар. Гоҳида эса, бир жойнинг ўзида бир гина нарсани, Ибн Аббосдан ривоят қилинган тубандаги ҳадисдаги каби такрор—такрор айтардилар:

“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қурбонлик куни одамларга хитоб қилиб: “**биласизларми, бугун қандай кун?**” дедилар. Улар “(гуноҳлар) ҳаром (қилинган) кун” дейишиди. Кейин “**бу қайси шаҳар?**” дедилар. Улар “(гуноҳлар) ҳаром (қилинган) шаҳар” дейишиди. Кейин “**бу қайси ой?**” дедилар. “(Гуноҳлар) ҳаром

(қилинган) ой” дейишиди. Кейин, “сизларнинг қонларингиз ва молларингиз бир–бирингизга мана шу кунларингиз, мана шу шаҳарларингиз ва мана шу ойларингиз каби ҳаромдир!” деб бир неча марта такрорладилар.” (Бухорий: 1739)

- ✓ Огоҳлантирган сўзлари ва амалларининг орасида зиддият бўлмаслиги.

Чунки, у зот ваъзларида айтган нарсаларини энг аввал ўзлари адо этардилар. Қилмаган нарсасини ҳеч қачон гапирмас эдилар. Бир нарсага буюрса, аввало ўзлари қилишга шошардилар ва бир нарсадан қайтарса, энг аввало ўзлари қайтардилар. Хуллас, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларнинг энг тақводори, энг ростгўйи ва энг Аллоҳни покловчироғи эдилар.

- ✓ Ваъзларининг очик– равшан, лўндалиги ва ҳар хил жимжимадор сўзларни ишлатмасликлари.

Шунинг учун агар у зотнинг ваъзларини кузатиладиган бўлса, ўз хутбаларида кўпчилик тушунмайдиган нодир сўзларни

ва нотаниш услубларни ишлатмаганлигини кўрамиз.

✓ Бандалар нажотининг, дин ва дунё салоҳиятининг бош сабабчиси бўлган муҳим масалаларни ва умумий қоидаларни таъкидлаганлари ҳолда, аҳамиятсиз ва шу билан биргаликда ишни мушкуллаштирадиган нарсаларни тарқ қиласар эдилар.

✓ Баъзан ўзлари ваъз айтиш билан чекланмай, одамларни тайинлаб, айтган ваъзларини жар солдирап эдилар. Бишр ибн Суҳайм розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда ташриқ куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишини одамларга юбориб, “*жаннатга иймонли жон (эгаси) гина кира олади*” дея жар солдиргани айтилади.

(Ибн Хузайма: 2960)

✓ Ваъзларида фақат (охиратни эслатиб) қўрқитиш билан гина чекланмасдан, ажр—у савоб ҳақидаги башоратларни (севинчли хабарларни) ҳам кўп айтардилар.

Тубандаги икки ҳадис ана шулар жумласидандир:

**“Кимда – ким аёли билан шаҳвона муомалалар қилмасдан ва фосиқлик қилмасдан ҳажни адo этса, онасидан энди гина тугилгандек (бегуноҳ) қайтади”**  
(Бухорий: 1521)

**“Аллоҳ субҳонаху ва таъоло сизларнинг мана шу жамоатларингизга фазл-у карам қилиб, яхшиларнинг шарофати билан ёмонларингизга (савоб) ато этди ва яхшиларингизнинг тилаган тилагини берди. Қани энди “бисмиллаҳ” деб йўлга тушинглар”**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу сўзларини Муздалифа куни эрталаб айтган эдилар. (Ибн Можжа: 3024)

✓ Ваъз ва иршодларида сўз билан чек - ланмасдан, айтган нарсаларини ўзлари амалда кўрсатиб берардилар.

Бундай ҳолатлардан бири Аллоҳ субҳонаху ва таъолонинг ғазаби фил асҳобларига нозил бўлган водийдан туяларини чоптириб ўтганларида кўринган.

Бу водий “муҳассир водийси” деб аталаарди. Али розияллоху анҳудан ривоят қилинганд ҳадисда айтиладики: “кейин (Арафотдан) туша бошладилар. Қачон муҳассир водийсига етиб келганларида, то водийдан ўтгунларига қадар туяларини қичаб, чоптириб ўтдилар да, кейин тўхтадилар”

(Термизий: 885)

Бу водийнинг шундай аталишига сабаб, (Абраҳа ҳайдаган) фил шу ерга келганда ҳориб, хор бўлиб, юролмай қолган ва Каъбага етолмаган эди. Ибнул Қаййим айтиладики: “бу – Аллоҳ душманларига азоб нозил бўлган ўринлардан ўтаётгандаги Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одатлари эди”

(“Зодул маъод”: 2/255, 256)

**Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ваъзлари аксар вақтларда тубандаги энг муҳим мавзуларнинг теварагида бўларди:**

❖ **Дунёдан зоҳидлик.**

Имом Аҳмаднинг “Муснад” китобларида 6173 – рақам билан хат қилинганд ҳадисда айтилишича Расулуллоҳ

саллаллоҳу алайҳи ва саллам Арафотда, қуёш ботишидан бир оз илгари одамларга мана бундай хутба қилдилар:

**“Эй, одамлар! Сизларнинг дунё (ҳаёт) ларингизнинг қолгани, ўтганига нисбатан, мана шу кунларингиздан қолганича қолди холос”**

❖ Тақвога буюриш ва одамни жаннатга олиб кирувчи ишларга далолат қилиш.

Имом Термизийнинг “Ал – Жомеъ” китобларидаги 616 – ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **“Роббингиздан қўрқингиз, беш вақт намозларингизни ўқингиз, (Рамазон) ойларингизнинг рўзасини тутингиз, молларингизнинг закотини берингиз ва Аллоҳга итоат қилингиз. Шунда Роббингизнинг жаннатига дохил бўлгайсиз”** деганлари зикр қилинади.

❖ Бирор бирорнинг жиноятини қўтар - масликлари ва Аллоҳ субҳонаху ва таълонинг олдида ҳар ким ўз ишига гина масъул эканлигини баён қилиш.

Ибн Можжанинг “Сунан” китобларида 2669 – рақамли ҳадисда айтиладики:

**“Огоҳ бўлинглар, ҳар бир жон ўз жиноятига ўзи жавоб берар. (Балогатга етган) фарзандининг жинояти учун ота жавобгар эмас, отанинг жинояти учун фарзанд жавобгар бўлмас”**

❖ Ҳуснул – хулқقا, хайрли ишларга, ҳаж ибодатлари пайтида гуноҳларни тарк қилишга ва фойдали нарсалар билан шуғулланишга тарғиб қилиш.

Бу мавзуга тубандаги ҳадислари мисол бўла олади:

**“Кимда – ким аёли билан шаҳвона муомалалар қилмасдан ва фосиқлик қилмасдан ҳажсни адo этса, онасидан энди гина тугилгандек (бегуноҳ) қайтади”**  
(Бухорий: 1819)

**“(Ҳајж мавсумида) от чоптириб, туяларни лўқкиллатиб юриши яхии эмас”**  
(Бухорий: 1671)

Сўралдилар: “ҳаждаги яхшилик нимадир?” Дедилар: “**таомлантириши ва ширин сўз**” (Ҳоким. “Мустадрак”: 1/658)

❖ Динда ғулув қилишдан кайтариш.

Ибн Можжанинг “Сунан” китобларида 3029 – рақамли ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бундай деганлари баён қилинади:

*“Динда гулув қилишдан (чекдан чиқишдан) эҳтиёт бўлинглар! Албатта, сизлардан илгариги умматларни динда гулув кетиши ҳалок қилгандир”*

❖ Ота онага яхшилик қилишга ва қариндошчилик робиталарини улашга тавсия.

Табаронийнинг “Муъжамул Кабир” китобларида 484 – рақам остида зикр қилинган ва исноди саҳиҳ бўлган ҳадисда баён қилинишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳажжатул вадоъда Минодаги хутбаларида: *“(Аввало) онангизни, отангизни, она–сингилларингизни, ака – укаларингизни ва ундан кейин қариндошлиарингизни дарајсама дарајса лозим тутинг”* деганлар.

❖ Заифларга, аёлларга, қулларга васийлик қилиш ва уларга яхшилик қилишга буюриш.

Бу мавзудаги ҳадислари кўп бўлиб, тубанда баъзиларини зикр қилиш билан кифояланамиз:

*“Аёллар ҳақида Аллоҳдан тақво қилинглар! Сизлар уларни Аллоҳнинг амонати сифатида олдинглар ва улар билан қўшилишини Аллоҳнинг калимаси билан ҳалол қилдинглар”*

(Муслим: 1218)

*“Огоҳ бўлинг ва аёлларга яхшиликни васият қилинг. Чунки, улар сизнинг олдингизда асиralар кабидир”*

(Термизий: 3087)

*“Кулларингизга, қулларингизга, қулларингизга (яхшилик қилинг!) Уларга ўзингиз еган таомдан едиринг, ўзингиз кийган кийимдан кийдиринг. Агар гуноҳ қилсалар ва кечиришини ҳоҳламасангиз, Аллоҳнинг қулларини сотиб юборингиз, аммо, азобламангиз”* (Аҳмад: 16409)

❖ Бошқаларга зиён етказишдан эҳтиёт бўлишга ҳамда Аллоҳга итоат қилиб, гуноҳлардан қочишга тарғиб қилиш.

Дедилар: “яхшилаб эшитинг, мен сизга (ҳақиқий) мўмин ҳақида хабар бераман:

*одамлар ўз молларини ва жонларини ишонган киши (ҳақиқий мўминдир!) Мусулмон эса, одамлар унинг тилидан ва қўлидан саломат бўлган кишиидир. Мужсоҳид эса, Аллоҳга итоат қилишида нафсига қарши курашган кишиидир. Муҳожисир эса, катта–ю кичик гуноҳлардан ҳижерат қилган (қочган) кишиидир!” (Ибн Можжа: 3936)*

❖ Ўзидан эшитилган ваъз иршодларни бошқаларга етказишга ва (етказаётган вақтда) ёлғон қўшмасликга тарғиблари. Зоро, айтдиларки:

*“Менинг сўзимни эшишиб, бошқаларга таблиг қилган одамни Аллоҳ хуисурат қилсин! Неча–неча фиқҳни (илмни) ни кўтарганлар бор, аммо, ўзлари фақих (яхии тушунган) эмас. Ва неча–неча одамлар борки, улар ўзларидан фақихроқларга илмни етказадилар”*

(Ибн Можжа: 3056)

*“Мени кўрдингизлар, сўзимни ҳам эшиитдингизлар. Яқин орада (мен оламдан ўтгач) сизларга мен ҳақимда саволлар берилади. Ўшанда ким менга ёлғон*

*түкиса, ўзига дўзахдан жой ҳозирлай берсин!”* (Аҳмад: 23044)

❖ Одамларни Аллоҳга тавба тазар - руъ, дуо қилишга ва Ундан мағфират – у раҳмат сўрашликга тезлашлари.

Бу мавзуга мисол, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу сўзларидир: “*Аллоҳ субҳонаху ва таъоло бандани дўзахдан Арафот кунида озод қилганчалик кўп озод қилган ҳеч бир кун йўқдир!* Зеро, (у кунда Аллоҳ дунё осмонига қадар) яқин келади ва улар (Арафотдагилар) билан фаришталарга ифтихор қилиб “улар нимани тиласа (Мен бераман)” дейди. (Муслим: 1348)

Во ажаб! Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам кимсан Абу Бакр ва Умардек, жаннатга кириши башорат қилинган ўн саҳобадек, Бадр ғазотида, Байъатуш шажара аҳдномасида иштирок қилганлардек ва бошқа улуғ саҳобалардек – барчаларидан Аллоҳ рози бўлсин! – инсонларга қалбни эритиб, виждонни титратиб, кўзлардан ёш оқизиб юборадиган мана шундай қайноқ ваъзларни айтишга ҳарис бўлсалар... Улар

умматнинг энг қалби тозаси, энг теран илмлиси, энг ростгўйи, энг тўғри йўл тутганлари ва энг аҳволи гўзаллари бўлгани ҳолда-я!!! Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло уларни Ўз Пайғамбарига сахоба бўлишдек, Ўз динини қоим қилишдек буюк масъулиятларга танлаб олгани ҳолда бу ваъзларни уларга элчилар—у жарчилар орқали юбориб турсалар!!!

Бугунги ҳаж кунларида бу ваъзларга бизнинг муҳтожлигимиз қанча экан – а?!

Ваҳоланки, бизнинг орамизда ғофиллар – у, носийлар, жоҳиллар – у осийлар бор! Ваҳоланки, бизнинг орамизда шаҳватлар қайнамоқда! Шубҳалар вужудларни титратиб, ўйнамоқда!!!

Шубҳа йўқки, иш жуда муҳим, масъулият жуда оғирдир! Балки, бунга муҳтожлик емоғ – у ичмоққа бўлган эҳтиёждан ҳам зарурдир! Бас ваъз – у иршодга, танбех – у огоҳлантиришга қодир бўлган барча одамларни кириб келаётган мана шу буюк мавсумга сафарбар этиш лозим! Шояд шунда ғофил нафслар уйғониб, мудроқ қалблар тўлғониб, синиб кибрсиймолар, қувватланиб иймонлар,

Аллоҳга қайтса инсонлар! Ва шу билан ҳидоятга йўл очсалар, умматга нур сочсалар...

#### 4. Ҳаққа тобеъ бўлишга ва бир манбаъдан “сув ичишга” тарбиялаганлари.

Ислом – бу якка, ягона Аллоҳга ҳокисор ҳолда бўйинсуниш ва Аллоҳнинг расули олиб келган нарсага тобеъ бўлиш демакдир. Исломда ҳеч бир одамнинг қадами то ваҳий ҳукмларига эътиroz билдириласдан ҳам зоҳирсан, ҳам ботинан таслим бўлмагунча собит бўлмайди. Зоро, Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло мана бундай дегандир:

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مُّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

**“Йўқ, роббингизга қасам! Улар то сизни ўз ораларидаги жанжалларга ҳакам қилмагунча ва сиз чиқарган ҳукмдан юракларида норозилик бўлмаган ҳолда, тамомий бўйин сунмагунларича иймонли бўла олмайдилар!”** (Нисо: 65)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам тубандаги ҳадисларида худди мана шу маънони такрорлаганлар:

***“Сизлардан ҳеч бирингиз токи, унинг ҳаво-ҳоҳиши мен олиб келган (оят ва ҳадисдан иборат ваҳийлар) га тобеъ бўлмагунча иймонли бўлолмайди!”***

(Багавий. “Шархус сунна”: 104)

Имом Шофеий раҳимаҳуллоҳ эса: “Барча мусулмонлар орасида келишилган (ижмоъ қилинган) иттифоққа кўра кимга Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир суннати маълум бўлса, бошқа бир одамнинг сўзи учун у суннатни тарк қилишлиги ҳалол эмасдир!” деганлар.

(“Мадорижус соликийн: 2\335)

Ҳаж ибодати ҳам Аллоҳ ва расулига бўйинсунишликнинг бир белгисидир.

Ҳаж хусусида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларини яқдиллик билан ўзига гина бўйинсунишга тарбиялаган ва уларнинг қалбларига ўзига гина иқтидо қилиш заруриятини сингдирган эдилар. Бу ҳолни сифатлаб, Жобир розияллоҳу анҳу мана бундай дейди:

“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизнинг орамизда турар, у зотга Қуръон нозил бўлар, Қуръон тафсирини у зот гина билар ва биз у нима амал қиласа шуни қилар эдик” (Муслим: 1218)

Бу буюк тарбия ўз самарасини бермасдан қўймади. У самаралардан баъзи бирлари таърифига тўхталиб ўтамиш:

- Умар ал Форук розияллоҳу анҳу ҳажарул асвад ёнига келганларида уни ўпдилар ва унга хитобан: “мен биламанки, сен бир тошсан! Ҳеч кимга зиён ё фойда еткиза олмайсан! Агар мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сени ўпгандарини кўрмаганимда зинхор ўпмас эдим!” дедилар. (Бухорий: 1597)

Форук розияллоҳу анҳунинг яна мана бу сўзлари ҳам машҳурдир: “буғун нега елкаларни очиб рамал қиласиз? Ваҳоланки, Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло исломни мустахкамлаб, қуфр ва унинг аҳлини йўқотиб берди ку! Аммо, шундай бўлса ҳам биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вақтларида қилган амалларимизни ташламаймиз!

(Абу Довуд: 1887)

*Изоҳ: Исломнинг аввалги даврида расуулллоҳ саллаллоҳу алаиҳи ва саллам саҳобалари билан “умратул қазо” умрасини адo этгани келганларида Макка мушриклари Каъба теварагидаги тоғларга чиқиб олиб,: “мусулмонларни Ясриб (Мадина) иссиғи уриб, ҳолсизлантириб қўйган. Улар ясрибда жуда қийналишган шекилли” дейшишиб, уларга масхара кўзи билан кузатиб туришган. Шунда Расуулллоҳ саллаллоҳу алаиҳи ва саллам ўзларининг бардам, бақувват эканликларини ва шиддатларини намойиш қилиши мақсадида, ўнг елкаларни ялангочлаб, аввалги уч шавт (айланиш) ни полвоннамо югуриши билан айланишга, аммо, Рукнул Ямоний билан Ҳажарул Асвад орасида енгил юришга буюрганлар*

- Усмон розияллоҳу анхунинг халифалик даврида Али розияллоҳу анҳу ҳаж билан бирга умра қилишни ҳоҳладилар ва “лаббайка ҳажжан ва умратан, маъян” дедилар. Шунда Усмон розияллоҳу анҳу бундан қайтардилар. Иккалаларининг орасида масъала ихтилофи келиб чиқди.

Усмон розияллоху анху “мен (мусулмонларнинг амири) қайтарсан ҳам қилаверасанми?” дедилар. Шунда Али розияллоху анху: “мен ҳеч кимнинг сўзи учун Расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва салламнинг суннатларини тарк қилмайман!” деб жавоб бердилар.

(Бухорий: 1563)

- Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анху ҳар сафар тавоғ маҳали Ҳажарул Асвадни силамоқчи бўлсалар: “Эй, Аллоҳим! Ўзингга иймон келтириб, китобингни тасдиқ қилиб, Пайғамбарингнинг суннатига тобеъ бўлдим!” дер эдилар. У зот Ҳажарул Асвадни ўпишни ва Рукнул Ямонийни силашни ҳатто энг оғир дамларда ҳам тарк қилмас эдилар. Мужоҳид айтади: “мен бир марта у зотни тиқилинчга ўзларини уриб, бурунларини қонатиб олганларини кўрганман”. Кунлардан бирида у кишидан бир одам икки руқнни ўпиш ва силаш ҳакида сўраган эди: “Расулуллоҳнинг ўпганларини ва силағанларини кўрганман” деб жавоб бердилар. Ҳалиги одам яна: “сиз нима дейсиз, агар тиқилинч бўлса – чи? Сиз нима дейсиз, агар етолмай қолсангизчи?”

деб сўрайверган эди, “Э, “сиз нима дейсизинг” бошингда қолсин! Мен Расулуллоҳнинг шундай қилганлигини кўрганман дедим – ку!” дедилар. Яна бир куни бир одам у кишидан ҳажга қўшиб умра қилиш ҳақида сўраганларида “бу – ҳалолдир” деб жавоб бердилар. Ҳалиги одам яна: “аммо, сенинг отанг бундан қайтарган эди!” деганида, айтдилар: “ўзинг айт–чи, отам қайтарган нарсани Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қилган бўлсалар – чи? Унда нима қилишим керак? Отамнинг буйруғи татбиқ қилинадими ёки Расулуллоҳнинг буйруғи татбиқ қилинади да!” деди ҳалиги одам. Шунда Ибн Умар: “балли, бу амални Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қилганлар” деди.

(Термизий: 824)

Бир куни шундай ҳолат яна такрорланиб, бир одам савол қилиб қолди: “Ибн Аббос “Арафотга келмагунча Байтуллоҳни тавоғ қилинмайди” деган – ку?” бунга жавобан Ибн Умар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж қилганларида Арафотга боришдан илгари Байтни тавоғ қилганлар. Агар ростгўй бўлсанг, айтчи,

Расулуллоҳнинг сўзларини оласанми ёки  
Ибн Аббоснинг сўзиними?” деди.

(Муслим: 1233)

■ Ўзининг илмда бекиёслиги сабабли Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тарафидан “умматнинг қашқаси” деган лақаб олган Ибн Аббос розияллоҳу анҳу тавоғ вақтида Муовия розияллоҳу анҳунинг тўрттала рукнни ҳам силаганин кўриб “нимага мана бу (Рукнул Ямоний ва Ҳажарул Асваддан бошқа) икки рукнни силадингиз? Ахир Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни силамаганлар – ку!?” деди. Муовия бўлса (ўз фикри билан) “Байтуллоҳнинг ҳеч нарсаси тарк қилинмайди” деб жавоб берди. Шунда Ибн Аббос унга Аллоҳ субҳонаху ва таълонинг:

{ لَقَدْ كَانَ لِكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْنَةٌ حَسَنَةٌ }

**“Албатта, сизлар учун Аллоҳнинг элчисида чиройли намуналар бор”** деган оятини ўқиб берган эди, Муовия розияллоҳу анҳу: “тўғри сўзладинг” деди.

(Аҳмад: 1877)

Шунингдек, Ибн Аббос розияллоху анху ҳаж вактида умра қилишга ҳам ижозат берганларида кимдир бирор тарафидан “буни Абу Бакр ҳам, Умар ҳам қилмаган эди!” деган таъна айтилди. Шунда Ибн Аббос розияллоху анху: “Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сизларни азобласа керак деб ўйлайман! Мен сизларга Пайғамбардан ҳадис айтсам, сизлар менга Абу Бакр ва Умарни пеш қилаяпсизлар!” деди.

(Аҳмад: 2277)

Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳаж вактида саҳобаларини ваҳийга гина тобеъ бўлишга тарбиялаганлари ҳақидаги лавҳалар жуда ҳам кўп бўлиб, баъзилари тубандагилардир:

❖ Ҳожилардан “мендан намуна олинглар” деб талаб қилишлари ва уларга эҳтимол мана шу ҳажи охиргиси бўлишилигини эслатиб, намуна олиб қолишга унданганлари. Зоро, бир неча бор “*ибодатларингизни мендан гина олинглар! Билмадим, балки мен бундан кейин бошиқа ҳаж қилмасдирман*” деб такрорлаган эдилар.

(Муслим: 1297)

❖ Арафотдаги хутбаларида одамларни Куръонни маҳкам ушлашга чақирғанлари. Чунки, умматни адашишдан сақлашнинг бундан бўлак чораси йўқ эди. Шунинг учун айтдиларки:

*“Мен сизларга бир нарса ташлаб кетаяпманки, уни маҳкам ушласангиз ҳеч қачон адаимассиз. У – Аллоҳнинг китобидир!”* (Муслим: 1218)

❖ Ҳавойи нафсга эргашиб, динда бидъат чиқаришдан умматларини огохлантирганлари.

Арафотда туяларининг устида турганлари ҳолда мана бундай деганлар:

*“Огоҳ бўлинглар, мен Ҳавз (Кавсар) га сизларнинг энг аввал боргувчингизман. Мен сизлар билан бошқа умматлардан кўплик қиласман. Менинг юзимни ерга қаратманглар! Огоҳ бўлинглар, мен баъзи одамларни (шафоатим билан) қутқарувчи бўлсан, баъзиларни мендан қутқарилади. (Яъни, қутқаршига рухсат берилмайди) Шунда мен: “Эй, роббим! Улар менинг*

*жамоатларим – кү?!” дейман. Роббим эса: “улар сендан кейин нима (бидъатларни) пайдо қилишганини билмайсан” дейди. (Иbn Можжа: 3057)*

❖ Саҳобаларини ҳаж ибодатларига амалий ҳолда тайёрлаганлари ва уларни ибодатларда ғулув қилишдан огохлантирганлари.

Иbn Аббос розияллоҳу анҳу айтади: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ақоба кунининг тонгида, туяларининг устида турган ҳолда менга: *“тоши териб бер, менга”* дедилар. Мен у зотга майда тошлардан етти дона териб берган эдим, уларни кафтлари орасида чангини қоқдиларда: *“худди мана шундайларидан отинглар”* дедилар. (Чунки, “шайтонга қаттиқроқ тегади” деб катта тошлардан отишлик ибодатда ғулув қилишдир) Кейин одамларга қараб: *“эй, одамлар! Динда ғулув қилишдан эҳтиёт бўлинг! Албатта, сизлардан илгариги умматларни динда ғулув қилиш ҳалок қилгандир!”* дедилар.

❖ Ўзидан эшитган таълимларни ёдда сақлаб қолиши ва бошқаларга етказиши учун севикли невараси (асранди

фарзандлари Зайд ибн Ҳорисанинг ўғли) Усомани ва амакиси Аббоснинг ўғли Фазлни мингаштириб юранликлари.

Шунинг учун одамлар Арафот ва Муздалифанинг оралиғида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уловларига мингашиб кетаётган Усомани кўрганларида “Расулуллоҳнинг нима қилганларини бизга соҳибимиз (Усома) айтиб беради” дейишарди. Шунингдек, Муздалифа ва Минонинг орасида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уловларига мингашиб кетаётган Фазлни кўрганларида ҳам, ““Расулуллоҳнинг нима қилганларини бизга соҳибимиз (Фазл) айтиб беради” дейишарди. (Аҳмад: 21861)

Менинг фикру ожизимча, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг, саҳобаларини ягона манбаъдан “сув ичишга” ва фақат ваҳийгагина тобеъ бўлишга тарбиялаганликларининг энг яққол намунаси ўзлари билан ҳадӣ (курбонлик жониворлар) ни ҳайдаб келмаган саҳобаларни эҳромдан чиқишиликга буюрган вақтларидаги событликлариdir.

Үшандың бәзінің сақобалар “Арафотта закарларимиздан “харом сув” томчилаган ҳолда борамиз (шекилли) деб, эхромдан чиқиши истамаган әдилар. (Аммо, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам событ турдилар ва асҳобларини буйрукни бажаришга қаноатлантирилар)

Бу воқеъанинг тафсилоти қуидагича: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзи билан ҳадій (қурбонлик) олиб келмаган сақобаларига (Арафотта чиқиши беш кун қолғанда) эхромдан чиқиши буюрдилар. Ҳатто, аёлларга қўшилишни ҳам мубоҳ қилдилар. Ибн Аббос разияллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозини ўқиб бўлгач “ким умра килишни ҳоҳласа (ҳаж эхромидан чиқиб) умра қилсин” дедилар

(Муслим: 1240)

Жобир разияллоҳу анҳу айтади:  
“Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларига ҳажларини умрага айлантиришга, байтни тавоғ қилишга, соч олдиришга ва эхромдан тамомила чиқиши изн бердилар. Аммо, ҳадій олиб келганлар бундан мустасно эди.

“...Буни (аёллари билан бўлишни) азимат билан (қатъий) айтмагандилар. Бироқ, у нарсаларни ҳалол қилиб бердилар”

(Бухорий: 7367)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж вактида умрага рухсат бермайдиган мушрикларнинг одатидан таъсирланиб гапирган одамнинг ҳалиги гапини эшитгач, сахобаларидан эхромдан чиқишилари лозим эканлигини талаб қилдилар. Зеро ҳукмлар фақат бир манбаъдан – ўзларидан олиниши шарт эди. Охири, сахобалар тушуниб, бош эгдилар ва итоат қилдилар.

Аммо, бугунги кундаги ҳожиларнинг аҳволига қараган одам улар орасида ҳаж ибодатларига нисбатан жуда хуник сувратда бидъатлар ва залолатлар ёйилаётганинг гувоҳи бўлади. Мана шу нуқсонни бартараф қилишнинг ягона йўли яқдиллик билан Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга тобеъ бўлиш, амалларни фақат у кишидан гина олиш ва олимлар – у даъватчилар ўз фаъолиятларида умматни фақат шу йўсинда тарбиялашдан иборатdir.

Ҳаж мавсуми эса бу мақсадни амалга ошириш учун энг қулай фурсатdir.

Мұхтарам, ҳожи биродарим! Агар сиз нажотга етишни ҳохласанғиз, унда саҳобалар юрган йўлдан юринг ва аввало ўзингиздан бошлаб Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга тобеъ бўлишни йўлга қўйинг. Амалингизнинг мақбул ва тоза бўлишигиниг асоси, дўзахдан нажот топиб, жаннатга киришингизнинг шарти мана шудир. Бунга ҳадислардан жуда қўп далиллар бор бўлиб, баъзилари тубандагилардир:

*“Кимда ким бизнинг буйругимизга лойиқ келмаган амални қилса, бас у амали (қабул бўлмас ва) ўзига қайтарилар”* (Муслим: 1718)

*“Бўйин товлаганлардан бошқа барча умматим жаннатга киражсак”* деганларида, (саҳобалар) “ё, Расулуллоҳ! Бўйин товлаганлар кимлардир?” деб сўрадилар. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*ким менга итоат қилса – жаннатга кирап, ким менга итоат қилмаса бўйин товлаганлар ўшалардир!*” дедилар”.

(Бухорий: 7280)

**5. Умматни бирлаштирганлари ва  
уларни фитналар билан тарқоқлик  
сабабларидан огохлантирганлари.**

Исломнинг улуғ мақсадларидан бири мусулмон умматини бирлаштириш, қалбларини иттифоқ қилиш, сафларини жипслаштириш ва тарқоқликдан қайтаришдан иборатдир. Аллоҳнинг китоби ва Пайғамбарининг суннати бу маънодаги оят – ҳадислар билан тўлиб тошгандир. Зеро, Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло айтади:

﴿وَاعْصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعاً وَلَا تَنْقِرُوهُ﴾

**“Аллоҳнинг арқонини жамъ бўлиб,  
маҳкам ушланглар ва тарқоқ  
бўлманглар!”** (Оли Имрон: 103)

﴿وَإِنَّ هَذِهِ أُمَّةٌ مُّتَكَبِّرَةٌ وَأَنَا رَبُّكُمْ فَاقْتَلُونَ﴾

**“Сизларнинг мана шу умматингиз  
(ажралмас) ягона умматдир. Мен эса  
сизларнинг Роббингиздирман, бас  
Мендан тақво қилинглар!”**

(Муъминун: 52)

وَلَا تَكُونُوا مِنَ الْمُشْرِكِينَ مِنَ الَّذِينَ فَرَّقُوا بَيْنَهُمْ وَكَانُوا  
شِيَعًا

**“Ва динларини ажратиб, (үз ҳолика) шиъя (фирқа) бўлиб олганлардан – мушриклардан бўлманг!”** (Рум: 31, 32)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам :

**“Мўминлар ўзаро ёнма–ён солинган ва бир бирларини тираоб тура диган уйлар кабидир” дедилар ва бармоқларини бир–бирига кириши тирдилар”**

(Бухорий: 2446)

Яна бир ҳадисларида:

**“Аллоҳнинг қўли (ёрдами) жамоат устидадир”** деганлар. (Термизий: 2166)

Ҳаж мавсуми умматни бирлаштириш ва уларни фитна, тафриқа сабабларидан огоҳлантириш учун қулай фурсат бўлгани сабабли Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу фурсатдан фойдаланиб, умматни иттифоққа тарбиялашга катта аҳамият қаратганлар. Бу аҳамиятлари бир неча шаклларда ва қўринишда намоён бўлиб,

тубанда улардан баъзи лавҳаларни кўриб ўтамиз:

❖ Уммат орасида тенглик барпо қилиб, имтиёзни тақвога боғлаганлари.

Бу хусусда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мана бундай деганлар:

*“Барчаларингизнинг роббингиз, отангиз бирдир. Огоҳ бўлингки, ҳеч бир арабнинг ҳеч бир ажам устидан ёки ҳеч бир ажамнинг ҳеч бир араб устидан, ҳеч бир қора танлининг қизил танли устидан ёки ҳеч бир қизил танлининг қора танли устидан афзаллиги йўқдир. Афзаллик фақат тақво биландир!”* (Аҳмад: 23536)

❖ Аллоҳнинг китоби билан ҳукм қилаётган амирларга итоат қилиш, жамоатни лозим тутиш ва имомларга насиҳат қилишга буюрганлари.

Айтдиларки:

*“Агар сизларга бир бурни кесилган, қора қул амир қилинса ва сизларни Аллоҳнинг китоби билан етакласа, унга қулоқ солинглар ва итоат қилинглар!”*

(Муслим: 1298)

❖ Умматни Шайтон васвасасига алданиб, бир - бирига душман бўлиб қолишдан огоҳлантиришлари.

Дедиларки:

*“Албатта, Шайтон Араб ярим оролида намозхонлар ўзига ибодат қилишидан умидини узди. Аммо, у улар (Араб Жазираси халқи) орасини гижгижлашда давомийдир”*

(Муслим: 2812)

❖ Динга бидъат қўшишликдан қайтарганлари. Зеро, айтган эдиларки:

*“...Огоҳ бўлинглар, мен баъзи бир одамларни (шафоатим билан) қутқарувчи бўлсам, баъзиларни мендан қутқарилади. (Яъни, қутқаришга рухсат берилмайди) Шунда мен: “эй, роббим! Улар менинг жамоатларим – ку?!” дейман. Роббим эса: “улар сендан кейин нима (бидъатларни) пайдо қилишганини билмайсан” дейди. (Ибн Можжа: 3057)*

❖ Мусулмонларнинг ўзаро душманлашиб, ораларида фитна, тафриқа, фийбат ва ўз аро зулм чиқиб кетишидан ва бошка

ҳаром ишлардан эхтиёт бўлишга чақирганлари. Айтган эдиларки:

*“Мендан кейин бир бирларини бўйнига ур(иб ўлдир)адиган кофирларга айланиб кетмангиз!”* (Бухорий: 121)

*“Сизларнинг қонларингиз, молларингиз ва обрўларингиз бир бирларингизга мана шу кунларингизнинг, мана шу ойларингизнинг ва мана шу шаҳарларингизнинг ҳаромлиги каби ҳаромдир!”* (Бухорий: 67)

*“(Тинч тотув яшамоқ учун) менга қулоқ солинг: ҳей, бир бирингизга зулм қилманг, ҳей, бир бирингизга зулм қилманг, ҳей, бир бирингизга зулм қилманг! Бир мусулмоннинг моли иккинчиси учун ўзи рози бўлиб берганда гина ҳалол бўлади!”*  
(Аҳмад: 20695)

*“Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло ҳар бир ҳақ эгасига ўз ҳаққини бергандир. (Шунинг учун) мерос эгасига ўз меросини васият қилиши йўқдир”* (Чунки, кимга қанча мерос тегишини Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло Куръону Каримда белгилагандир)

Нахр (қурбонлик) куни “қайси амални аввал қилсак түғри бўлади?” деб ўзаро талашган одамларга “*қайси бирини қилсангиз ҳам гуноҳ йўқ*” деб айтганларидан кейин дедиларки:

“...*Илло, золим ҳолда бир мусулмоннинг обрўсини тўккан одам... ана шу одам гуноҳ қилувчиdir ва ҳалок бўлгувчиdir!*” (Абу Довуд: 20150

❖ Умматни Дажжолдан огоҳлантиришганлари. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадиларки: “*Аллоҳ юборган ҳар бир Пайғамбар борки, умматини (Дажжолдан) огоҳлантиргандир.*

...*У сизларнинг орангизда чиқади. У ҳақда сизларга маҳфий бўлган нарса (уни кўрганингизда) маҳфий бўлмай қолади. Роббингиз сизларга маҳфий (номаълум) эмасdir: роббингиз гилай эмасdir. Унинг (Дажжолнинг) эса ўнг кўзи узумдек (шишиган ва гилай) бўлади.* (Бухорий: 44030)

Бугун – чи?! Фирқаларга бўлиниш уммат жасадини пораламоқда! Фитна ханжари эса кўксини яраламоқда! Мана бу

илмоний (динни ҳаётдан ажратган) гурухлар ва уларнинг тарқоқ тақсимчалари эса мағлубият байроғини “дадил” кўтариб, ожизлигини эълон қилмоқда! Уммат олдида ўз динини рўйи рост ушлашдан бошқа бирлашув йўли қолмади. Зоро, ўтмишда бир карра уммат сафларини мана шу нарса гина бирлаштира олган эди. Ҳаж мавсуми эса бирлашувнинг, жиплашувнинг бошлангич нуқтаси бўлиш имкониятини яратиб турибди. Чунки, бу вақтда миллионлар қалби, ўлкаларининг, тилларининг, ирқларининг ва иқтисодий, ижтимоий тафовутларининг хилма – хиллигига қарамасдан бир калима (ла илаҳа иллаллоҳ) атрофига бирлашгандир!

Эй, ҳожи биродарим! Шу тобда сиз, агар билсангиз, умматни бирлаштириш остонасида турибсиз. Шу тобда барча жоҳилият маразларидан холий бўлароқ, уммат бирдамлигига амал қилиш сизнинг имкониятингизда бордир! Бу нарса энг аввало Аллоҳга муҳаббатли бўлишга интилишингиз билан амалга ошади. Чунки, сиз Аллоҳ севган кишини севасиз, Аллоҳ ёмон кўрган одамни ёмон кўрасиз. Кейин

мана шу шаклдаги муҳаббатни ҳожилар орасида ёясиз. Худди мана шундай муҳаббатли бўлишга уларни чақирасиз. Ундан кейин бутун ҳаётингиз давомида мана шу муҳаббатни сақлаб қола олсангиз, унда сиз ўз – ўзидан мўминларга ёрдам берувчи, ўзингизга севган нарсани уларга ҳам севувчи, бошқаларнинг ҳақига тажовуз қилмайдиган кишига айланасиз ва тўғри йўлга тушиб, уммат бирдамлиги йўлида аввалги қадамни ташлаган бўласиз.

## **6. Музаффар етакчилик ва гўзал муомала.**

Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло ўзининг охирги Пайғамбарини гўзал ахлоқ ва жамики музайяана одоблар билан безамишdir. Худди мана шу сабабли Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларига музаффар етакчи бўлишга ва намунали муомала қилишга муваффақ бўлдилар. Натижада қалблар у зот томон талпинадиган бўлиб қолди. Ҳаж сафариға чиқишни мақсад қилганларида минг минглаб одамлар у зотга ҳамроҳ бўлиб, риояси ва байроғи остида юриш иштиёқида

оқиб кела бошлади. Ўшанды у киши билан неча минг одам сафар қилғанлигини Аллоҳ субхонаху ва таъоло дан бошқа ҳеч ким аниқ билмайди. Баъзи сийратларда юз мингдан зиёд одам эканлиги тахмин қилинган. (Иbn Абдул Вахҳоб. “Мухтасарус сийра”: 572)

Барча одамлар у киши билан бирга юришни, у киши амал қилғандек амал қилишни ҳоҳларди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу сафар мобайнида уларда жуда катта таассурот қолдирдилар ва гўзал тавжиҳотлар билан башарият тарихида мисли кўрилмаган етакчилик намунасини кўрсатдилар.

Бу ерда оз гина сатрлар билан бу улуғ етакчиликни ва гўзал муомалани атрофлича ёритишнинг имкони бўлмагани туфайли, баъзи бир лавҳаларгагина мўъжаз ишоратлар қиласиз. Шояд бу ишоратлар у буюк зот қолдирган ажойиб осорларга намуна бўлиб, изларидан эргашишлиқ имконини берса:

### **Шахсий намауналари.**

Аллох субҳонаху ва таъоло қилмаган хайрли ишини гапирадиган одамларни айблаб, мана бундай деган эди:

{أَتَأْمُرُونَ النَّاسَ بِالْإِيمَانِ وَتَنْسَوْنَ أَنفُسَكُمْ وَأَنَّمَا تَنْهَىٰنَ الْكِتَابَ  
أَفَلَا يَعْقِلُونَ}

**“Сизлар (муқаддас) китобни тиловат қилган ҳолда, одамларни яхшиликга буюриб, ўзингизни унутасизми?! Ақлларингизни ишлатмайсизми?!”**

(Бақара: 44)

{يَا أَيُّهَا الْذِينَ آمَنُوا لَمْ تَنْهَوْلُونَ مَا لَا تَفْعَلُونَ كُبْرَ مَقْتاً عِنْدَ  
اللَّهِ أَنْ تَقُولُوا مَا لَا تَفْعَلُونَ}

**“Эй, иймон келтиргин бандалар! Нима учун қилмаган ишларинигизни гапирасизлар? Сизларнинг қилмаган ишларингизни гапиришилигингиз Аллохнинг олдида энг катта гунохдир!”**

(Софиф: 2,3)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Куръон хулқи билан хулқланганлари сабабли, (Муслим: 746)

мана шу оятларга имтисол қиласы, умматини нимага буюрсалар у нарсаны энг аввало ўзлари бажаардилар ва нимадан қайтарсалар, энг аввало у нарсаны ўзлари тарк қиласы.

Айниңса, ҳаж мавсуми давомида Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг мана шу бекиёс хулқарининг турли қирралари, турли хил кўринишда намоён бўлди. Улардан энг ёрқинлари тубандагилар бўлса ажаб эмас:

1. Хутбатул вадоъдаги мана бу сўзлари:

*“Огоҳ бўлингларким, менинг мана шу қадамим остида жоҳилиятнинг барча одатлари бекордир: жоҳилиятнинг барча қонлари бекордир! Бизнинг қондан мен бекор қилган аввалги қон Ибн Робийъа ибн Ҳориснинг қони эди. Унинг сут онаси Бану Саъд (қабиласи) дан эди. Кейин уни Ҳузайл ўлдирган. Жоҳилиятнинг судхўрлиги ҳам бекордир! Биздаги судхўрликдан мен энг аввал бекор қилганим Аббос ибн Абдул*

*Мұтталибнинг судхұрлигидир. Бас, у ҳам бекордир, барчаси! (Муслим: 1218)*

2. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам саҳобаларини яхши ҳаж қилишга, Аллоҳга түлиқ итоатга, таслимга ва ҳокисорликга буюрган вақтларида Аллоҳ ҳузурида уларнинг энг ҳокисор аҳволдагиси ўзлари бўлардилар. (Бухорий: 1751)

3. Агарда саҳобаларини зоҳидликга буюрсалар, уларнинг энг зоҳидроғи ўзлари бўлардилар. Зеро, ҳаж қилганда тияларининг эгари эски, жабдуғи эса тўрт дирҳамлик ҳам эмас эди. (Ибн Можжа: 289)

4. Одамларни захма (тиқилинч) га сабаб бўлишдан кайтариб, ибодатни хотиржам ҳолда адo қилишга буюрган вақтларида, ўзлари бошлаб бериб, Арафот, Муздалифа ва Минодан тушишда ўта салобат ва виқор билан тушган эдилар. (Термизий 886)

5. Одамларга соч олдиришнинг машруълигини изхор қилиб, соч олганларга дуо қилганларида ҳам энг аввало ўзлари соч олдирган эдилар. (Бухорий: 1729)

6. Саҳобаларини динда ғулув қилишдан қайтариб, майда тошларни отишга буюрганларида ҳам энг аввало ўзлари ўшандай тошларни отган эдилар.

Шу нарсага аҳамият бериш керакки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу шахсий намуналари шунчаки тасодифий нарса бўлмай, теран онглилик ва маълум мақсад билан қилинар эди. Бунга далил тариқасида (Замзам қудуғидан сув тортиб) сикоят (ҳожиларни суғориш) билан машғул бўлганларга хитобан: *“агар одамлар сизларга мاشаққат қилиб қўймаганида мен ҳам сизлар билан бирга (сув) тортар эдим”* деганларини айтсак бўлади. (Муслим: 1218)

Агар даъватчиларимиз ва бошқа ислоҳотчи одамларимиз барча ҳолатларида, хусусан ҳаж вақтларида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана шу хулқларидан намуна олиб, ҳар бир хайрли ишларни аввало ўзлари бошлаб бериб, мункар ишлардан ҳам аввало ўзлари бош тортиб, одамларга худди Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдек намуна бўлсалар жуда гўзал иш бўларди.

### **Маъруф (яхши) ишга буюриб, мункар (гуноҳ) ишдан қайтарғанлари.**

Яхшиликга буюриб, ёмонликдан қайтаришлик (Ал амру бил маъруф ван нахю анил мункар) диннинг таянчи, яхши ҳаёт гарови ва Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло Ўз Пайғамбарларини у сабабли юборган муҳим нарсадир. Ҳар бир банда мана шу нарса сабабли дунё – охиратда нажот топар, азиз бўлар ва йўлида имкониятлар яралар. Аммо, бу ишни ташлаб қўйишлиқ билан шариат фалаж бўлар, дин – диёнат емирилар, жаҳолот ёйилар ва чор тарафни жаҳолот пардаси ёпар.

(Имом Фаззолий. “Иҳёу улумид дин”: 2/306)

Шунинг учун ҳар бир қодир одамга–агар у фойдаси бўлмайди деб ўйласа ҳам–бу вазифани қиёмига етказиб адo қилиши муқаррардир. Чунки, мусулмон сифатида унинг вазифаси қабул қилиш ё қилмаслик эмас, балки бажаришдир.

Аллоҳ таъоло айтади:

{مَا عَلَى الرَّسُولِ إِلَّا أَنْبَلَغَ}

**“Пайғамбарнинг зиммасидаги вазифаси етказишиликдан гина иборатдир” (Моида: 99)**

{وَأَمْرٌ بِالْعُرْفِ}

**“Ва (эй, Мұхаммад, уларни) маъруф (ишлар) га буюринг” (Аъроф: 199)**

Аллоҳ субҳонаху ва таъоло Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни сифатлаб дейдики:

مَكْتُوبًا عِنْدَهُمْ فِي الْتَّوْرَاةِ وَالْإِنْجِيلِ يَأْمُرُهُمْ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَاهُمْ عَنِ الْمُنْكَرِ

**“...Уларнинг (ахли китобларнинг) олдилари даги Таврот ва Инжилда битилгандар, уларни маъруфга буюрар ва мункардан қайтарар...” (Аъроф: 157)**

Хуллас, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаёт сахифаларига тааммул билан назар солған одам у зот бутун умрини амр – маъруф, нахий мункар билан ўтказғанлигининг гувоҳи бўлади. Айниқса ҳаж мавсумида у зотнинг ҳоллари бу буюк

вазифадан заррача ҳам айри бўлмади. Зеро, ҳожиларни ибодатларни қойим қилишга ундар, дунёларини ислоҳ қилиб, охиратда нажот берадиган нарсаларга иршод қилас ва бунга зид нарсалардан тинмай огоҳлантирас эдилар. Тубанда у зотнинг ҳаж амалларига алоқадор амр – маъруф, нахий мункарларидан лавҳалар келтирамиз:

□ Ўзи учун ҳаж қилмай туриб, бошқа одамга ҳаж қилмоқчи бўлган кишини қайтаргандари. Ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда айтилади: “Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишининг “Шибрима номидан лаббайка!” деганини эшитгач **“Шубрима ким?”** деб сўрадилар. “менинг оғам ёки яқин танишим” деб жавоб берди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“ўзинг учун ҳажс қилганмисан?”** дедилар. “йўқ” деб жавоб берди ҳалиги одам. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“аввал ўзинг учун ҳажс қилгин, ундан кейин (кейинги мавсумда) Шубрима учун қиласан”** дедилар. (Абу Довуд: 1811)

□ Курбонлик олиб бормаган саҳобаларининг эхромдан чиқишини кечиктирганларини кўриб, ғазабланган ҳолда бундан қайтаргандари ва “*таҳаллул қилинглар!*” (эхромдан чиқинглар!) деб буюргандар. Саҳобалари (ўзларига оғир бўлганига қарамай) итоат қилдилар ва эхромдан чиқдилар.

(Бухорий: 7367. Муслим: 1216)

□ Каъбани тавоф қилаётганларида қўлини бир кишига ип билан боғлаб олган кишининг ёнидан ўтаётиб қўллари билан ипни узиб юбодилар ва “қўлинг билан етаклаб юр” дедилар. (Бухорий: 1620)

□ Аёлларга қараган Фазл ибн Аббоснинг кўзини қўллари билан тўсиб, мункарни амалий равишда қайтаргандар.

Жобир розияллоҳу анҳу айтади: “Фазл ибн Аббос Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга минганиб бораарди. У оқ юзли, мафтункор хуснли, сочи ажиб гўзал йигит эди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жўнаганларида ёнларидан аёллар ўтиб қолди. Фазл уларга қарай бошлаган эди Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг юзига қўлларини қўйиб, тўсдилар. Фазл эса бу томонга ўгирилиб

қарай бошлади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам қўлларини бу томондан айлантириб келиб, Фазлнинг юзини бошқа томонга буриб қўйдилар.

(Муслим: 1218)

Аббос розияллоҳу анху айтади: “Фазл Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга мингашиб бораётган эди, Хасъамийялик бир аёл (савол сўрагани) келган эди, Фазл аёлга, аёл ҳам Фазлга қарай бошлади. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Фазлнинг юзини бошқа тарафга буриб қўйдилар” (Бухорий: 1855)

Ҳозирги кунда ҳожиларимиз орасида динни тушунмаслик туфайли кўп мункарлар ёйилган. Албата улар бу мункаротларни атайлаб, ёмон ниятда қилмайдилар. Шунинг учун уларга ислом ҳукмларини ҳикмат ва донишмандлик билан ўргатиш, маъруфга тарғиб қилиб, мункардан қайтариш жуда ҳам долзарб вазифадир. Аммо бу соҳада уламоларимиз ва даъватчиларимиз нечоғли жиддий ҳаракат қилсаларда, шоёъ мункаротларга, маъруф амалларнинг ғариблигига нисбатан етарли даражада эмасдир. Шунинг учун бу

соҳада мункар ишни кўрган ҳар бир ҳожи инкор қилиши зарур. Чунки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

*“Сизлардан кимингиз бир мункар амални кўrsa, уни қўли билан ўзгартирсин! Агар бунга қодир бўлмаса, тили билан ўзгартирсин. Агар бунга ҳам қодир бўлмаса, у ҳолда қалби билан ўзгартирсин, аммо, бу иймоннинг энг заифидир”.* (Бухорий: 2172)

Демак, эй, Аллоҳ сақлагур, Аллоҳнинг ҳаромлари риоя қилинмаганига газабнок бўладиганлардан ва амр – маъруф, нахий мункар фаризасини содиклик билан адо қилишга ҳаракат қилувчилардан бўлинг! Чунки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

*“Кимда – ким исломда бир яхии суннат (ни тирилтира) боиласа, у амалнинг ва у амални қилган ҳар бир одамнинг савоби, уларнинг савобидан ҳеч нарса камимаган ҳолда унга ҳам етиб турап. Аммо, кимда – ким исломда бир ёмон суннат (йўл) боиласа, у амалнинг ва у амални қилган ҳар бир одамнинг гуноҳи, уларнинг гуноҳидан ҳеч нарса камимаган ҳолда унга ҳам етиб турап”.* (Муслим: 1017)

## Одамларга тавозеъликлари.

Тавозеъ – бу хулқларнинг саййиди ва шарафлилик ўлжасидир. Тавозеъ сабабли Аллоҳ таъоло бандасига баланд мартабаларни ато этар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтиладики:

*“Кимда ким Аллоҳ учун тавозеълик қилса, Аллоҳ субҳонаху ва таъоло унинг мартабасини кўтарар”*. (Муслим. 2588)

Аллоҳ субҳонаху ва таъоло ҳам йўз Пайғамбари Муҳамад саллаллоҳу алайҳи ва салламга:

{وَأَخْفِضْ جَنَاحَكَ لِمَنْ أَتَبَعَكَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ}

“(Эй, Муҳаммад!) Ўзингизга тобеъ бўлган мўминларга тавозеълик қилинг” деб буюрди. (Шуъаро: 215)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам роббисининг бу фармонига дарҳол амал қилиб, инсоният тарихида мисли кўрилмаган тавозеълик намунасини кўрсатдилар. Зеро, ўз хизматларини ўзлари қиласдилар: ковушини ва кийимларини ямар эдилар, теваларини соғардилар, юкларини кўтарардилар. Ҳаттоки, уй –

рўзғор ишларига ҳам қарашар эдилар. Болалар билан саломлашар ва эркалатар эдилар. Саҳобаларидан ҳеч бир нарсада имтиёзланмас эдилар. Қора танлига ҳам, қизил танлига ҳам бирдек муомала қилиб, чақириқларига жавоб берер эдилар.

(Бухорий: 676, 6072, 6247)

Деган эдиларки: “*мен қул егани каби едим, қул ўтиргани каби ўтирудим*”

(Бағавий. “Шархус сунна”: 3683)

Ҳатто, бирор жория келиб, “менинг фалон эҳтиёжимни ҳал қилиб беринг” дея қўлларидан етаклай бошласа, индамасдан эргашиб бориб, айтган масаласини ҳал қилиб берар эдилар. (Бухорий: 6072)

Шу билан биргаликда, ўз шахсиятлари ҳақида ғулув кетишга ва Аллоҳ ато қилган мартабадан юқори кўтаришга ҳеч кимга изн бермас ва : “*насоролар Исо ибн Марямни ҳаволатиб мақтагани (ва натижсада худо қилиб олгани) каби мени ҳаволатманлар!*

*Мен Аллоҳнинг қулиман. Шунинг учун мени “Аллоҳнинг қули ва Пайгамбари” денглар*” дея танбех берар эдилар.

(Бухорий: 3445)

Айниқса, ҳаж мавсуми давомида одамларга етакчилик қилиш асносида тавозеъликларининг ажиб намуналари зохир бўлган эди. Ҳозир баъзи бир қирраларига тўхталиб ўтамиз:

- a. Ҳажга минган теваларининг эгари эски ва жабдуғи аранг тўрт дирҳамлик бўлгани. (Иbn Можжа: 2890)
- b. Одамлардан имтиёзланишни ҳоҳламаганликлари.

Бунга мисол тариқасида одамлар қўл солиб сув ичаётган мешкобдан сув ичишни ҳоҳлаганларида саҳобалардан бирининг “ё, Расулуллоҳ! Унга одамлар қўл солганлар, ахир!” деб, Ибн Аббосга алоҳида, хос сув келтиришни буюргани ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буни ман қиласроқ, амакилари Аббосга қараб: “*менга хос сувнинг кераги йўқ! Одамлар ичган сувдан беринглар!*” деган сўзларини айтсак кифоя қиласар. (Аҳмад. “Муснад”: 1814)

- c. Асли қуллардан бўлган Усома ибн Зайдни Арафотда уловларига мингаштириб юрганлари.
- d. Оддий тоифадаги бир аёлнинг саволларига жавоб берган ҳолда туриб қолганлари. (Бухорий: 6072)
- e. Ҳар бир одамнинг у кишига ҳеч бир тўсқинликсиз мурожаат қила олиши ва эҳтиёжини осон гина ҳал қила олиши.

Чунки Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдида акобирлар—у хос хожиблар, пўш – пўшлаб турувчи ясовуллар – у мулоғимлар бўлмаган.

(Муслим: 1273)

- f. Ишоратларига маҳтал минглаб саҳобалари бўлганига қарамай, қурбонликга олиб борган тевалардан олтмиш уч донасини ўз қўллари билан сўйганликлари.

Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мана шу каби тавозеъликлари билан одамларнинг қалбларини забт қилиб,

чексиз муҳаббатлариға, ишончлариға сазовор бўлдилар. Ҳозирги ҳаж мавсумида талабалар ва даъватчилар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу каби тавозеъликларидан намуна олишга нақадар муҳтоjlар! Ана шунда гина улар одамларга юмшоқлик ва тавозеълик намуналарини изхор қила оладилар. Тавозеъ хусусан дунёning ҳар тарафидан келадиган, заиф, муҳтоj ҳожиларга нисбатан жуда муҳимдир. Ўшалар олдида ҳокисор бўлиш ҳақиқий тавозеъдир. Бу борада Ибнул Муборак айтганларки: “тавозеънинг ҳақиқиysi дунёси ўзингдан кам одам олдида ўзингни ҳокисор тутишилгингдир. Токи, сен унга ўз бойлигинг билан ундан афзал эмаслигингни изхор қила олгин”

(Фаззолий. “Эҳйоу улумуд дин”: 3/342)

### **Одамларга раҳмдилликлари.**

Ислом – раҳмдиллик динидир. Бинобарин, Ислом шариати ҳам катта–ю кичик ишларида мушфиқлик, меҳрибонлик асосига қурилгандир. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг

оламларга раҳмат қилиб юборилишининг  
сабаби ҳам айнан мана шунинг учундир.

Аллоҳ таъоло деди:

{وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ}

**“(Эй, Мухаммад!) Биз сизни оламларга  
раҳмат қилиб юбордик”** (Анбиё: 107)

{... بِالْمُؤْمِنِينَ رَءُوفٌ رَّحِيمٌ}

**“...Иймонлиларга раҳмдил, мушфик”**  
(Тавба: 128)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва  
салламнинг ўзлари ҳам бу ҳақда  
тубандагича хабарларни айтганлар:

**“Мен раҳмат қилиб юборилганман”**  
(Муслим: 2599)

**“Мен – Мұхаммаддирман... тавба ва  
раҳмат Пайғамбари дирман!”**  
(Муслим: 2355)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва  
салламнинг раҳмдилликлари оммага  
шомил, чекланмаган, шафқатлари буюк эди.

Умайма разияллоху анҳодан ривоят қилинган ҳадисда у саҳобий аёл айтадиларки: “мен аёллар жамоаси орасида Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламга байъат қилдим. Ўшанды бизга у зот: **“тоқат ва бардошиңгиз чегарасида байъат қиласизлар”** деган әдилар, мен “Аллоҳ ва расули бизга ўзимиздан ҳам меҳрибонроқ экан” дедим.”

(Термизий: 1597)

Яна бошқа ривоятларда Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг тавсифида мана бундай сўзлар айтилган:

“Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам раҳмдил әдилар” (Бухорий: 628)

“Мен Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам каби оиласига мушфик одамни учратмадим” (Муслим: 2316)

Бу нарсалар бир тарафдан Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг одамлар тарафидан чексиз ҳурматланишга ва итоатига талпинишларига сабаб бўлса, иккинчи тарафдан Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламга уларни бошқаришни ва тарбиялашни енгиллаштиради.

Агар биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳажларига назар ташласак, одамларни етаклаш борасидаги ранг – баранг раҳмдилликлариға шоҳид бўламиз.

Тубандай ўшандай раҳмдилликларидан намуналар келтирамиз:

- Курбонлик қилишга жонлиқ олиб келмаган саҳобаларига эхромдан комил чиқишиликни лозим кўрганлари.  
(Муслим: 1213)
- Арафотда пешин ва аср намозларини жамъ тақдим қилиб (пешин вақтида) ўқиганликлари ва Муздалифада шом билан хуфтонни жам таъхир қилиб (хуфтон вақтида) ўқиганликлари.  
(Бухорий: 136)

Агар бундай қилмасалар бир кечанинг ўзида икки жойга кўчиб – қўниш ва жойлашиш ҳожилар учун жуда катта мashaққат туғдирган бўларди.

- Заиф ҳожиларга Муздалифадан тунда: ой ботган ҳамон чиқиб кетишга рухсат берганлари.

Албатта, бу ҳолда бошқа ҳожилар эрталаб тушиб, тиқилинч бошлангунга қадар улар қурбонлик (нахр) кунининг амалларини bemalol бажариб, эхромдан чиқишига улгуреб қолишарди.

(Бухорий: 1567)

□ Нахр кунидаги қурбонлик, соч олдириш, тош отиш каби амаларни қилишликда одамларга енгиллик яратиб, “мен фалон амални олдин (ё кейин) қилиб қўйибман” деганларга “*қиласер, ҳеч зарари йўқ*” деганлари. (Бухорий: 83)

□ Ҳожиларнинг сикояти (сув беришлик) билан машғул бўлиб қолган Аббос розияллоҳу анҳунинг Мино кунларида Маккада ётиб қолишига изн берганликлари ҳамда чўпон – чўлиқларга икки кунлик жамаротни бир кунда отишга рухсат берганлари.

(Бухорий: 1745)

□ Ҳаж амалига жисмонан қодир бўлмаган одамлар ўрнига бошқа кишининг ҳаж (бадал) қилишига рухсат берганлари.

(Муслим: 1335)

□ Одамларга меҳрибонлик ва қулайликни риоя қилиб баъзан афзал амални тарк қилганлари. Жумладан, тавоғ ва саъй амалини туя устида ижро қилдилар. Ваҳоланки, пиёда қилиш афзал эди. Шунингдек, Ҳажарул Асвадни қўл билан силашни тарк қилиб, таёқ билан “ силадилар” ва хоказо...

(Муслим: 2217)

□ Касал бўлган саҳобаларини кўргани боришлари ва уларни енгилликларга иршод қилганлари...

Мухтарам ҳожи биродар! Агар сиз ҳам мана шу ҳаж мавсумида Аллоҳ субҳонаҳу ва таъюлонинг раҳматига сазовор бўлай десангиз, Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нахжидан бориб ва тубандаги ҳадисларига амал қилиб заифларга раҳмдил бўлинг. Чунки:

**“Раҳмдилларга Раҳмон раҳм қилгай!”**  
(Термизий: 1924)

**“Раҳм қилмаганларга раҳм қилинмас”**

(Бухорий: 5997)

**“Одамларга раҳм қилмаганга Аллоҳ ҳам раҳм қилмайди”** (Бухорий: 7376)

**“Аллоҳ бандалари орасидаги раҳмодилларга раҳм қилајсак!”**  
(Бухорий: 1583)

Агар сиз дўзахдан нажотни ҳоҳласангиз тошбагирликдан йироқ бўлинг! Чунки:

**“Тошибагир кимсадан раҳмат сугуриб олинар!”** (Термизий: 1923)

### **Одамларга эҳсонлари.**

Инсон нафси ҳаёт неъматлари ва лаззатларидан юз ўғирганда бу хислат билан одамларга яхшилик қилишда ҳеч қандай торлик ва хорликни ҳис қилмайди ва ўзи билан бошқа одамлар орасидаги адоватни муҳаббатга айлантиради.

Аллоҳ таъоло деди:

أَدْفِعْ بِأَلْتِي هِيَ أَحْسَنُ فَإِذَا الْذِي بَيْنَكَ وَبَيْنَهُ عَدَاؤُ  
كَائِنُهُ وَلَيْ حَمِيمٌ

**“(Одамларни) яхши (хулқдан иборат)  
нарсалар билан қайтаринг. Баногоҳ, сиз  
билинг орасида адоват бўлган одам  
самимий дўст каби бўлиб қолар”**

(Фуссилат: 34)

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётини тааммул қилиб кўрган одам у зот ғоят зоҳидлик ва камоли эҳсонни ўзларида жамлаганликларига гувоҳ бўлади.

Чунки, икки ой муттасил уйларида қозон қайнамай, ўчогида ўт ёқилмай, емак – ичмаги сув билан хурмодан гина иборат бўлиб қолганда ҳам одамларнинг энг саховатлиси бўйича қолганлар.

(Бухорий: 2567)

Балки, факирликдан заррача қўрқмасдан саховатпешалик қиласаверардилар.

Айтардиларки: “*агарда менинг Уҳуд тоги миқдорicha олтиним бўлса ҳам (эҳсон қилишим сабабли) уч кун мобайнида ҳеч нарса қолмаслиги мени ҳурсанд қиласар эди. Магар бирор нарса ортиб қолгудек бўлса, уни қарзга (берииш учун) тайёрлаб қўярдим*”

Ҳа. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қалблари Аллоҳга шу қадар

боғланган, ўзлари охират учун шу қадар ажралиб чиққан эдилар. Дунёдан зоҳидликлари олий мақомга етгани сабабли уни пашшанинг қанотича ҳам кўрмас эдилар.

Ҳаж мавсумидаги одамларга етакчилик асносида Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эҳсонлари сон – саноқсиз эди. Сиз қайси соҳани қараманг, унда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буюк эҳсонларидан намуналар кўра оласиз.

Тубанда улардан баъзи бирларини эътиборингизга ҳавола қиласиз:

❖ Ҳаж сафарига қасд қилганларида Зул Ҳулайфада бир кун тўла туриб, ўзига қўшилишни ният қилган бироқ, кечиккан одамларни кутганлари. (Бухорий: 1551)

❖ Ҳаж мавсумида садақа, эҳсонларни кўпайтирганлари. Масалан, қурбонликга сўйган юз нафар тுяларининг гўшти ва терисини мискинларга тақсимлаб берганлар. (Муслим: 1317)

Бундан бошқа жойларда ҳам кўп эҳсонлар қилганлар. (Муслим: 1679)

❖ Одамларнинг рағбатларига, матлабларига хушмуомалалик ва одоб билан жавоб берганлари. (Бухорий: 1518)

❖ Арафот, Муздалифа ва Мино орасида қатнаган пайтларида Усома ибн Зайд билан Фазл ибн Аббосни галма – гал мингаштириб юранликлари.

(Бухорий: 1544)

❖ Хутбалари асносида заиф одамларни риоя қилиб, уларга таълим берганлари ва амалларда енгилликга иршод қилганлари.

(Бухорий: 4853)

❖ Умматларининг нажот топиши ва дуолари қабул бўлишига муштоқликлари. Зоро, Арафот ва Муздалифадаги дуоларида Аллоҳ субҳонаҳу ва таъюдан мана шу нарсани сўраб зорлаганлар. Агар бир киши “ё, Расулуллоҳ, менга дуо қилинг” деб сўраса, дуони барча умматларига ом қилиб: “*Аллоҳ сизларни мағфират қилсин!*” дер эдилар. (Аҳмад: 15972)

❖ Очик, ёрқин баён қилишга тиришганликлари ва одамлар яхши англаб

олиши учун баёнларини тақрорлаб – тақрорлаб айтганликлари. (Термизий: 616)

❖ Саҳобаларини – Аллоҳ улардан рози бўлсин – фитна ва тухмат ўринларидан авайлаганликлари.

Масалан, Хасъамийлик аёлга қараган Фазлнинг юзини текари ўтириб қўйганлари. Фазлнинг отаси Аббос розияллоҳу анху бунинг сабабини сўраганларида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*қарасам, ёши йигит ва ёши қиз, иккиси ҳам Шайтондан омон қолгудек эмас*” деб жавоб берганлар. (Термизий: 885) Шунингдек, кунлардан бирида Хайф масжиди яқинида икки киши чодирларида намоз ўқидилар. Кейин масжидга келдилар. Ваҳоланки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар билан намоз ўқиётган эдилар. Ҳалиги икковлон жамоатга қўшилмасдан четроқда туриб қолишиди. Шунда (намоздан кейин) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга қараб: “*иккинчи бундай қилманглар! Агар турган ерингизда намоз ўқиган бўлсангиз ва кейин масжидга келсангиз, жамоатга қўшилаверинг. Бу сизлар учун нафл бўлади*” дедилар.

(Термизий: 219)

Муҳтарам биродар! Агар сиз ҳам Аллоҳ субҳонаҳу ва таълонинг ризосига мушарраф бўлишни истасангиз ва фазл—у марҳаматига ноил бўлишни ҳоҳласангиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хулқи билан хулқланинг, амалингизни ислоҳ қилинг ва ҳаж мавсуми давомида заифлар билан муҳтожларга илмингиз, молингиз, мартабангиз ва қувватингиз билан саховат қилинг! Аллоҳ таъоло деди:

{ وَاحْسِنُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ }

**“Эҳсон қилинглар, албатта, эҳсон қилгувчиларни Аллоҳ севар”** (Бақара: 195)

{ هَلْ جَرَأَءُ الْإِحْسَانَ إِلَّا أَلْإِحْسَانُ }

**“Эҳсон (яхшилик) нинг мукофоти фақат яхшилиkdir”** (Ар – Роҳман: 60)

Агарда сиз ҳажингиз мабур (мақбул) бўлиши, гуноҳингиз мағфират қилиниши ва жаннатга дохл бўлиш ҳақида ўйласангиз мискинларни таомлантиринг, ҳуснул хулқни ўзингизга лозим тутинг. Чунки:

**“мабур ҳаж үчүн жаннатдан ўзга мукофоттой үйкдир”** (Бухорий: 1773)

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламдан “ҳажнинг яхшилиги нимада?” деб сўралганида **“мискинларни таомлантириши ва ширин сўзда”** деб жавоб берганлар.

(Ҳоким. “Мустадрак”: 1/658)

### **Одамларга нисбатан сабрлиликлари.**

Сабр – бу тақвадорларнинг зоди роҳиласи, даъватчиларнинг тайёргарлиги, имкониятлар эшиги ва яхшилик хазиналаридан бир хазинадир. Барча зафарлар сабр орқали ҳосил қилинар, илфорликга ҳам у сабабли етилар. Сабрсиз одам етакчиликга ярамас. Чунки, сабр ғазаб вақтида нафсни тияр, жўшқинлик вақтда жиловлар. Сабр муҳаббатга сабаб бўлар, азиматни кучайтирас ва фикрни пиширас. Ҳадиси шарифда айтиладики: **“ким сабр қилса Аллоҳ субҳонаху ва таъоло унинг сабрини оширас. Кишининг бирорвага берган нарсалари ичидан сабрдан яхшироқ ва кенгроқ нарса үйкдир”** (Муслим: 1053)

Сабрни одамлар ичидағи зийраклари, донолари ва улуғлари тушуниб етганлар. Мана, Умарул Форук розияллоху анхуни олайлик. Деганларки: “биз энг афзал ҳаёт лаҳзаларимизни сабрдан топдик”

(“Саҳихул Бухорий”)

Али розияллоху анхуга қулоқ солайлик. Айтдиларки: “сабр – бу қоқилмайдиган, мункимайдиган түядир” (Ибнүл Қайим. “Мадорижус соликийн”: 2/158)

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг сабрлари доимо Аллоҳ учун ва Аллоҳ ёрдами ила бўларди ва бу соҳада нафсларини тоқатга бўйсундириб, маъсиятдан тизгинлаб ҳамда Аллоҳ субҳонаҳу ва таълонинг қазои – қадарига чидаб олий мақомларга кўтарилдилар.

Жиҳоднинг бир тури каби бўлган ҳаж амали мобайнида ҳам Расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва салламнинг шахсиятларида бир вақтнинг ўзида сабрнинг уч тури зоҳир бўлган эди. Жумладан:

- Одамларнинг инжиқликларига ва ҳар хил муомалаларига.
- Ўз вазифаларининг машаққатларига.
- Ҳаждаги турли воқеъаларга.

Аммо, одамларга сабрлилиги ҳақида айтсак, сафар давомида ҳеч қандай малолланиш ва бехуда ғазабни ошкор қилмадилар. Бу эса ақлларни ҳайратта соладиган ишдир.

Аммо, вазифалари ҳам жуда мاشаққатли эди. Авваламбор у зот Аллохга қуллик вазифасини комил даражада, ўта хокисор равишда адo этдилар. Шу билан биргаликда одамларнинг ахволларидан, бирдамликларидан масъул эдилар ва буни теран ҳис қиласроқ, уларга аъло даражада етакчилик қилдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу билан гина кифояланмасдан одамларга муаллимлик, мураббийлик вазифасини ҳам адo этиб, бу улкан издиҳомни барча яхшиликларга бошладилар. У зотнинг қалб тўрида ҳар доим ўз вазифасини комил даражада адo этиб, ўзига юкланган рисолат амонатини умматига етказиш қайғуси турар эди. Шунинг учун умматига ҳар лахзада намуна бўлдилар. Ҳар бир одам у кишига кўз тикиб, нима амал қилаётганлигини, нима сўз айтаётганлигини кузатиб турарди ва у зотнинг нахжига юришга тиришар эди. Албатта, ёши олтмишдан ўтиб қолган, боз

устига тўқиз завжаси ва оиласидаги бошқа заифалари ҳам бирга бўлган вақтда юз минг чамасидаги одамга сабр қилиш енгил эмас эди.

Аммо, ҳаждаги турли воқеъаларга келсак, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга юз мингдан ошиқ киши ҳаж сафарига отланган эди. Бунинг маъноси, юз минг хил кўриниш ва юз минг хил табиат билан муроса қилиш демакдир. Боз устига у одамларнинг тушунчалари, ёшлари, ўлкалари, моддий – маънавий ва ижтимоий аҳволлари ҳамда шевалари бир хил эмас эди. Яна бунга қўшимча улар орасида заифлар, касаллар, гўдаклар ва аёлларнинг борлигини ҳисобга олинса, уларга лутф ва риоя қилиш учун не қадар буюк сабрга ва не даражада юксак етакчилик маҳоратига муҳтож бўлиниши равшан бўлади.

Демак, эй ҳожи биродар, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сингари сабрли бўлишга тиришинг. Зеро, иймон – бу “*сабр ва саҳоватдир*” (“Муснад”: 19435)

Аллоҳ субҳонаху ва таъоло ҳам сабрлилар билан биргадир. Сабрли одамга роббиси хузурида ҳисобсиз ажрлар

берилажак! Бас, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сабрлари ҳар доим йўлингизда маёқ бўлсин! Худди у зот сингари итоатда бўлишга, мъсиятлардан ўзни авайлашга тиришинг. Машаққатларни кўтара билинг. Енгилтаклик, жирракилик ва ғазабдан эҳтиёт бўлинг. Одамлар орасида юрар экансиз улардан етган азиятларга сабр қилинг. “Сунани Ибн Можжада” 4032 рақамли ҳадисда айтилишича *“одамларга аралашиб, уларнинг азиятларига сабр қилган мўмин одамларга аралашибдиган ва уларнинг азиятларига йўлиқмайдиган мўминдан кўпроқ ажр–у савобга эга бўлади”*.

Демак, сизга азият еткизган биродарингизги пешонангизни тириштиришингиз абасдир. Бу нарса сабрга хилоф равишдаги амал ҳисобланади.

### **Одамларга меҳрибонликлари.**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг меҳрибонликлари ва бандаларни меҳрибонликга даъват қилганлари ҳақида событ баёнлар жуда ҳам кўпдир. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва

салламнинг ўзлари ҳам бу ҳақда мана бундай ҳадисларни айтганлар:

**“Аллоҳ ҳар бир ишда меҳрибонликни севади”** (Бухорий: 6024).

**“Қайси ишда меҳрибонлик бўлса, уни безар. Қайси ишда меҳрибонлик йўқ бўлса, у иш айбли бўлар”** (Муслим: 2594)

**“Кимда меҳрибонлик йўқдир, демак у барча яхшиликлардан маҳрумдир”**  
(Муслим: 2592)

Меҳрибонлик ҳикматнинг боши, амалнинг зийнати, фиқҳнинг белгиси, ҳуснул хулқнинг натижасидир. Кимда меҳрибонлик бўлса, унда демак, нафсини ҳаво – ю ғазабдан тия билиш қудрати ҳам бордир. Меҳрибонлик одамларнинг муҳаббатига сабаб бўлар, мушфиқликни чорлар, одамларга яқинликни, ўзаро ҳамкорликни ҳосил қилас, адоват ва гинани зойил қилас ва узилишлиг – у кўнгилхираликларни узоқлаштирас.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам меҳрибонлик ва мулояматни касб қиласроқ

одамларнинг энг латофатлиси, энг кечиргувчиси эдилар. Аллоҳ субхонаху ва таъоло Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мулоиймлигини сифатлаб бундай деган эди:

فَبِمَا رَحْمَةٍ مِّنْ أَلَّهِ لِنَتَ لَهُمْ وَلَوْ كُنْتَ فَطَّا غَلِيلَةً أَقْلَبْ  
لَا تُنْظُرُوا مِنْ حَوْلِكَ فَأَعْفُ عَنْهُمْ وَآسْتَغْفِرُ لَهُمْ وَشَأْوِرْهُمْ فِي  
الْأَمْرِ

**“Бас, Аллоҳ тарафидан берилган раҳмат сабабли уларга мулојамат қилдингиз. Агарда қўпол ва тошбағир бўлганингизда улар атрофингиздан тирқираб кетар эдилар. Бас, энди уларни афв этинг, улар учун истиғфор айтинг ва иш (ларингиз) да улар билан маслаҳатлашинг.”** (Оли Имрон: 159)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мулојаматига шоҳид бўлган гувоҳлар у зотни тубандагича сифатлаганлар:

- “...Жуда мулоийм эдилар”  
(Бухорий: 628)
- “...Қалблари юмшоқ эди”  
(Муслим: 674)
- “...Бизларга меҳрибон эдилар”  
(Бухорий: 2339)

Хаж мавсумидаги одамларга етакчиликлари давомида у зотдан жуда ажойиб меҳрибонликлар содир бўлган. Тубанда улардан баъзиларининг тафсилоти:

❖ Одамларни талбия айтишга мажбуrlамаганликлари. Балки, одамлар талбия сўзларига баъзи сўзларни зиёда қилсалар ёки камитсалар ҳам индамадилар.

(Муслим: 1218)

Арафотдан тушаётганда ҳам шундай бўлди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўпроқ талбиялар айтар, одамлар эса ўз ҳоҳишларича талбия, таҳлил ҳамда такбирларни айтишар, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни инкор қилмас эдилар. (Бухорий: 1659, 1686, 1687)

❖ Хаж йўлида ва ибодатгоҳлар орасида қатнаганда сояда дам олганлари ва уловда юрганлари. Агарда бундай қилмасалар, ибодатни у кишидан ўргангандан одамлар пиёда юриб кўп мاشақкат тортар эдилар. (Бухорий: 1666)

❖ Тавоф, саъй каби ибодатларда улов минганиликлари. Агар минмасалар,

саҳобалари у кишини одамларнинг сиқувидан ҳимоя қиласман, йўл очаман деб кимдир бировларни туртиб, четга суриб ранжитишлари мумкин эди. (Муслим: 1274)

- ❖ Ҳаж мавсуми давомида одамлар орасида, уларга яққол кўриниб юрганлари. Бу эса савол сўрашни ва ўзларидан намуна олишни ҳоҳлаган умматларига енгилликни ҳоҳлаганлари сабабли эди.
- ❖ Одамларга тоқатлари баробарида амал қилишга буюриб, ҳоҳ ибодатда бўлсин, ҳоҳ бошқа ишларда бўлсин уларга енгиллик қилганлари. (Абу Довуд: 1905)
- ❖ Ибодатларни адo қилиш ва ибодатгоҳлар орасида қатнаш асносида викор ва сакинатлик бўлишлари. Агарда шошилиб борсалар бу нарса кейинчалик одамларга анча машаққатни яратиб қўйиши табиий эди.
- ❖ Арафотдаги хутбаларини қисқа қилганлари.
- ❖ Тавофи қудумни қилганларидан кейин то Арафотдан қайтиб келмагунларича

тавоф қилмаганликлари (Бухорий: 1545) ва ташриқ кунларида Минодан чиқмай ибодат қилганлари. Фақат видолашиш вақти келгандагина тавофул видо учун Ҳарамга келганлари. Ваҳоланки, тавофнинг фазилати жуда улуғ эди. Шундай бўлса хам Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларига енгиллик бўлиши учун уларга путф айлаб шундай қилдилар. (Ибн Ҳазм: “Ҳажжатул вадоъ”: 124. Ибнул Қайим:“Зодул Маъод”: 2/310, 311. Ибн Касир: “Сийратун набавийя”: 4/404)

❖ Ҳар доим умматларига енгилликни ихтиёр қилганлари. Масалан, ўзлари билан қурбонлик олиб бормаган саҳобаларига – улардан Аллоҳ рози бўлсин – эхромдан чиқишига рухсат берганлари, Арафот билан Муздалифада намозларни қаср ва жамлаб ўқишини ихтиёр қилганлари ҳамда Минодаги намозларини қаср қилиб ўқиганлари. (Бухорий: 1656. Муслим: 1218)

❖ Минода турган саҳобаларига – улардан Аллоҳ рози бўлсин – турган жойларида қурбонлик сўйишига ижозат берганлари. Жобир розияллоҳу анҳудан

ривоят қилингандык ҳадисда айтиладыки: “мана шу ерда сўйдим. Минонинг ҳар жойи манҳар (қурбонлик сўйиладиган жой) дир. Турган ерингизда сўяверингиз” (Муслим: 1218) Шунингдек, тиқилинчда қийналишмасин деб аёлларга кун чиқишидан олдин тош отишга рухсат бердилар. (Бухорий: 1679)

❖ Ҳажни битирған одамларни тезроқ қайтишга буюрганликлари. Бу эса уларга ва уларнинг уйда қолган оиласалариға мушфикалик алмати эди. Чунки, сафар – бу азобнинг бир бўлгадидир. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалариға айтар эдиларки: **“кимда – ким ҳажни адo қилган бўлса, оиласига қайтишга шошилсин. Бунинг баробарига у катта савобга эга бўлади”**

(Ҳоким. “Мустадрак”: 1/650)

❖ Саҳобаларини – улардан Аллоҳ рози бўлсин – ўз жонларини аяшга буюрганликлари. Ҳориб – чарчаб, қурбонлик туяни ҳайдаб кетаётган кишига дедиларки: **“уни миниб ол”**. Ҳалиги одам “ахир бу қурбонлик – ку?!” деди. Яна **“миниб ол!”** дедилар. У одам яна “ахир бу

қурбонлик – ку?!” деди. Шунда, иккинчисида ё учинчисида Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам: “**“Эй, ҳолингга вой бўлгур, миниб ол деяпман!”** дедилар”.

(Бухорий: 1689)

Яна бир сафар айтдиларки: “**ҳадӣ (туя) ларни то бошқа улов топгунга қадар яхшилик билан** (урмай, сўкмай) **минаверинглар**” (Ибн Хиббон: 4010)

Жамаротга тош отилаётган чоғда эса одамларга мана бундай деб хитоб қилдилар: “**ҳой, одамлар! Бир – бирингизни ўлдириб қўйманглар! Бир – бирингизга азият етказманглар! Агар тош отсанглар, майда тош отинглар!**”

...Умар розияллоҳу анҳуга дедиларки:

“**Эй, Умар! Сиз бақувват одамсиз. Ҳажарул Асвад ёнида тиқилинчга кирманг. Заифларга озор бериб қўясиз. Фақат холиликни топсангиз гина силанг. Илло, таҳлил ва такбир айтиб, (қўлингизни) ўтиб қўйинг**” (Аҳмад: 190)

❖ Одамларнинг аҳволларини ва кўнгилларини риоя қилишлари. Масалан, юз туяни қурбонлик учун ҳайдаб келганларида у зотдан намуна олишни

ҳохлаган баъзи саҳобалари бундай қила олмасликларидан маҳзун бўлдилар. Шунда Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам агар бу нарса сизларга машаққат пайдо қилишини билганимда бундай қилмас эдим деган маънода сўзлаганлар. (Ибн Касир. “Сийратун набавийя”: 4/333)

Шунингдек, Саъб ибн Жассома розияллоҳу анҳу у кишига ёввойи эшак (зебра) нинг сон гўштини ҳадя қилганида **“мен эҳромдаман. Агар эҳромда бўлмаганимда ҳадянгизни рад қилмас эдим”** деб, узрнамо рад қилганлар.

Яна шунга ўхшаш воқеъя Абу Қатода ва унинг асҳоблари билан рўй берган эди. Яъни, улар эҳромдалик вақтда Абу Қатода бир ёввойи эшакни овлайди. Чунки, у эҳромда эмас эди. Аммо шериклари у гўштдан ейишга шубҳаланиб қоладилар ва Расууллоҳга масалани кўндаланг қиладилар. Шунда расуулллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“сизлардан ҳеч бирингиз буйруқ ёки ўлжага ишорат берганмиди?”** деб сўрайди. Улар “йўқ” дейишгач, расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“қолган гўштини ҳам еяверинглар”** деб рухсат берадилар. Яна бир ривоятда

айтилишича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи  
ва саллам улардан “*ўлжанинг гўштидан  
бирон нарса қолдими?*” деб сўрайдилар.  
“ҳа, оёғи қолган эди” дейишгач, уни  
оладилар ва тановул қиладилар. (Муслим:  
1196)

Ҳозирги асримизда эса, кўп  
ҳожиларимиз ҳаж ахкомларини  
билмайдилар. Чунки, уларнинг кўпчилиги  
ажам халқлари, аёллар, қарилар ва бошқа  
заиф одамлар. Яъни барчаси меҳрибонликга  
муҳтож одамлар. Уларга меҳр билан йўл  
кўрсатиш, таълим бериш, насиҳат қилиш  
лозим бўлади. Ҳеч иккиланмасдан уларга  
аралашиб, бирга яшаш ва керак бўлса  
хизматларида бўлиш лозимдир. Агар сиз  
Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва  
салламдан ўrnak оламан десангиз уларга  
эҳсон ва мулоямат қилинг, ғазабингизга  
молик бўлинг, пешонангизни  
тириштирганг ва қўполлик қилманг. Чунки,  
бу Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва  
салламдан мерос мулояматга зид нарсадир.  
Имом Термизийнинг “Жомеъларида” 2013 –  
рақам билан келган ҳадисда айтиладики:  
**“кимгаки мулоимликдан улуши берилган**

*бўлса, демак, яхшиликдан бир улуши бернибди. Кимки мулойимликдан улуши олмаган бўлса, демак у бир улуши яхшиликдан маҳрум бўлибди”*

**Хаж вақтида одамларга  
етакчиликчиларидағи бошқа  
аҳволлари.**

Бу ерда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаж вақтидаги муваффақиятли етакчиликларига катта таъсир қилган, одамлар билан бўлган муомаласига ҳусн бағишлаган ва уларнинг қабулиятларига сабаб бўлган бир неча ишлари борки, ҳозир улардан бир нечасига тўхталиб ўтмасак бўлмайди:

❖ Одамларни интизомга солишлари.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам Минода одамларни тартиблаб, интизомга солдилар ва улардан ҳар бирларини ўзларига муносиб жойларга туширдилар. Абдур Раҳмон ибн Муъоз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сахобаларидан бўлган бир

кишидан ривоят қилған ҳадисда айтадики: “Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам Минода одамларга хутба қилдилар ва уларни ўз манзилларига тушириб, “*муҳожирлар мана бу ерга түшсін*” деб, қибладан ўнг тарафға ишора қилдилар. Кейин “*ансорлар мана бу ерга түшсін*” дедилар ва қибладан чап тарафға ишора қилдилар. Кейин (дедилар:) “*бошқалар уларнинг атрофларига түшсінлар*”

(Абу Довуд: 1951)

Бошқа бир ривоятда мана бундай дейилади: “кейин муҳожирларни масжиднинг олди тарафига, ансорийларни эса, масжиднинг орқа тарафига тушишга буюрдилар. Улар масжиднинг олди ва орқа тарафига тушдилар. Улардан кейин бошқа одамлар тушдилар” (Абу Довуд: 1957)

Хозирги бизнинг замонимизда эса, ибодатлардаги ва ибодатгоҳлар орасида кўчиб юриш асносидағи жуда кўп мушкулотлар баъзи тоифаларнинг ўз шахсий манфаъатларини бошқаларидан юқори қўйиб, мунтазам қонунларга риоя қилмай қулай жойларни эгаллаб олишга интилишларидан келиб чиқади. Эй ҳожи

биродар! Сиз бу масалада интизомли бўлинг ва бошқа одамларга ўрнак бўлишга ҳаракат қилинг. Бошқа биродарларингизнинг манфаъатини ўз манфаъатингиздан юқори қўйишга тиришинг.

❖ Одамларга хизмат қилишга қизиктиришлари.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж вақтида одамларга хизмат қилганларни шиҷоатлантирап ва уларга баъзи бир имтиёзларни берар эдилар. Масалан, амакилари Аббос розияллоҳу анхуга Мино тунларида ҳам Маккада тунашга ижозат берганлар. Чунки, Аббос розияллоҳу анху сиқоят (одамларга сув улашиш) иши билан банд эди.

(Бухорий: 1734)

Шунингдек, сув тарқатувчиларнинг олдига келганларида уларга қараб: “амал қиласверинглар. Сизлар солиҳ амал қиласверинглар” дея шиҷоатлантирган эдилар.

Ҳозирги вақтларда ҳам Аллоҳ субҳонаҳу ва таъюлонинг фазли билан ҳожиларга

хизмат қилишда күчларини ва молларини, илмларини ва вақтларини аямаган ахлу фазллар чиқаяпти. Бунга муваффак қилган Аллоҳга шукр қилишимиз лозим. Бироқ, баъзи бир биродарларимиз бу хизматларнинг қадрини билмай, уларга табассум ила ташаккур изҳор қилиш ўрнига кўнгилни хира қиласидиган сўзларни айтишади.

Ҳожи биродарим! Сиз уларга Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “ким одамларга шукр қилишни билмаса, Аллоҳга ҳам шукр қилмайди” деган сўзларини мисол келтирсангиз ва нариги эҳсон қилганларни эса, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга ўхшаб хайрия ишларини давом эттиришга шижаотлантирсангиз ажиб иш бўларди ва бу далдангиз уларнинг қувватларига қувват ғайратларига ғайрат қўшган бўларди.

❖ Одамларнинг ҳуқуқларини риоя қилишлари.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқаларнинг ҳуқуқларини

сақлашга ва уларни ҳар турли заарлардан эҳтиёт қилишга ҳарис эдилар. Тубандаги воқеъалар ана шундай хислатларини ёритган ҳаёт лавҳаларидан баъзиларири:

— Минода Оиша онамиз салқинлаб ўтирадиган чодир тикишни таклиф қилғанларида, маъқуллик бермасдан “*Мино ким аввал келса, ўшанинг туя чўктирадиган жойидир*” дедилар.

(Термизий: 881)

— Одамларга замзам сувини тарқатиб юрадиган сикоятчиларга ёрдам беришга кўнгиллари чопса ҳам, агар уларнинг ёнига тушгудек бўлса, одамлар у зот атрофига тўпланишиб, сув тарқатувчиларга мashaқкат бўлиб қолишини андиша қилдилар ва уларга “агар сизларга мashaқкат бўлмаса эди албатта тушар эдим ва арқонни елкамга олар эдим” дедилар. (Бухорий: 1636)

Бугун эса...жуда қўп ҳожиларнинг хусусан, заифларнинг ҳукуқлари баъзи масъуллар, ҳожибошилар, Аллоҳдан уялмаган ҳожилар ва бошқа дунё бандалари ва золим одамлар тарафидан шу муборак ерларда ҳам оёқ ости қилинмоқда.

Ҳожи биродарим! Сиз ана шундай одамларга ўхшаб қолишдан эҳтиёт бўлинг!  
Агар қодир бўлсангиз уларга насиҳат ва иршод қилишга шошилинг!

❖ Ҳақиқатга журъатлиликлари.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга нечоғли мушфик – меҳрибон, ўта ҳаёли бўлишларига қарамасдан ҳақиқатни баён ва ижро қилишда ҳатто, баъзи одамларнинг ҳоҳишлирига хилоф бўлса ҳам журъатли эдилар. Бунга шоҳид бўладиган ҳаёт лавҳалари жуда кўп бўлиб, баъзилари мана булардир:

□ Фазл ибн Аббосни халойик олдида хасъамийялик аёлга қарашдан манъ қилганлари. Фазл такрор такрор қарап, одамлар кўп эди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Фазлнинг бўйнидан ушлаб, юзини бу томонга буриб қўйдилар. Шунда амакилари Аббос бунинг сабабини сўраб, “ё, Расулуллоҳ! Нега амакингиз ўғлини бошини бурдингиз?!” деганларида, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*қарасам, ёш йигит ва ёш қиз...*

**Шайтон эса уларни омон қўядиган эмас”**  
деб жавоб бердилар. (Термизий: 885)

- Завжалари Софийя ҳайз кўрганда, у ҳали нахр кунининг тавофини қилмаган бўлса керак деб ўйлаб, (қайтиб кетаётганларга) “*у сизларни кечиктиради деб ўйлайман*” дедилар. (Бухорий: 1772)
- Ҳали бақувват, ишга яроқли бир одам садақа сўраб келганида садақа бермаганлари.
- Кўпчилик сахобалари қурбонлик ҳайдаб келмаганлари сабабли, уларни эҳромдан чиқишига рухсат берган эдилар. Улар Расулуллоҳ ҳам биз каби бўлса деб рағбат қилиб қолдилар. Аммо, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг раъйига қарамай, эҳромларида қолдилар ва уларга қараб “*агар менинг қурбонликларим бўлмаганида, сизлар каби таҳаллул қилас* (эҳромдан чиқар) *эдим*” дедилар.

Ҳожи биродарим! Сиз ҳақиқатни таълим бераётганда, маъруфга буюриб, мункардан қайтараётганда ва баён, насиҳат,

тавжих қилаётганда ҳақ гапни айтишдан ҳаргиз тараддуудланманг! Зеро, тараддуудланиш ожизлик, Аллоҳдан уялмаслик белгисидир. Аллоҳ субҳонаху ва таъоло ҳеч қачон ҳақиқатни айтишдан ҳаё қилган эмас. Бас, сиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўрнак олинг. У зот “чимилдиқдаги келинлардан ҳам ҳаёлироқ” (Бухорий: 3562) бўлишларига қарамасдан, Аллоҳнинг ҳалоллари ҳаром, ҳаромлари ҳалол қилинганда қаттиқ ғазабланардилар ва ҳаттоки интиқом олардилар. Оиша онамиз айтадиларки: *“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳеч бир аёлларига ёки ҳеч бир ходимларига қўл кўтармаганлар. Магар, Аллоҳ йўлида жиҳод қилгандагина (Аллоҳнинг душманларига қўл кўтарганлар) Ўзларига етган озор учун ҳам озор етказувчидан ҳеч интиқом олмадилар. Магар, Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан биронтаси риоя қилинмай қолса, у ҳолда, улуғ ва буюк Аллоҳ учун интиқом олардилар”* (Бухорий: 3560)

## **Хато қилувчиларни койимасликлари**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бағри тош ва қўпол эмас эдилар. Ҳатто хато иш қилган сахобаларига ҳам – агар билмасдан қилган бўлса – мулоимлик билан таълим берар эдилар. Хато қилувчини сўкмасдан, жеркимасдан, камоли эҳтимом билан тўғрилаб қўярдилар. Бунга мисоллар жуда кўп бўлиб, баъзи бир лавҳалари тубандагилардир:

□ Сахобаларидан бири “Арафотга закарларимиздан ҳаром сув томчилаган ҳолда борамиз (шекилли)” деганида, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу гапни ким айтди деб текширмадилар аксинча, ўша жамоатни юпатиб, уларга фойдалироқ ишларга иршод қилдилар ва “*биласизларки, мен сизларнинг энг тақводорингиз, энг содикрогингиз ва энг яхшиларингизман.* Агар менинг ҳадйларим бўлмаса эди, сизларга ўхшиаб эҳромдан чиққан бўлардим. Бас сизлар эҳромдан чиқаверинглар. Агар кейинги ишларимни бошқадан бошлаганимда, ҳадйларни олиб келмаган бўлардим”

(Бухорий: 8367)

□ Хасъамийялик қизга ҳадеб қарайверган Фазл ибн Аббосга аёллар олдида қўполлик қилмай, бошини астагина буриб қўйганлари. Ваҳоланки, Фазл Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам наҳй қилганларига қарамасдан қайта – қайта қарайверган эди. (Бухорий: 1513)

□ Чодирларида намоз ўқиб бўлгач, масжидга келганларида одамларнинг жамоат билан намоз ўқиётганларини қўриб, уларга қўшилиш ўрнига бир четда қараб турган икки кишини тавбих қилмай, аксинча, иқтидо қилсалар ўзларига яхши бўлишини ва бу намозлари нафл қаторига ҳисобланишини мулойимлик билан билдиганликлари.

□ Касб қилишга қудратли икки бақувват одам садақа сўраб келганида уларга қаттиқ гапирмай, бунинг ўрнига юмшоқлик билан тушунтириб, у икковлонни ўз ихтиёрлари билан садақа олишдан бош тортадиган қилганликлар.

(Абу Довуд: 1633)

Бу хусусиятлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ғоят даражада ҳалимликларидан ва донишмандликларидан дарак берар эди.

Ҳозирги толиби илмлар ва даъватчилар Пайғамбарона ҳалимликдан на қадар олислар!!! Уларнинг насиҳатлари – таҳқир, баёнлари – тавбих, таълимлари сўкишдан иборат бўлиб қолган!

Бундай ҳолда хато қилувчи ундан баттар ўжарланади, залолатига ундан баттар чўқади! Аксинча, бирон амал қилишдан ва улардан бирон масала сўрашдан юраклари зада бўлиб, аҳли илмдан узокроқ юришга ҳаракат қиласди. Уларни кўришни ҳам, улар билан сухбатлашишни ҳам ҳоҳламайди.

Улар учун – агар хатога кирганини сезса ҳам – ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамай, ҳоҳлаганини қилиб юришлик маъқул кўринади.

Эй, илм аҳллари! Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло кимга илм ато қилган бўлса, бас, Аллоҳдан тақво қилсин ва уни одамларга худди Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам каби мулоямат билан баён қилсин!

**Такаллуф (зўраки муомала) дан  
олисликлари.**

Ҳаж вақтида одамларга етакчилик қилишдаги Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга муваффақият олиб келган омиллардан энг кўзга ташлангани – бу оддийликлари, табиийликлари, чигаллик, такаллуфдан олисликлари ва ҳар бир нарсада очиқликлари... бир сўз билан айтганда, такаллуфсизликлари бўлса ажаб эмас. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаж вақтида одамларга етакчилик қилишдаги ҳолатларини тааммул қилган одамга маълум бўладики, одамларнинг ғояси аниқ–равшан белгиланган, етакчилик ҳадлари аниқ кўрсатилган, ибодатлар маълум, йўналишлар таниширилган ва борадиган жойлар ажойиб тарзда аниқланган эди. Бундай олий даражадаги ташкилотчилик Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг етакчилиги остидаги одамларни ҳар бир ишда онгли, басиратли қилиб қўйган эди. Улардан ҳар бири энди нима

қилишларини ва нимани қилмасликни яхши билиб турар эди.

Эй, ҳожи биродар! Агар сизни Аллоҳ субҳонаху ва таъоло ҳаж ишларидан бир ишга масъул қилиб қўйса, очик – ошкораликни лозим тутинг, такаллуфдан ва ишларни чигаллаштиришдан олис бўлинг!

### **Одамларга илиқ муомалалари.**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам юмшоқ табиатли, латофатли, ёруғ юзли, юраклари очик одам эдилар. Ҳеч ким у зотдан кўра сертабассумроқ кишини кўрмаган эди. Агар бир сўз сўзламоқчи бўлсалар асҳобларига мутойиба қилиб табассум билан сўзлар эдилар ва уларнинг қалбини ҳам чароғон қилардилар.

(Термизий. “Мухтасаруш шамойил”)

Ҳаж мавсуми давомида ҳам одамларга лутфан ҳазил – мутойиба билан илиқ муомала қилганлари ривоят қилинади. Шундай ривоятлардан бири Ибн Аббос розияллоҳу анхуга тааллуқлидир. У дейдики: “биз – Бану Абдул Мутталиб (қабиласи) нинг бир гурӯҳ болачалари

Муздалифада эшакларимизни миниб  
Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва  
салламнинг олдиларига келдик. У зот эса  
бизнинг сонларимизга шапатилаб, “*эй,  
ўғилчаларим, кун чиқмагунча тоши  
отманглар, хўпми*” дедилар”

(Ибн Можжа: 3025)

Демак, эй биродарим, ҳаж  
ибодатингиз вақтида одамлар билан илиқ  
муомалада бўлинг. Доимо юзингиз ёруғ,  
сўзингиз ширин, феълингиз мулойим  
бўлишига тиришинг. Шунда одамлар сизга  
иқбол қиласидар, уларнинг муҳаббатига  
сазовор бўласиз ва бу муомалангиз учун  
Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло сизга улуғ  
савобларни ато қиласидар!

### **Виқорлиликлари ва гўзал ҳайъатлари.**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам  
– ҳар доимгилик – ҳаж вақтларида ҳам гўзал  
ҳайъатли, чиройли келбатли,  
кўринишларига аҳамият берган ҳолда  
юрадилар. Ҳеч ким у кишидан гўзалроқ  
одамни кўрмас эди. Чунончи, соchlарини  
тарар, талbid қиласидар (махсус суюқлик билан  
қотирар) (Бухорий: 4397) эҳромдан ташқари

ва эхромга кираётган вақтда энг хушбүй атирлар билан хушбүйланар (Муслим: 1189), эхромга кираётганда (Термизий: 830) ва Маккага киришдан олдин ғусл қилар эдилар. (Муслим: 1259)

Шу билан биргаликда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам виқор, салобатлилик каби хислатлардан ҳам олис кетмас, нолойиқ сўз ва амаллардан ўзларини тийиб юрадилар. Бу эса одамларнинг муҳаббатини қозонишга, эътиборларини жалб қилишга сабаб бўларди. Худди мана шу сабабли, одамлар у зотни севар, қадрлар ва улуғлардилар. +орис ибн Амр ас Саҳмий розияллоҳу анхудан ривоят қилинган мана бу ҳадис бунга энг ёрқин далиллардан биридир. У айтади: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Минода ё Арафотда эканликларида олдиларига бордим. У кишини одамлар ўраб олган экан. ...кейин бадавийлар келишар ва у зотни кўргач “бу муборак юз” дейишар эди” (Абу Довуд: 1742)

Демак, эй биродар, сиз ҳам кўриниш – ҳайъатингизга эътибор беринг, доимо

виқорли, камсуқум бўлиб, ҳашаматни ёдингиздан чиқармай юринг. Ҳадеб кулаверманг, ҳазил – мутойибангиз ҳам меъёридан ошиб кетмасин. Бу нарсалар одамларниг қабулиятига сазовор бўлишингизга ва улар сизни намуна тутишларига сабаб бўлади.

Ҳаж ибодати мобайнида, одамларга етакчилик қилиш асносида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дан содир бўлган камолот намуналаридан баъзи бирлари мана шулардан иборатдир. Худди мана шу сифатлари у зотни одамлар қалбини забт этиб, муҳаббатларини қозонишга ва ишончларига сазовор бўлишга муваффақ қилгандир. Шундан кейин одамлар ўз ихтиёрлари билан у кишига итоат қилишга шошилдилар, бир – бирлари билан мусобақа қилишиб, тамомий ихлос ва рағбат билан амр–у фармонларини бажардилар, қайтарган нарсаларидан қайтдилар.

Динда имомлик – етакчилик қилишни ҳоҳлаган одамлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана шу

хислатларига, ҳолатларига қарасинлар! Шу нарсаны тушунмоқ керакки, Пайғамбарларнинг ахлоқидан намуна олмаганлар ва хусусан Пайғамбаримиз Мұхаммад саллаллоху алайхи ва салламнинг ахлоқий меросига эргашмаганлар ҳеч қачон одамларнинг қабулиятига сазовор бўла олмайдилар!

Учинчи фасл:

Ҳажда  
Расулуллоҳ  
саллаллоҳу алайҳи ва  
салламнинг оиласари  
билин бўлган  
аҳволлари.

## **Ҳаж вақтида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оила лари билан бўлган аҳволлари**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қариндош – уруғларини, хусусан оила аъзоларини энг кўп риоя қиласидиган, уларга энг кўп меҳрибонлик кўрсатадиган ва энг кўп яхшилик қиласидиган одам эдилар. У зот билан бирга муошарат қилган замондошларининг сифатлашларга биноан у зот “одамларнинг энг кўп яхшилик қилувчиси ва қариндошлиликни энг кўп уловчиси” эдилар. (Муслим: 1072)

Табиийки, энг кўп эҳтимомлари оила аъзоларига ва яқин қариндошларига қаратилар эди. Зоро, уларни яхшиликга даъват қиласар, хидоятга кириб, дўзах ўтидан омон қолишларига ҳарис бўлар эдилар. Масалан, Макқадаги Сафо тоғига чиқиб олиб уларни ширк балосидан огоҳлантириб:

*“Эй, Муҳаммаднинг қизи Фотима! Эй, Абдул Мутталибнинг қизи Софийя! Эй, Бану Абдул Мутталиб (авлодлари)! Менинг молимдан ҳоҳлаганингизни сўранг*

*аммо, Аллоҳ ҳузурида сизларга ҳеч қандай фойда еткизишга молик эмасман!”* деган эдилар. (Бухорий: 3884)

Ҳаж мавсуми давомида ҳам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оиласига эҳтимомлари, қариндошларига яхшиликлари бир неча суратларда ва ҳолатларда яққол кўринди. Бу хусусдаги тафсилотлар кўпайиб кетишидан олдин шу нарсани айтиб қўйиш керакки, у зотнинг оиласари бошқа одамларга қилган меҳрибонликларда шерик бўлишдан ташқари ўзларига хос бўлган эҳтимомга ҳам мушарраф бўлганлар.

Бунга мисол тариқасида Оиша онамизнинг Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга “мен эшиздимки, саҳобаларингизга айтганингизни айтибсиз у – аммо, уларни умрадан манъ қилиб қўйибсиз” деган сўзлирини келтирса бўлади. Бу ортиқча эҳтимом у зотнинг оиласари ҳар доим у киши билан бирга бўлганликлари сабаблидир. Зотан, жуда кўп ҳаж аҳкомлари оиласари тарафидан ривоят қилинганлиги аниқ. Шунинг учун Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам оиласарига ва яқин қариндошларига ўзгача

аҳамият қилардилар. Тубанда ўшандай лавҳалардан бир нечасини келтирамиз:

### **Уларга ибодат ҳукмларини таълим берганлари.**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳлу байтларига, ибодатлари саҳиҳ бўлиши учун ҳаж аҳкомларини таълим беришликга катта аҳамият берардилар. Жумладан:

- Умму Салама айтадиларки: “мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “*эй, Муҳаммад оиласи! Ҳаж (оилари) да умрага эхром боғланглар!*” деганларини эшитдим”  
(Аҳмад: 26590)
- Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша онамиз Байтуллоҳни тавоғ қилишдан илгари ҳайз кўрган вақтларида айтганларки: “*ҳожилар нима қилса – шуни қилавер, фақат тавоғ қилма*” (Муслим: 1211)
- Муздалифа кечасида Абдул Мутталиб кабиласининг болачаларига дедиларки: “*то қуёши чиқмагунча тош отманглар, хўпми?*” (Термизий: 893)

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам оилаларига ибодатларни бевосита ўргатиш билангина чекланиб қолмасдан, улар билан сұхбатлашар ва саволларига жавоб берар эдилар. Масалан, Ҳафса онамиздан ривоят қилинган ҳадисда айтиладики: “Пайғамбар саллаллоху алайхи ва саллам ҳажжатул вадоъ өчінде завжалаарини эхромдан чиқишига буюрдилар. Шунда у (Ҳафса онамиз) “үзингиз – чи?” деб сўрадилар. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам эса: **“мен сочимни талбиd қилдим (қотирдим) ва ҳадий (туяларим) га мунчоқ осдим. Энди то қурбонлик қилмагунимча эхромдан чиқмайман”** дедилар. (Бухорий: 4397)

Алий розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда у киши айтади: “Аббос “ё, Расулуллох! Нега амакингизни ўғлининг бошини буриб қўйдингиз?” деб сўраганида, Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: **“қарасам, ёш йигит ва ёш қиз. Шайтон эса уларга омонлик бермайдиган”** деб жавоб бердилар. (Термизий: 885)

Бизнинг ҳозирги давримизда эса, одамларга тушунтирувчи муаллимларнинг

жуда камлиги сабабли, ҳаж давомидаги ибодат мақсадларига ва аҳкомларига нисбатан нодонлик омма орасида теран томир отмоқда. Ҳа. Минг афсуслар бўлсинки, ўз халқлари, ўз оиласидан ҳаж ибодатларини ва аҳкомларини ҳаж амаллари бошланмасдан илгари тушунтирганлар ва ҳожи бўлмишларнинг саволларига жавоб бериб, мушкулларини осон қилганлар жуда камдир.

Бас, сиз эй биродарим, мана шу кам аммо, фазилатли гуруҳ жумласидан бўлишга тиришинг. Буларнинг бу таълимий амаллари уларни роббилари олдида баланд мартабаларга кўтаргай ва яхши одамлар сафиға қўшгай! Чунончи, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **“сизларнинг энг яхшиларингиз ўз оиласига яхшилик қилгувчиларингиздир. Мен эса сизларнинг орангизда ўз оиласига эн кўп яхшилик қилгувчиларингиздирман”**

(Термизий: 3895)

Хуллас, ишларни тўғри амалга оширинг. Зотан, сиз ўз аҳлингиздан масъулдирсиз. Сиз гўёки уларга чўпон кабисиз. Ваҳоланки, Расулуллоҳ саллаллоҳу

алайҳи ва саллам айтганларидек:  
*“сизларнинг ҳар бирингиз чўпон кабисиз ва ўз “қўйларингиздан” масъулдирсиз. Бас киши ўз оиласига чўпондир ва улардан масъулдир”* (Бухорий: 2553)

Сиз учун бу соҳада Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шахсиятларида катта намуна борлигини унутманг. У зот одамларни огоҳланнириш ва уларга таълим беришдан илгари ўз аҳлини огоҳлантириб, ўз ахлига таълим бергандир.

Чунки, Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло:

{وَأَنذرْ عَشِيرَتَكَ أَلَا فَرَبِّينَ}

**“Энг яқин қариндошларингизни огоҳлантиринг!”**

дея фармон берган эди. (Шуъаро: 214)

**Ҳаж сафарига чиқмасдан олдин оила аъзоларини ҳажга тайёрлашликлари.**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж сафарига чиқишидан олдин аҳли оилаларини ҳаж ташвишлари билан машғул қиласидилар. Жумладан Оиша онамизнинг

мана бу гаплари бунинг тасдиғи кабидир:  
“мен Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва  
салламнинг ҳадӣ (түя) лари учун, у киши  
эҳромга киришларидан олдин мунчоқ  
йигириб берар эдим” (Бухорий: 1704)

Сиз ҳам муҳтарам биродар, Расулуллоҳ  
саллаллоҳу алайҳи ва салламга иқтидо  
қиласроқ, ўзингизни ва ахли байтингизни  
ҳаж ибодатларига одиндан тайёрланг. Ва  
ҳаж ибодатини мақсад қилиб, аҳкомларини  
ўрганиб ва ўргатиб, фазилатларини,  
савобларини, одобларини билиб ва  
билдириб, машаққатларини тасаввур қилиб,  
матлабларига тайёргарлик кўриб  
ўзингизнинг ва уларнинг қалбларини сафар  
қилишдан илгари муборак манзилларга  
боғланг ва сафар қилишдан илгари  
мусоғирга нима лозим бўлса барчасини  
қилинг. Албатта, бу ҳажнинг тўғри ва яхши  
адо бўлиши учун фойдалидир.

**Ахли байтингизнинг зиммаларидаги возибни  
адо қилишларига ҳарисликлари.**

Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло Ўз байтига ҳаж  
қилишни ҳар бир қодир одамга фарз қилиб:

{ وَلَّهُ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنْ أُسْتَطَعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا }

**“Одамлар зиммасига Аллох учун  
Байтуллоҳга ҳаж қилишлик, йўлига  
қодир бўлганлар учун (фарз қилинди)”**  
дегандир. (Оли Имрон: 97)

Демак, қодир одамлар устидаги ҳаж қилиш вазифаси ҳажга бориш билангина адо бўлади.

Энди, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратларига яхшилаб назар ташлаган одам у зотнинг ўз аҳли оиласини устидаги зиммаларидан фориғ қилишга жиддий аҳамият қилганларининг гувоҳи бўлади. Бунга далолат қилган воқеъалар жуда кўп бўлиб, тубанда баъзи бирларини мисол келтирамиз:

- Ҳаж сафарига ўзлари билан барча – тўққизта завжаларини олиб чиққанлари.  
(Абу Довуд: 1722)
- Завжаларидан бошқа баъзи бир оила аъзоларини (кичкина болаларни) ҳам олиб чиққанлари.  
(Бухорий: 1678)

- Ахли байтларидан касал бўлганларини ҳам ҳаж ибодатини тезроқ адо қилишга тарғиб қилганлари.

Масалан, касал ҳолда ётган амакиларининг қизи Зубоға бинти Зубайрнинг олдига кириб: “*Эй, амма жон! Сизни ҳаждан нима ушилаб турибди?!*” деганлари. Шунда у “мен касалман. Бирор жойда қолиб (етолмай) қоламанми деб қўрқаман” деганларида, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Эҳром боғлайверинг. Фақат “эҳромдан чиқадиган ўрним – ушланиб қолган жойим” деб шарт қилинг*” дедилар”

(Бухорий: 5089)

Бугун эса, қанчадан – қанча кекса, аммо ҳаж йўлига қодир аёллар ва эркаклар Аллоҳнинг фарзини адо қилмаяптилар! Биродарим! Агар сизни Аллоҳ мувваффақ қилса, уларга яхшилик қилиб, ҳажга олиб боришга тиришинг. Албатта, баъзи бир фалокатлар тўсқин бўлиши мумкин. Аммо, дунёда ҳеч бир одам биргина ҳолатда событ қолмайди. Шунинг учун Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам имкони борича ҳаж ибодатини адо қилишга шошилтирганлар ва деганларки: “*Кимда –*

*ким ҳаж қилишини ҳохласа шошилсин!  
Соглом касал бўлар, бор нарса йўқолар ва  
(ҳажса) монеълик чиқар”*

(Ибн Можжа: 2883)

Бошқа бир ривоятда эса “ҳажса шошилинглар! Сизлардан бирингиз (эртага) нимага йўлиқишини билмайди” деганлар. (Муслим: 1336)

Сиз эса, биродарим, қариндошингизни ёки аҳли оиласигизни ҳажга олиб келиш билан катта савобга эга бўлгайсиз. Чунки, ўзининг чақалогини Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам га кўрсатиб “мана шунга ҳам ҳаж бўлаверадими?” деган аёлга у зот “ҳа. Сенга эса савоб бўлади” деб жавоб берганлар. Балки сизга кўпроқ савоб бўлади. Чунки, сиз каттагина аҳли оиласигизни олиб келаяпсиз.

### **Аҳлу оиласарини яхшиликга шижоатлантирганлари.**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳлу оиласарини – барчаларидан Аллоҳ рози бўлсин – итоатга ва хайрот

ишиларга шижаатлантираар эдилар. Масалан, бир куни Замзам қудуғидан (арқон билан) сув тортиб, ҳожиларни суғораётган амакиваччалари ёнидан ўтиб қолдилар ва уларга: “*ҳа, тортинглар, эй Бану Абдул Мутталиб! Агар одамлар (күпайиб,) сизларнинг сугоришиларингизга голиб келиб қолмаса, мен ҳам сизлар билан бирга тортар эдим*” деб хитоб қилдилар. (Муслим: 1218) Яна бир ривоятда эса “*ишилайверинглар! Сизлар солиҳ иши устидасизлар!* Агар одамлар сиқоятингизни олиб қўйишидан қўрқмасам эди, мен ҳам (олдингизга) тушиб, арқонни мана бу ерга (елкаларига ишора қилиб) қўяр эдим!” деганлар.

(Бухорий: 1636)

Яна Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ахли байтларига ишиларини енгиллатиб берардилар. Масалан, ҳожиларни суғориш амали билан машғул бўлган амакилари Аббосга ташриқ тунларида ҳам Маккада тунашга руҳсат берганлар. (Бухорий: 1745)

Ҳаж бу – эҳсон эшиги ва яхши амаллар мавсумидир. Чунки, у кунларда мискинлар

ва заифлар кўп бўлади. Агар сиз савобларингиз бир неча баробар кўп бўлишини ҳоҳласангиз, бошқа одамнинг амали (га сабабчи бўлиш) сабабли мезонингиз оғир келишини ҳоҳласангиз ва ҳожиларга эҳсон қилиб, ахлу байтингизни Аллоҳга яқин қилувчи ишларга тарбияламоқчи бўлсангиз, унда уларни яхши амалларга бошланг, кўрсатинг, енгил қилиб беринг ва муҳтоҷларга эҳсон қилишга уларни шиҷоатлантиринг. Зоро, бу соҳада Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мана бундай иршодлар қилганлар:

*“Кимда – ким бир яхши амалга бошласа, у кишига эргашганларнинг савобича савоб бўлади. Аммо, бу билан эргашганларнинг савоби ҳам озайиб қолмайди”* (Муслим: 2673)

*“Кимда – ким бир яхшиликга далолат қилса, унга ўша яхшиликни қилган одамнинг савоби каби савоб бўлар”*  
(Муслим: 1893)

*“Албатта, яхшиликга далолат қилувчи уни амалга оширган кабидир”*  
(Термизий: 2670)

Аммо, ахли байтингизни ҳаргиз залолатга тарғиб, гуноҳларга тавсия қилманг ҳамда уларга мункар ишларни енгил қилиб берманг! Бундан сизни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам огоҳлантирганлар ва деганларки: “*кимда – ким бир залолатга бошласа, унга эргашганларнинг гуноҳи каби гуноҳ бўлар. Бу билан эргашганларнинг гуноҳи камайиб қолмас*” (Муслим: 2674)

### **Ахлу байтларидан ёрдам сўрашлари.**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи ишларида ахли байтларидан ёрдам сўрадилар. Бунга мисоллар жуда кўп. Баъзилари тубандагилардир:

- Мадинайи мунааварада эканликларида, эҳромга кириш олдидан Оиша онамизга жун йигириб, ҳадйлари учун мунчоқ тўқиб бериш вазифасини юкладилар.
- Ибн Аббос айтади: “Ақоба тонгида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам туяларининг устида турганлари ҳолда менга “*майда тошлиардан териб бер*”

дедилар. Мен етти дона майда тош териб бердим” (Иbn Можжа: 3029)

- Алий розияллоху анхуга қолган қурбонликларини сўйишни топширдилар ва ундан кейин ўзининг қурбонлигини сўйишга, ундан кейин эса, қурбонликларнинг гўшти, териси ва эгар-жабдуқларини одамларга садақа қилишни буюрдилар.
- Амакилари Аббос розияллоху анхудан сув сўраганлари. Улар (Бану Абдул Мутталиб қабиласи) Замзам қудуғидан сув тортаётганда олдиларига Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам келдилар ва амакилари Аббосга “*сувдан беринг*” дедилар ва сув ичдилар. (Бухорий: 1635) яна бир ривоятда Аббос розияллоху анху айтадилар: мен “Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламга Замзам сувидан ичиредим. У зот сувни тик турган ҳолларида ичдилар” (Бухорий: 1637)
- Эҳромга кираётган вақтларида ва эҳромдан чиққанларидан кейин Оиша онамиз “зарира” деган ҳинд атири билан баданларини ва бошларини

хушбўйлантириб қўярдилар. Зеро бу атир Оиша онамиз топган энг хушбўй атир эди. Оиша онамиз қўлларини ёйган ҳолда айтар эдиларки: “мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни эҳромга кирғанларида ва эҳромдан чиқиб, тавоғ қилмоқчи бўлганларида мана шу қўлларим билан хушбўйлантириб қўярдим” (Бухорий: 1754)

Эй, яқинига аҳамият қилмай, ёрдамчини олисдан излаган инсон! Яқинларидан ёрдам сўраш – бу Пайғамбарларнинг суннатидаир. Мана Мусо алайҳиссаломга қаранг. Роббисига нима деб ёлбораяптилар:

(وَأْجُلْ لِي وَزِيرًا مِنْ أَهْلِي \* هَارُونَ أَخِي \* أَشْدُدْ بِهِ أَزْرِي  
 \* وَأَشْرَكْهُ فِي أَمْرِي \* كَيْ سُبْحَانَ كَثِيرًا \* وَنَذْكُرْكَ كَثِيرًا \*  
 إِنَّكَ كُنْتَ بِنَا بَصِيرًا \* قَالَ قَدْ أُوتِيتَ سُولْكَ يَمُوسَى)

“(Эй, роббим!) менга ўз аҳлимдан – оғам Ҳорунни вазир қилиб бер! Сенга (биргаликда) кўп тасбеҳлар айтиб, Сени кўп зикр қилишимиз учун у билан менинг белимни қувватлантириб! Уни менга шерик қил! Албатта, Ўзинг бизни кўриб тургувчисан!” (Тоҳа: 29-34)

Мана Лут алайхиссалом. У ўзидан қавмининг азиятларини даф қилишга ожиз қолиб, ҳимоя қиласиган бир қариндоши бўлишини орзу қилди ва дедики:

{قَالَ لَوْ أَنَّ لِي بَعْضُ فُؤَادِيْ أَوْ آوِي إِلَى رُكْنٍ شَدِيدٍ}

**“Оҳ, қани эди сизларга менинг қувватим етсайди ёки бир мустаҳкам таянчга (қариндош – уруғларга) таянсайдим...”** (Худ: 80)

Бу нарса (қариндошлийк асосида ўзаро ёрдамлашиш) инсон табиатига мувофиқ ва бу билан ишлар тез амалга ошади, мақсадларга тез етилади. Аммо, қариндошлийкга аҳамият бермаслик ва ҳар бир яхшиликда улар билан ўзаро ёрдамлашиш баракасидан маҳрум бўлиш сабабли манфаатлар зоеъ бўлади ва бу номақул шга чақиравчининг ўзи ҳам кўп яхшиликдан маҳрум бўлади.

### **Аҳлу оиласарини фитнадан ҳимоя қилишлари.**

Фитна – бу қалбларни бузувчи, ақлларни адаштирувчи нарсадир. Айниқса,

эркак ва аёллар кўп миқдорда тўпланадиган мажмуаларда фитна, хусусан, аёллар фитнаси ҳосил бўлишига қулай шарт тузилади. Шунинг учун Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж вақтида ўзларининг ахлу аёлларидан хавотир олардилар ва уларни фитнадан ҳимоя қилишга ҳарис бўлардилар. Бундай ҳолатлар у зотнинг ҳаётида жуда кўп бўлган. Тубанда баъзи лавҳаларни эътиборингизга ҳавола қиласиз:

□ Хасъамийялик қизга қараётган Фазл ибн Аббоснинг бошини буриб қўйишлари. Чунки ҳар иккаласининг қалбини Шайтон фитналантириб қўйишидан хавотирга тушган эдилар. Али розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда айтадиларки: “...кейин Аббос “ё, Расулуллоҳ! Нега амакингиз ўғлининг бошини буриб қўйдингиз?” деганида, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам “*қарасам, бир ёши йигит ва бир ёши қиз. Бас иккисига ҳам шайтон омонлик бергудек эмас...*” деб жавоб бердилар. (Термизий: 885)

□ Аёллари у зотнинг ҳузурида ва эхромда бўлганларига қарамасдан, агар бегона эркаклар ўтиб қолсалар, юзларига чимматларини ташлаб олардилар. Бас, қачон эркаклар ўтиб кетгач, қайтадан очиб олардилар.

□ Эркаклар билан бирга тавоф қилишларига қарамасдан, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳлу байтидаги аёлларни эркаклар билан аралашиб юришдан ман қилардилар. Масалан, Умму Салама разияллоҳу анҳо касалликларидан шикоят қилганларида, *“туянгизга минган ҳолда одамларнинг орқасидан тавоф қилинг”* деб тавжих қилганлар. Яна бир ривоятда эса, *“қачон, бомдод намозига қомат айтилганда одамлар намоз ўқийдилар сиз эса, туянгизга мининг да, тавоф қилаверинг”* деганлар. (Бухорий: 1626) Ибн Журайж ҳам худди шу маънодаги ҳадисни тубандагича ривоят қиласди: “Ибн Ҳишом аёлларни эркаклар билан бирга тавоф қилишини манъ қилганда, Атоъ менга хабар бериб айтдики: “қандай манъ қиласди?! Ахир Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари

ҳам эркаклар билан бирга тавоф қилғанлар – ку?!” Ўшанда мен ундан “ҳижоб (фарз бўлиши) дан олдинми, кейинми?” деб сўрадим. У “ҳа. Умримга қасамки, ҳижобдан кейин кўрган эдим” деди. Мен яна “қандоқ қилиб эркакларга аралашиб қолсин?!” деб сўрадим. У “йўқ, аралашмаганлар. Оиша разияллоҳу анҳо эса, одамлардан холироқ жойда тавоф қилдилар ва уларга ҳеч аралашмадилар. Шунда бир аёл “эй, мўминларнинг онаси, келинг (Ҳажарул Асвадни) силаймиз” деганида, Оиша онамиз “тўхтат, гапингни!” деб, унамадилар. Улар (Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллат завжалари) кечаси чиқиб, одамлар билан (аммо, сиқилиб аралашмасдан) тавоф қилардилар. Аммо, Каъба (нинг ичи) га кирсалар, то одамлар чиқарилиб юборилмагунча кутиб турардилар. Мен Оиша (разияллоҳу анҳо) га Сабийр водийсида яшаб турганларида Убайд ибн Умайр билан келдим ва (Убайддан) “ҳижоблари қандай экан?” деб сўрадим. У “атрофи ўралган туркий чодирнинг ичида эканлар, Биз билан унинг (Оишанинг) орасида ундан бошқа нарса йўқ эди. Эгниларида эса қизил кўйлак бор эди ”

деб жавоб берди. (Бухорий: 1618) Яна бир ривоятда “эгниларида қирмизи күйлакни күрдим. Мен унда ёш бола эдим” дейилади. (Абдурраззок: 9018)

□ Яна бир сафар Оиша онамиз Байтуллоҳни етти карра тавоғ қилиб, Ҳажарул Асвадни икки ёки уч марта силаган жориясини “эй, Аллоҳ ёрлақамагур, эй, Аллоҳ ёрлақамагур! Эркаклар билан суришдингми?! Такбир айтиб ўтиб кетавермасмидинг!” деб мазаммат қилганлар. (Байҳақий. “Сунанул кубро”: 5/81) Зеро у киши Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжалари бўлгани ва доимо бирга бўлганлари сабабли, факат Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрган нарсани буюрар ва факат у зот қайтарган нарсадангина қайтарар эдилар.

□ Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам завжаларига тавоғ маҳалидаги рамал (аввалги уч шавтни енгил югуриб айланиш) ни ва Сафо Марва орасидаги Батнул Масийлда югуришни шаръян буюрмадилар. Оиша онамиз айтганларки: “эй, аёллар! Сизлар Байтуллоҳда рамал қилманглар! Биздан намуну олинглар” Яна

бир ривоятда эса: “сизлар учун бизда намуна йўқми?! Сизлар Байтуллоҳда рамал ҳам қилмайсизлар, Сафо Марвада ҳам югурмайсизлар” деганлар.

(Ибн Абу Шайба. “Мусаннаф”: 12951)

□ Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари билан бирга ҳаж қилиб, Мадинага қайтиб борган завжаларини уйдан чиқмай ўтиришликга буюрдилар. Зотан, ҳажжатул вадоъда уларга айтдиларки: “*мана шундан кейин уйда ўтирасизлар*” (Абу Довуд: 1721)

Ҳаж пайтидаги тиқилинчларда баъзи бир иймони заиф одамлар мункар ишлардан ўзларини тўхтатмайдилар. Демак, ҳар бир тақводор эркак ўз аҳли аёлларига аҳамият бериб, уларни муҳофаза қилиши, Аллоҳдан уялмаган каслардан ҳимоялаши ва бу муборак жойларда уларнинг қадр – қимматини баланд кўтариб юриши зарурдир. Зарурияти шу даражадаки, агар уларни муҳофаза қилиш асносида баъзи мустаҳаб ибодатлар тарқ бўлиб қолса ҳам, буни муқаддам қилиш лозим. Чунки, зарарни тўсиш манфаат олиб келувчи

нарсадан муқаддамдир. Оталар, акалар, эрлар ва бошқа волийлар бу нарсаны тамомий әхтимом билан адo этсинлар! Зеро, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки: “*Аллоҳ қайси бир одамнинг қўл остига бир раийятни берган бўлса ва одам ўз раийатига хиёнат қилган (ҳимоя қилмаган) ҳолда ўлса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилгай!*” (Муслим: 142)

### **Аҳлу байтларини мункардан қайтарганиклари.**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳли байтларини гуноҳ—у маъсиятлардан поклашга, ҳар хил мункаротлардан саклашга ҳарис эдилар. Қачон улардан биронтаси мункар амалга қадам қўйгудек бўлса, дарҳол қатарар эдилар. Тубанда ана шундай ҳаёт лавҳаларидан баъзиларини келтирамиз:

- Хусъамийялик аёлга қараган амакиваччалири Фазл ибн Аббоснинг бошини муборк қўллари билан буриб қўйганлари. (Бухорий: 1513)

□ Яна ўша Фазлнинг ўтиб кетаётган аёлларга қараганини инкор қилганлари.

(Муслим: 1218)

□ Мункардан қайтишда ўз аҳли байтларини намуна ва мисол қиласроқ, ўзларидан бошлаганликлари.

Масалан, Арафотда, одамлар орасида хитоб қилганларидаги мана бу гаплари:

*“Огоҳ бўлингларки, жоҳилият ишларининг ҳаммаси менинг қадамим остидадир! Жоҳилиятнинг қони ҳам бекордир! Бизнинг (Бану Абду Манофнинг) қонидан мен бекор қилган аввалги қон Ибн Робийъа ибн Ҳориснинг қони эди. Унинг сут онаси Бану Саъд (қабиласи) дан эди. Кейин уни Ҳузайл ўлдирган. Жоҳилиятнинг судхўрлиги ҳам бекордир! Биздаги судхўрликдан мен энг аввал бекор қилганим Аббос ибн Абдул Мутталибининг судхўрлигидир. Бас, у ҳам бекордир, барчаси!”*

Ҳозирги вақтда – чи? Ҳаж мавсуми давомида баъзи бир тоифалар орасида жуда кўп ишлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўрсатмаларига хилоф равишда, хатто, ҳажни бузадиган,

комиллигига зиён еткизадиган даражада содир этилмоқда! Бўлаётган мункар ишларнинг эса сон – саноғи йўқ! Айниқса, очиқ юришлар, эркаклар билан қўпол равишда аралашишлар каби аёллар тарафидан содир қилинаётган мункар ишлар жуда ҳам кўп учрайдиган бўлди!

Бас, ўз зиммасидаги амонатни вожиб бўлганидек адо этиб, аҳлу аёлини мана шу каби мункардан ҳимоя қилган ва уларни барча маъруфга буюриб, барча мункарлардан қайтарган бандага Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло раҳм қилган бўлсин!

### **Ахли байтларига меҳрибонликлари ва улардан машаққатни енгиллатишлиари.**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж давомида аҳлу оиласига жуда меҳрибон, заиф ва заифаларига мушфик бўлиб, ҳар доим улар учун машаққатларни енгиллатиб берардилар. Бунга мисоллар жуда ҳам кўп бўлиб, баъзилари мана булардир:

- Завжаларига енгилликни ихтиёр қилганлари ва шунга буюрганлари.

Бунинг далили Ҳафса онамиздан ривоят қилинган мана бу ҳадисдир: “Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам ҳажжатул вадъ йилида аёлларига эхромдан чиқишни буюрдилар” (Бухорий: 4398)

- Касал ҳолда ётган Зубоға бинти Зубайрнинг олдига кирғанларида, унга меҳр билан “*ҳаже қиласеринг, фақат “эй, Аллоҳим! Менинг эхромдан чиқадиган ўрним мени ушлаб қолган жойингдир” деб шарт қилинг*” деганлари. (Бухорий: 5089)
- Муздалифадан чиқишида аҳли байтининг орасидаги заифларини одамлардан олдин чиқарип юборгандар. Бу ҳакда Фазл ибн Аббос мана бундай деганлар: “Пайғамбар саллаллоху алайҳи ва саллам Бану Ҳошимнинг орасидаги заифларга Муздалифадан кечаси чиқиб кетишини амр қилдилар” (Насоий: 3034)
- Оиша онамизнинг мана бу сўзлари:

“Биз Муздалифага тушганда, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламдан Савда

(онамиз) одамлар талотўп бўлишидан олдин чиқиб кетишга изн сўради. Чунки, у секин юрадиган аёл эди. Бас, изн бердилар. Кейин одамларнинг талотўпидан илгари чиқиб кетди. Биз эса, то тонггача турдик. Кейин Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга чиқиб кетдик” (Бухорий: 1681)

Иbn Шавволнинг айтишича, у Умму Ҳабиба разияллоҳу анҳонинг олдиларига кирганида, унга Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларини Муздалифадан тонг отмасдан илгари чиқариб юборганини айтибдилар. (Муслим: 1292)

- Завжалари Умму Салама разияллоҳу анҳо касаллигидан шикоят қилганларида, унга қараб: “*уловга минган ҳолингизда, одамларнинг орқасидан тавоғ қилаверинг*” деганлари.
- Амакилари Аббос ибн Абдул Мутталибга, одамларни суғориш билан машғул бўлганлари сабабли, Мино (ташриқ) тунларида ҳам Маккада тунашга изн берганлари. (Бухорий: 1634)

Агар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ҳаж қилган одамларнинг сони ҳозирги даврдаги ҳожилар сонига нисбатан жуда оз бўлгани билан, улар бу умматнинг энг тақводорлари, энг меҳрибонлари ва энг викорлилари эдилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ўз аҳлу аёлларига ана шундай меҳр кўрсатдилар ва ғоят даражада енгиллик яратиб бердилар.

Ҳозирги замонда эса, қарилар, аёллар ва болалардан иборат аҳолининг меҳр – шафқатга муҳтожлиги янада баландроқдир. Чунки, уларнинг сони қанчалик кўп бўлса, жаҳолот ҳам шунчалик шоєъдир. Байтуллоҳни ҳаж қилаётган одамларнинг жуда кўпларининг Аллоҳдан тақволари заифдир, бошқаларга меҳрлари йўқ даражададир! Эй, биродарим! Сиз аҳлингиз борасида Аллоҳдан тақво қилинг ва уларга шариат аҳкомларидан четлашмаган ҳолда енгиллик яратиб беришга тиришинг. Албатта, бу нарса сиз учун хайрли ва кўпдан – кўп савоблидир.

### **Ахлу аёлларига сабрлиликлари.**

Ҳаж ибодатлари мобайнида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўз аҳли байтига сабр қилганларини исботлаш учун кўп уринишнинг, теран фикрлар билан тадқиқ қилишнинг ҳожати йўқдир. Дарҳақиқат, ҳазратлари уларга бир вақтнинг ўзида ҳам муаллим ҳам ҳолатларини бошқарувчи қоид эдилар. У зотнинг аҳли байтлари орасида завжалари Савда разияллоҳу анҳо сингари оғиркарвон ва кексалари (Бухорий: 1681), Зубоъа, Умму Салама сингари bemorлари бор эди. (Бухорий: 464) Шу билан биргаликда қизлари Фотима ва бошқа барча завжаларидан иборат аёллар жамоаси, Бану Абдул Мутталиб ва Бану Ҳошимнинг майда – чуйда болачалари ҳам бор эди. (Муслим: 1218. “Зодул маъод”: 2/106. Аҳмад: 3513)

Ҳа. Сабрда ва ахлига тоқатли бўлишда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бемисл эдилар. Зеро, ахлларига муаллимлик, меҳрибонлик, ҳам эҳсон – у инфоқ қиласидилар. Шунингдек, уларни риоя қиласар, юпатар, ширинсуханлик ва лутф қиласар, ҳуқуқларини сақлар,

яхшиликларга шижаатлантира, ҳолатларини ажойиб тарзда тадбир қилас... хуллас барча ишларни қойилмақом қилиб ижро қилас эдилар. Бинобарин, мана шунча ташвишли ишларни бирон марта ҳам пешоналарини тириштирмасдан, тишларини ғижирлатмасдан, ҳеч кимга миннат қилмасдан ва озор еткизмасдан очиқ чехра-ю бағрикенглик билан қиласылар.

Ё, Аллоҳ! Буюк нафсдан ва башарий улуғликдан содир бўлган бу муҳаммадий шамойил, бу қуръоний ахлоқ на қадар гўзалдир!

Ахлу оиласа сабр қилиш машақкатли вазифа ва буюк амалдир. Бунга буюк инсонларгина тоқат қила олади, бунинг юкини ҳақиқий эркакларгина кўтара олади. Чунки, кун сайин аралашишлик ва мудом бир жойда яшашлик натижасида қўпинча ўртадан ҳайбат ва салобат кўтарилади. Бундай ҳолда ишлар ўз меъёрида кетиши учун киши яна бир неча баробар кўпроқ сабр –тоқатга муҳтож бўлади. Айниқса,

мана бу мاشаққатли ва одамлар қўпайган ҳаж мавсумида.

Шундай қилиб, кимда – ким охиратдан умид қилиб, ажр – у савоб истаса, оиласига, болаларига ва қариндошларига нисбатан сабрни лозим тутсин ва тубандаги оятда айтилгани каби сабрли бошлиқлардан бўлсин:

وَجَعَلْنَا مِنْهُمْ أَئِمَّةً يَهْدُونَ بِأَمْرِنَا لَمَّا صَبَرُوا وَكَانُوا بِآيَاتِنَا {  
يُوقِنُونَ}

**“Биз уларнинг орасидан сабр қилган вактларида Ўз амримизга (динимизга) ҳидоят қиласидиган имом етакчиларни чиқардик. Ва улар Бизнинг оятларимизга аниқ ишонадилар”**

(Сажда: 24)

Шунингдек, сабр – бу Аллоҳга севикли бўлишнинг ҳамда Аллоҳнинг ёрдами остида бўлишнинг йўлидир. Аллоҳ таъоло айтади:

وَاللَّهُ يُحِبُّ الصَّابِرِينَ {

**“Аллоҳ сабрлиларни севар!”**

(Оли Имрон: 146)

{إِنَّ اللَّهَ مَعَ الْصَّابِرِينَ}

**“Аллоҳ сабрлилар билан биргадир!”**  
(Бақара: 1530)

**Ахли байтларини риоя қилишлари ва  
овутишлари.**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳли байтининг қўнгилларини риоя қилас, агар уларнинг ҳоҳиши Аллоҳнинг ҳоҳишига зид бўлмаса, ҳоҳлаган нарсаларини бажаришга тиришар, борди – ю, ишлар улар ҳоҳлагандан бошқача бўлиб қолса, кўнгилларини қўтариб овутар эдилар. Бундай ҳолатларнинг энг кўзга ташланганроғи ҳаж мавсумида Оиша онамиз билан мана бундай бўлган эди: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам онамизнинг олдиларига кирсалар, йиғлаб турган эканлар. Чунки, ҳайз кўрганлари сабабли умра қила олмай қолган эдилар. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша онамизни юпатиб,

күнгилларини күтариб: “*зиёни йүқ. Ахир сен Одам (алаихиссалом) нинг қизларидан бирисан–ку. (Одамдан тарқаган аёл зотда бу нарса табиий–ку) Аллоҳ уларга берган нарсани (ҳайзни) сенга ҳам берган. Бас, ҳаҗингни давом эттиравер. Аллоҳ сенга уни (умрани) ҳам насиб қиласа ажаб эмас*” дедилар. (Бухорий: 1788) Ўшанда, Оиша онамиз “ё, Расулуллоҳ! Менинг соҳибаларим ҳаж ва умра қилиб қайтсалар, мен фақат ҳаж билан қайтаманми?!” деб ғамгин бўлғанларида, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (Оишанинг бир туғишгани) Абдураҳмон ибн Абу Бакрга буюрдилар ва у (синглисини) Тањимга (мийқотга) олиб боргач, талбия айтиб, умра учун эҳром боғладилар”

(Бухорий: 1561)

Во ажаб! Шу кунлардаги ҳаж мавсумида ўз оиласига Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам каби муомала қилган бирон – бир одам бормикин?!

Ҳозирги одамлар бу масалада ярмиси ҳаддан ташқари (ифрот) даражада бўлса, қолган ярмиси мутлақо бепарво (тафрит) даражасидадирлар.

Ифрот даражадагилари ахли оиласининг ҳоҳишини Аллоҳнинг ҳоҳишидан ҳам муқаддам қўйиб, уларнинг ҳоҳиши учун Аллоҳнинг ҳадларини бузадилар, ҳаромларини риоя қилмайдилар.

Тафрит даражадагилари эса, оиласи билан мутлақо бадхулқ муомала қиладилар. Оиласидагилар бир нарсани талаб қилса, берган жавоби юзини бужмайтириш ва пешонасини тириштиришдангина иборат бўлади. Уларнинг лугатида (тил бойлигида) “туҳфа”, “маслаҳат”, “юпатиш”, “кўнглини кўтариш” каби сўзлар бўлмайди. Оиласидагилари билан мулоқоти қўполлик билан буюриш–у, айтганини қистаб, тезроқ бажартиришдангина иборат бўлади. Улар “кутиб туринг”, “узрли сабаб билан айтганингиз бўлмай қолди” деган сўзларни тушунишни ҳам ҳоҳламайдилар.

Ваҳоланки, Аллоҳнинг дини ўрта динdir. У одамларни ахлига риоя қилишга чорлайди ва Аллоҳнинг ҳудудлари, ҳаромлари ва ҳалоллари риоя қилиниши шарти билангина оиладагиларнинг ҳоҳишлирини адo қилишга, кўнгилларини кўтаришга буоради. Сиз эй, биродар, мана

шу ўрта йўлни лозим тутинг. Саодатингиз ва нажотингизнинг гарови – ана шудир!

### **Аҳли байтига лутф ва марҳаматлари.**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж маҳалида оилалари билан ниҳоят даражада гўзал муошаратли, ширин суханли, лутфли ва марҳаматли бўлганлар. Ҳатто, аҳли байтининг болачалари билан ҳазил – мутойиба қилганлар.

Жобир розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳажга, Оиша онамизнинг эса умрага талбия айтган ҳолатларини сифатлаб, мана бундай деганлар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам юмшоқ одам эдилар. Оиша бирон нарсани ҳоҳласа, дарҳол мувофакат билдирадилар” (Муслим: 1213)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг лутфларига жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Баъзилари мана булардир:

- Амакилари Зубайрнинг қизи Зубоъага “*эй, аммажон! Сизни ҳажс қилишдан нима манъ қилди?!*” деган сўзлари.

- Ҳайз кўргани сабабли умра қила олмай йиғлаб ўтирган Оиша онамизнинг олдига кириб: “*ие? Бу, сени нима йиғлатди?!*” деганлари.
- Ибн Аббос айтади: “биз – Бану Абдул Мутталибнинг болачалари Муздалифада, эшакларимизга миниб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келдик. У зот бизнинг сонларимизга шапатилаб “*Эй, ўгилчаларим! То қуёши чиқмагунча тоши отманглар, хўпми?*” дедилар.

(Ибн Можжа: 3025)

Ҳажда ахлу оиласи билан мана шундай Пайғамбарона хулқ билан муомала қилмаган қавмлардан Аллоҳ субҳонаҳу ва таъологагина шикоят қиласиз. Улардан жуда кўпчиликлари мавсум давомида қўполлик, дағаллик, таҳқир, масхара, миннат ва арз-у шикоятдан бошқа муомалани билмайдилар! Ҳатто, баъзи ҳолларда бир-бирларини сўкишгacha бориб етадилар.

Эй, биродар! Сиз уларнинг ёнида бўлишдан ва изидан юришдан эҳтиёт бўлинг. Чунки бу нарса гина–ю адоватни, ўзаро нафратланишни ва қалбларнинг тарқоқлигини келтириб чиқарадиган, мақбул ҳажнинг табиатига тамоман хилоф келган ва сиз билан Аллоҳнинг мағфирати орасига тўсиқ бўладиган нарсадир.

### **Аҳлу байтларига эҳсон – яхшиликлари.**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳлу байтига қилган эҳсонлари жуда кўп ва хилма – хил эди. Яхшилаб фикр қилган одам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оиласи билади ва ҳаётларининг қайси жабҳасига қарамасин, албатта бир эҳсон намунасини, уларга қилган фазлу карамини ва аниқ жўмардликларини қўради. Буларни санааб ўтирса, саҳифа етмас. Шунинг учун баъзи бирларинигина мисол тариқасида келтирамиз:

□ Ахли байтларининг ўзлари билан берга ибодатни адо қилишларига ҳарис бўлганлари. Агар қайсиdir бир қариндошлари қандайдир сабаб билан ҳаж сафарига чиқиши ният қилмаган бўлса, тезроқ чиқишига қаноатлантирап ва кўндирап эдилар. Аммаларининг қизи Зубоъа разияллоҳу анҳо билан бўлган воқеъа бунга яққол мисол бўлади. Чунончи, Зубоъанинг олдига бориб “ҳажга боришни ирода қилдинизми?” деб сўраганларида у “Аллоҳга қасамки, ўзимда беморликни ҳис қиласяпман” деб жавоб берганлар. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки: **“ҳаж қиласаверинг. Фақат “Эй, Аллоҳум! Менинг эҳромдан чиқадиган жойим – Ўзинг ушлаб қолган жойингдир” деб шарт қилиб қўйинг”**

(Бухорий: 5089)

□ Ўзлари билан барча завжаларини олиб чиқканлари. Бу нарсанинг адолатдан ҳам юқори нарса эканлигини ҳар бир тафаккур соҳиби билиб олади. Зоро, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қуръа ташлаб, улардан бир гинасини ёки

бир нечагинасини олиб чиқсалар ҳам адолат қилган бўлардилар.

- Амакилари Аббоснинг ўғли Фазлни Минодан Муздалифага мингаштириб келганликлари.
- Завжаларига билдириласдан уларнинг номидан улар талаб ыилмаган бщлсаларда курбонлик мол сўйганлари.

(Бухорий: 1709)

Бу нарсалар инсоний камолот қирраларидан бир қиррадир. У зотнинг ўзлари ҳам айтган эдиларки: “сизларнинг орангизда энг яхшиларингиз – аҳли байтига яхшилик қилганларингиздир. Мен аҳли байтимга яхшилик қилишда сизларнинг энг яхшингиздирман” (Термизий: 3895)

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эҳсонларидан энг авлоси аҳли байтларини Аллоҳ розилигига яқин қиласиган ишларга ташвиқ қилганларидаир. Зоро, Аллоҳ субҳонаху ва таъоло аҳли байтларни даъват қилишга ўзига хос фармон бериб:

{وَأَنذِرْ عَشِيرَتَ الْأَفْرَيْنَ}

**“Ва яқин қариндошларингизни огохлантиринг”** дегандир. (Шуаро: 214) Дарҳақиқат, яқин қариндошлар сизнинг диний ва дунёвий эҳсонингизга энг ҳақдор кишилардир. Бас, сиз агар кўп ажр – у савобларга эга бўлишни ҳоҳласангиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан мерос мана шу йўлга эргашинг. Аллоҳ насиб қилса бунинг баракасини яқин орада ё кейинроқ албатта кўргайсиз.

### **Аҳли байтларининг хуқуқларини ҳимоя қилишлари.**

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳли байтларининг хуқуқларини камоли ҳарислик билан ҳимоя қиласар, бошқалар тарафидан тажовуз қилинишига ҳеч – ҳеч йўл қўймас эдилар. Бунга яққол мисол бўладиган ҳадислардан бири Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган мана бу ҳадисдир: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам байтуллоҳни тавоф қилдилар, Ҳажарул Асвадни ҳассалари билан “силадилар”, ундан кейин сиқоят (Замзам) га келдилар. Амакиваччалари сув тортишаётган эдилар. Уларга **“менга ҳам**

*сув узатиб юборинглар*” дедилар. Челак кўтариб берилда ва сув ичдилар. Кейин айтдиларки: “*агарда одамлар ибодатга айлантириб олишимаса ва сизлардан сиқоятни олиб қўйишмаса, мен ҳам сизлар билан бирга (сув) тортар эдим*”

(Бухорий: 1636)

Ҳожи биродарим! Агар оиласиздаги аёлларнинг ҳаж вақтида сиз қўрқадиган (руқнларни силаш каби) хуқуқлари бўлса, уларга насиҳат қилингки, бу ҳақларидан бош тортсинлар ва (тиқилинч эркаклар орасида) адо этишга уринмасинлар. Мана шу сиз учун савоблироқдир. Магар ҳақларини қаттиқ талаб қилсалар, уларни зиёндан муҳофаза қилган ҳолда, тажовузлардан ҳимоя қилган ҳолда ҳақларини адо этишига ёрдамлашинг.

Мана шулар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаж вақтида аҳли байти билан бўлган аҳволларининг баъзи бир лавҳалариdir. Агар билган бўлсангиз оиласиз сизнинг энг катта бойлигингиздир. Бас, сиз ҳаж маҳалидаги улар билан бўладиган аҳволларингизни ўзингиз ҳозиргина билган Расулуллоҳ

саллаллоху алайхи ва салламнинг аҳволлариға мувофиқлаштиришга масъулдирсиз. Ана шундан кейин сизга ҳаждаги түғри ҳаракат йўналишлари аён бўлади. Сизнинг Расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва салламдан намуна олишга тиришишлигингиз аҳли байтингиз олдидағи вожибингизга янгича назар билан қарашга мажбур қиласиди. Натижада сиз уларнинг дунёсига ва яхши ҳаёт кечиришига аҳамият берганингиз каби, энг яхши муомалалар билан уларнинг охиратлариға ва роббисининг азобидан нажот берадиган нарсаларга ҳам аҳамият бера бошлайсиз, таълимларини, ахлоқларини ўнглайсиз, уларга ибодатларини энг гўзал ҳолатда адо этишлариға ёрдам берасиз. Чунки, сизнинг устингиздаги уларнинг ҳаққи буюк, уларнинг олдидағи сизнинг вожибингиз ундан ҳам буюкроқdir. Бас, ғайрат камарини боғлангда, роббингиз хузурида бош эгиб, мақсадларингиз йўлида ёрдам беришлигини ва хатоларингизни тўғрилашлигини сўраб, илтижо қилинг!

### Хотима:

Мен авваламбор Улуг неъмат берувчига чексиз шукроналар айтгандан кейин, менга – мана шу сатрларнинг ёзилишига ёрдам берган ва фикр билдирган барча инсонларга такрор – такрор ташаккурларимни изҳор қиласман. Бу китобда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаждаги аҳволларини баён қилишдан нарига ўтилмади. Шуни ҳам таъкидлашим лозимки, оз фурсат ичида, бир оз шошилинчроқ ёзилди. Бас, саховатли ва меҳрибон роббимдан бу амални қабул ва фойдали қилишлигини умид қилиб қоласман. Зора, Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло йўлида, сафар қилғанларнинг ҳажлари мабрур, гуноҳлари мағфират қилинган бўлишига бир оз бўлсада ёрдам бера олса! Ваҳоланки, мавзу мен каби бир илм аҳли иҳота қила олишлигидан аллақанча каттароқ ва кенгроқдир. Демак, яна қўшимча баҳсларга, чукур фикр юритишларга ва дақиқ тадқиқотларга эҳтиёж бор.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таъолодан бу мавзуни янада муқаммалроқ ёритадиган

илем ахларини чиқаришлигини сўрайман!  
Албатта, У барча нарсага қодир ва  
дуоларни қабул қилгувчидир!

Аллоҳ субҳонаҳу ва таъоло саййидимиз  
Муҳаммадни, аҳли байтларини,  
саҳобаларини ва то қиёмат унинг йўлидан  
юрган барча инсонларни Ўз раҳматига  
мушарраф қилсин!

**Мундарижа:**

Бош сўз.....3

**Биринчи фасл:**

**Ҳаж ибодати вақтида Расулуллоҳ саллаллоҳу  
алайҳи ва салламнинг Роббиси билан бўлган  
аҳволлари.....12**

Тавхидга аҳамият бериш ва уни ижро  
қилиш.....13

Аллоҳнинг шиорларини улуғлаш.....19

Мушриклардан тамомий узилганликни ва уларга  
хилофликни изҳор қилишлари..... 33

Тавба – тазарруъ, муножот ва дуоларининг  
қўплиги.....45

Аллоҳ учун ғазабланганликлари ва Унинг ҳадлари  
олдида тўхтаганликлари..... 50

Ибодатдаги тавозеъ ва хотиржамликлари.....57

Савоб ишни кўп ва ўз қўллари билан  
қилишлари.....60

Амалларда мўътадилликни ихтиёр қилганлари....65

Зоҳидликлари.....70

**Иккинчи фасл:**

<b>Ҳаж ибодати вақтида Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уммати билан бўлган аҳволлари.....</b>	80
Умматига таълим беришликлари.....	80
Фатволари.....	92
Ваъзлари ва огоҳлантиришлари.....	106
Ҳаққа тобеъ бўлишга ва бир манбаъдан “сув ичишга” тарбиялаганлари.....	123
Умматни бирлаштирганлари ва уларни фитналар билан тарқоқлик сабабларидан огоҳлантирганлари.....	137
Музaffer етакчилик ва гўзал муомала.....	144
Шахсий намауналари.....	146
Маъруф (яхши) ишга буюриб, мункар (гуноҳ) ишдан қайтарганлари.....	150
Одамларга тавозеъликлари.....	156

Одамларга эҳсонлари.....	166
Одамларга нисбатан сабрлиликлари.....	172
Одамларга меҳрибонликлари.....	177
Ҳаж вақтида одамларга етакчиликчиларидаги бошқа аҳволлари.....	186
Одамларни интизомга солишлари.....	187
Одамларга хизмат қилишга қизиктиришлари.....	188
Одамларнинг хуқуқларини риоя қилишлари.....	190
Ҳақиқатга журъатлиликлари.....	191
Хато қилувчиларга мулойимликлари.....	194
Такаллуф (зўраки муомала) дан олисликлари....	197
Одамларга илиқ муомалалари.....	198
Виқорлиликлари ва гўзал ҳайъатлари.....	200

**Учинчи фасл:**

<b>Ҳаж ибодати вақтида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оиласлари билан бўлган аҳволлари.....</b>	<b>203</b>
---	------------

Аҳли байтига ибодат ҳукмларини таълим берганлари.....	206
Ҳаж сафарига чиқмасдан олдин оила аъзоларини ҳажга тайёрлашликлари.....	209
Аҳли байтининг зиммаларидаги вожибни адo қилишларига ҳарисликлари.....	210
Аҳлу оилаларини яхшиликга шижаотлантирганлари.....	213
Аҳлу байтларидан ёрдам сўрашлари.....	216
Аҳлу оилаларини фитнадан ҳимоя қилишлари...	219
Аҳлу байтларини мункардан қайтарганликлари.....	225
Аҳли байтларига меҳрибонликлари ва улардан машаққатни енгиллатишлари.....	227
Аҳлу аёлларига сабрлиликлари.....	230
Аҳли байтларини риоя қилишлари ва овутишлари.....	234
Аҳли байтига лутф ва марҳаматлари.....	236
Аҳлу байтларига эҳсон – яхшиликлари.....	239
Аҳли байтларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари.....	242